

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

ҲУҚУҚ ФАЛСАҒАСИ

Маърузалар курси

Тошкент – 2012

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг
Тахририят-ноширлик кенгашида маъқулланган*

Муаллифлар:

фалсафа фанлари доктори, профессор **Н.Ё Ғойибов**;
фалсафа фанлари номзодлари, доцентлар: **Д.А Юсубов**,
А.А. Мавлянов, **Х.Б. Саитходжаев**

Такризчилар:

фалсафа фанлари доктори, профессор. **Ф.А. Мусаев**;
юримдик фанлар номзоди, доцент. **Н. П. Азизов**

Ғойибов Н.Ё.

Ҳ-98 **Ҳуқуқ фалсафаси:** Маърузалар курси. / Ғойибов Н.Ё.
Юсубов Д.А., Мавлянов А.А., Саитходжаев Х.Б. – Т.:
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 146 б.

Ушбу маърузалар курсида ҳуқуқ фалсафаси фанининг предмети ва методлари, ривожланиш тарихи, ҳуқуқнинг фалсафий тавсифи, фалсафий ва юримдик қонунларнинг ўзаро муносабати, фалсафий категорияларнинг юримдик фанлар учун методологик аҳамияти, ҳуқуқ фалсафасида юримдик онтология, гносеология ва аксиология муаммоларининг ҳал қилинишига оид маълумотлар берилган. Шунингдек, онг ва ҳуқуқ, ҳуқуқий онг ва уларнинг ўзаро муносабати, табиий ва позитив ҳуқуқ, ҳуқуқ ва давлат муносабатининг фалсафий-ҳуқуқий масалалари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг амалий фаолиятидаги ўрни билан боғлиқ равишда таҳлил қилинган.

Ички ишлар вазирлиги Академияси олий академик курсларининг тингловчилари, ўқитувчилари ва барча қизиқувчиларга мўлжалланган.

ББК 87.3:67я73

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012

К И Р И Ш

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида улкан тарихий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу ислохотларнинг илмий-назарий асослари ва уларни амалга ошириш механизмлари Президент Ислон Каримов асарларида ўзининг теран ифодасини топган бўлиб, ўз навбатида, ижтимоий-гуманитар фанлар соҳаларида олиб борилаётган илмий изланишлар ва уларнинг натижалари бунга алоҳида эътибор беришни талаб қилади.

Бугун жамият ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар ижтимоий-гуманитар фанлар таркибига кирувчи ҳуқуқ фалсафаси фани зиммасига ҳам бир қатор вазифаларни юклайди. Чунки, ҳуқуқ фалсафаси фани ҳуқуқни ўрганишнинг бошқа турлари ва усуллари билан бирга ҳуқуқни, унинг маъно-моҳиятини билиш, одамлар ҳаётидаги қиммати ва аҳамиятини англаш ҳамда қарор топтиришнинг олий маънавий шакли ҳисобланади. Шунингдек, ҳуқуқ фалсафаси жамиятда рўй бераётган улкан ижтимоий-сиёсий воқеаларнинг фалсафий-ҳуқуқий негизини шунчаки қайд этиш билангина чекланиб қолмай, балки унинг асл моҳияти ва мазмунини атрофлича очиб беради. Шу жиҳатдан ҳуқуқ фалсафаси ҳуқуқнинг фалсафий муаммоларини ўзида ҳар тарафлама қамраб олганлиги, зиммасидаги масалаларга берадиган илмий жавобларининг ҳуқуқий-фалсафий жиҳатдан атрофлича асосланганлиги, юридик далилларнинг қайта-қайта текширилганлиги билан ҳам қимматлидир. Ҳуқуқ фалсафаси фақат ҳозирги ҳуқуқ соҳасидаги ижтимоий жараёнларга тўлиқ жавоб бериш билангина чекланиб қолмай, ижтимоий тараққиётнинг истиқболи хусусида ҳам башорат қилади. Шу боис ҳуқуқ фалсафаси фани назарияси, амалиёти ва тадқиқот усуллари атрофлича ўрганиб чиқиш зарурати туғилади.

Мамлакатимизда давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ўзгариш ҳамда янгиланишларга ҳуқуқ фалсафаси нуктаи назаридан ёндашиш, айниқса ижтимоий фанлар ривожидида катта аҳамият касб этади. Чунки, ижтимоий фанлар таркибида эндигина шаклланиб келаётган ҳуқуқ фалсафаси фани давлат ва жамият қурилишидаги ислохотлар жараёнининг маҳсулидир. Табиийки, ушбу соҳада юз бераётган ўзгаришларни ҳуқуқ фалсафаси методологияси асосида таҳлил қилиш давр талабидир.

Жамиятдаги ҳуқуқий муаммоларни фалсафий жиҳатдан ҳар тарафлама ўрганишни юксак даражага кўтариш учун ҳуқуқ фалсафаси бўйича юқори савияда битилган дарсликлар, ўқув қўлланмалар, маърузалар курси ва фанга оид бошқа адабиётлар зарур. Шу кунгача мамлакатимиз олимлари томонидан ҳуқуқ фалсафасига оид бир қатор янги адабиётлар чоп этилди ва бу жараён давом этмоқда.

Ушбу маърузалар курси ҳам мана шу соҳада қилинган ижобий ишларнинг натижаси бўлиб, ИИВ Академиясида ҳуқуқ фалсафаси бўйича ишлаб чиқилган дастур асосида тайёрланган. Муаллифлар жамоаси маърузалар курсида ҳуқуқ фалсафаси фанининг ўрганиш объекти, предмети ва методлари, унинг қадимдан бугунги кунгача Шарқ ва Ғарб мамлакатлари, шунингдек, Марказий Осиё мутафаккирларининг ижтимоий-сиёсий қарашларида ҳуқуқ фалсафасига оид фикрларнинг ривожланиш тарихи, ҳуқуқнинг фалсафий тавсифи, фалсафий ва юридик қонунларнинг ўзаро муносабати, фалсафий категорияларнинг юридик фанлар учун методологик ахамияти, ҳуқуқ фалсафасида юридик онтология, гносиология ва аксиология муаммоларининг ҳал қилиниши, онг ва ҳуқуқ, ҳуқуқий онг уларнинг ўзаро муносабати, табиий ва позитив ҳуқуқ масалалари, ҳуқуқ ва давлат муносабатининг фалсафий-ҳуқуқий муаммоларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг амалий фаолиятидаги ўрни масалалари билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиб берилган.

Маърузалар курси ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиш йўлидан бораётган Мустақил Ўзбекистон жамиятидаги ижтимоий-ҳуқуқий жараёнлар, ижтимоий жамоа ва ташкилотларда кечаётган иқтисодий, сиёсий, маънавий, маданий ва ҳуқуқий ўзгаришларнинг моҳияти ҳақида ўқувчиларни биргаликда фикрлашга, ижтимоий ривожланиш истиқболлари хусусида ҳамжиҳатлик билан тафаккур юритишга ундаши билан эътиборга лойиқ. Юксак малакали, Ватанга муҳаббат ва садоқатли кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.

Ушбу маърузалар курси таркибидаги «Ҳуқуқ ва давлат муносабатининг фалсафий-ҳуқуқий муаммолари» мавзуси – фалсафа фанлари доктори, профессор Н.Ё Ғойибов; «Ҳуқуқ фалсафасининг предмети ва методи», «Онг ва ҳуқуқ. Ҳуқуқий онг», «Табиий ҳуқуқ ва позитив ҳуқуқ» мавзулари – фалсафа фанлари номзоди, доцент Д. А. Юсубов; «Кириш», «Ҳуқуқ фалсафаси тарихи», «Юридик онтология, гносеология ва аксиология муаммолари» – фалсафа фанлари номзоди, доцент Х.Б Саитходжаев; «Ҳуқуқнинг фалсафий

тавсифи», «Фалсафий ва юридик қонунлар муносабати», «Фалсафанинг асосий категориялари ва уларнинг юридик фанлар учун методологик аҳамияти» мавзулари - фалсафа фанлар номзоди, доцент А. А. Мавлянов томонидан ёзилган. Муаллифлар жамоаси мазкур маърузалар курсини тайёрлашда таниқли ҳуқуқшунос олим Россия Фанлар академиясининг академиги, юридик фанлар доктори, профессор В.С. Нерсисянцнинг 2003 йилда чоп этилган «Ҳуқуқ фалсафаси» ҳамда файласуф олим, фалсафа фанлари доктори, профессор Б.Т. Туйчиевнинг «Ҳуқуқ фалсафаси» ўқув қўлланмаларидан кенг фойдаландилар. Маърузалар курси тингловчи ва талабаларда оз бўлса-да, ҳуқуқ фалсафаси фанидан билимларини оширишга хизмат қилса, биз бундан миннатдор бўлар эдик. Китобда ютуқлар билан бирга айрим жузъий камчиликлар ҳам учраши табиий. Шу боис, ушбу маърузалар курси юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазаларни бажонидил қабул қиламиз.

Китоб юзасидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: 700127, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68-уй, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлими.

I. ХУҚУҚ ФАЛСАФАСИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДИ

1. Хуқуқ фалсафасининг предмети

Хуқуқ фалсафаси мамлакатимизда мустақиллик қўлга киритилганидан кейин ўқитилаётган фанлардан бири ҳисобланади. Хуқуқ фалсафаси мустақил фан бўлиб, ўзининг тушунчалар аппаратига ва бой тажрибасига эга.

Хуқуқ фалсафасининг предмети масаласи мунозарали бўлиб, файласуфлар, хуқуқшунослар, сиёсатшунослар томонидан турлича таърифланади. Унинг мураккаблиги шундаки, хуқуқ фалсафасининг предмети аниқлаш баробарида хуқуқий ва фалсафий назарияларнинг бир бутун уйғунлиги, тушунчавий аппаратининг мантикий бирлигини эътироф этмоқ лозим. Шунинг учун ҳам хуқуқ фалсафаси – шунчаки хуқуқни фалсафийлаштириш, ёки аксинча, фалсафани хуқуқийлаштириш эмас. Хуқуқ фалсафаси илмий билимлар, аввало хуқуқий ва фалсафий билимларнинг алоҳида тизими сифатида ўзининг махсус тадқиқот предмети эга.

Ҳар бир фаннинг ўзига хос ва зарурий тамойиллари бўлади. Ана шундай тамойиллардан бири – фан муайян предметининг мавжудлиги. Хуқуқнинг шундай жиҳати борки, уни фақат фалсафа фанигина била олади. Унинг жиҳатини ажратиб олган тақдирда хуқуқ фалсафасининг предмети аниқлаш мумкин.

Хуқуқ фалсафаси билимлар тизимида алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг ва бой тарихга эга бўлиб, «хуқуқ фалсафаси» тушунчаси эса бироз кейинроқ, яъни XVIII асрнинг охирларида пайдо бўлди. Гарчи фалсафий-хуқуқий йўналишлардаги муаммолар қадимги даврларда, аввал умумий мавзуларнинг алоҳида бир бўлаги ва жиҳати сифатида ўрганилган бўлса, кейинчалик фаннинг алоҳида, мустақил предмети сифатида – асосан табиий хуқуқ таълимоти сифатида фалсафа, фикҳ, теология, сиёсий фанлар доирасида тадқиқ этилган¹. Биз кундалик ҳаётда фалсафа билан боғлиқ турли ибораларни учратамиз. Жумладан, «ҳаёт фалсафаси», «яшаш фалсафаси», «тарих фалсафаси» «Ислом фалсафаси» ва бошқалар. Бу ибораларни қўллаш бевосита ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар мустақиллик туфайли,

¹ Қаранг: *Нерсеянц В.С.* Философия права.– М., 1998.– С.11.

мавжуд мафкуранинг назарий асоси бўлган монофалсафа ўрнига илмий прагматик фалсафанинг шаклланишидан далолат беради. Яшаш фалсафаси, яъни экзистенциализм фалсафаси олий таълим муассасаларида фалсафа фанининг «реакцион» буржуазия, ғайриинсоний фалсафий оқимларнинг бири сифатида ўқитилар эди. Ҳозир фалсафий фанлар алоҳида олинган ҳукмрон мафкуранинг измидан холи бўлган шароитда мазкур фаннинг инсон ҳаёти билан, республикамизда олиб борилаётган сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ислохотлар билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланмоқда.

Ўтмишимиз тарихи унинг фалсафасини чуқур ўрганмай, тарих ва фалсафани, ҳуқуқ фалсафасини ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил этмай туриб, ҳуқуқ фалсафасининг моҳиятини тушуниб етиш мураккабдир, чунончи Президент Ислон Каримов таъкидлаганидек»...тарих ва фалсафа мантикий равишда бир-бирини тақозо этадиган, керак бўлса, тўлдирадиган, тараққиёт жараёнлари ҳақида яхлит тасаввур берадиган, оқ-қорани фарқлашда асос бўладиган фанлардир»¹. Бинобарин, «жаҳон фалсафаси»ни, дунё тан олган улугъ файласуфларнинг таълимотларини билиш ҳам ҳуқуқ фалсафасининг муҳим жиҳатларидан биридир.

Ҳуқуқ фалсафасининг асосий моҳияти ҳуқуқ ва фалсафанинг ижтимоий онгининг алоҳида шакли сифатида унинг бошқа шакллари билан узвий боғлиқлиги ташкил этади. Мустақиллик шароитида ҳуқуқ фалсафасининг асосий негизларидан яна бири унинг умумижтимоий регулятор сифатида муайян вазифани бажаришидир.

«Ҳуқуқ фалсафаси» атамаси таълимот сифатида, аввало, ҳуқуқшунослик фанида пайдо бўлган. Бироқ, бундай фикр фалсафада ҳуқуқ фалсафаси етарлича ўз ифодасини топмаган дегани эмас. Фалсафий таълимотлар, жумладан қадимги Шарқ фалсафий таълимотида, яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик масалалари, бошқача айтганда, инсон хатти-ҳаракатини тартибга солиш, уларни бошқариш, жиноят ва жазо масалаларига кенг ўрин берилган. «Ҳуқуқ фалсафаси»нинг асосчиларидан бири Ўрта аср фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган олим, мутафаккир Абу Наср Фаробийдир.

Таъкидлаш жоизки, Абу Наср Фаробий илмларнинг тузилишини келтириб сиёсат илми, яъни илм ал-маданий, шаҳар

¹ Қаранг: *Каримов И.А.* Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва келажакка ишончдир. //Т.10. – Т., 2001. –Б. 27.

хақидаги илм, шаҳарни бошқариш илми, фикҳ ва мусулмон теологиясини алоҳида бир таркиб эканлигини таъкидлайди¹.

Ҳуқуқ фалсафасининг предмети, аввало, ҳуқуқнинг идеал бирламчи асослари ҳисобланади. Бу билан ҳуқуқ фалсафаси мавжуд ҳуқуқий нормалар ҳақидаги формал-позитивистик таълимотлардан, шунингдек, ҳуқуқнинг умумий назарияси ва ҳуқуқ социологиясидан фарқ қилади.

Ҳуқуқ фалсафаси ҳар қандай демократик ҳуқуқий жамият барпо этишда назарий асос бўлиб хизмат қилади. У ҳуқуқ социологияси, ҳуқуқнинг умумий назарияси сифатида бошқа ҳуқуқий, фалсафий ва табиий фанлар билан боғлиқдир. Ҳуқуқий фанлар фақат ижтимоий-сиёсий фанлар билан эмас, балки, табиий-илмий, техникавий фанлар билан ҳам чамбарчас алоқада бўлади. Жумладан, кибернетика фанининг назарияси, методи ва воситалари билан ҳуқуқ фанлари бевосита боғлиқдир. Ҳуқуқ фалсафаси, ўз навбатида кибернетика билан ҳам мустаҳкам боғлиқ. Хўш, ҳуқуқий кибернетиканинг предмети нимадан иборат? Ҳар қандай ҳуқуқий нормани самарали ижобий ёки салбий натижага олиб келишининг объектив ва субъектив жиҳатларини ўрганиш муҳим вазифалардан биридир. Ҳуқуқий кибернетика катта аниқлик билан у ёки бу ҳуқуқий нормаларнинг самарасини аниқлашга ёрдам беради.

Ҳуқуқ фалсафаси ҳуқуқ ҳақидаги умумназарий таълимотдир. Ҳуқуқ фалсафасини ҳуқуқий таълимотми ёки фалсафий таълимотми, деб ёндашиш, назаримизда, бир ёқламаликка олиб келиши мумкин. Жумладан немис фалсафасида ҳуқуқ фалсафаси фалсафий тизимнинг ажралмас қисми деб эътироф этилган бўлса, кейинчалик ҳуқуқшунослик фани турли хил соҳаларининг ривожланиши натижасида ҳуқуқнинг умумназарий қисми сифатида таҳлил этила бошланди. Ҳуқуқ фалсафасида аввало ҳуқуқий позитивизм кўпроқ ўрин эгаллаган эди. Ҳуқуқ фалсафаси ўз ривожланишининг кейинги босқичларида фалсафа ва ҳуқуқшуносликнинг бирлиги асосида юзага келган алоҳида бир йўналиш сифатида пайдо бўлди. Бир қатор манбаларда «ҳуқуқ фалсафаси» атамасини биринчи бўлиб ҳуқуқшунослик фанларида қўллаган голландиялик юрист Г.Гуго деб таъкидланади. У «ҳуқуқ фалсафаси» атамасини қўллаб, унга изчил бир таълимот сифатида ёндашади. У ҳуқуқшунослик фанлари тарихи

¹ Қаранг: *Каримов И.А.* Миллий истиклол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.10. – Т., 2001. – Б 27.

билан шуғулланар экан «хуқуқ фалсафаси» бирикмасини аввало «позитив хуқуқ фалсафаси»ни ихчамроқ ифодалаш учун қўллайди. Хуқуқ фалсафаси хуқуқ ҳақидаги таълимотнинг фалсафий қисми ҳисобланади.

Г.Гугонинг таъкидлашича, юриспруденция учта бир-бирдан ажралмаган таркибий қисмдан иборат бўлмоғи лозим. Булар қуйидагилар:

- 1) хуқуқ фалсафаси (позитив хуқуқ фалсафаси);
- 2) хуқуқ тарихи;
- 3) юридик догматика.

Юридик догматика асосан ҳаракатда ва қонуний кучга эга бўлган хуқуқий нормалар билан шуғулланади ва мазкур юриспруденциянинг тури учун эмпирик билимлар асос қилиб олинади. Хуқуқ фалсафаси билан хуқуқ тарихи эса «хуқуқни илмий билиш ақлий, тафаккур орқали билишнинг асосини ташкил этади». Хуқуқ тарихининг асосий вазифаларидан бири–хуқуқий фанлар шаклланишининг ва ривожланишининг тарихий характерга эга эканлиги ҳамда уларни қонун чиқарувчи органлар томонидан яратилмаслиги масаласини тушунтириб беришдан иборатдир. «Хуқуқ фалсафаси» тушунчасининг янада кенг тарқалиши немис мумтоз фалсафасининг йирик вакиллари билан Г.Ф. Гегелнинг «Хуқуқ фалсафаси» (1820 й.) китобининг ёзилиши билан боғлиқ. Бу китоб ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Гегелнинг мазкур асари кейинчалик «Табиий хуқуқ ва давлат ҳақидаги фан» очерки ва «Хуқуқ фалсафаси асослари» номи билан чоп этилган. Гегель хуқуқ фалсафаси Гуго хуқуқ фалсафасидан фарқ қилади. Гуго таълимотидаги каби хуқуқ фалсафаси Гегель фалсафий тизимида юридик фан бўлмай, балки фалсафий фандир. Гегель хуқуқ фалсафасида хуқуқ позитив фанлар ҳамда тарихий фанлар сифатида эътироф этилади. Гегель юридик фанларни «тафаккур фанлари» ва хуқуқ ҳақидаги ҳаққоний фан бу хуқуқ фалсафасидир деб ҳисоблайди. «Хуқуқ ҳақидаги фан – деб таъкидлайди Гегель, - фалсафанинг бир қисмидан иборатдир¹. Шундан келиб чиқиб, хуқуқ фалсафасининг предмети Гегель қуйидагича таърифлайди: «Хуқуқ ҳақидаги фалсафий фаннинг предмети хуқуқ ғояси бўлиб, - хуқуқ тушунчаси ва уни ҳаётга жорий этишдан иборатдир².

¹ Қаранг: Гегель. Философии права.- М., 1990.- С.60.

² Қаранг: Шу асар. -С.59.

Ҳуқуқ фалсафасининг вазифаси, Гегелнинг таъкидлашича, ҳуқуқнинг ички моҳиятида мавжуд бўлиб, ғоя ва фикрларни эгаллашдан иборат. Бу вазифани бажариш учун эса тўғри тафаккур қилиш ҳуқуқни фалсафий билиш орқали амалга ошириш мумкин. «Ҳуқуқда - деб таъкидлайди Гегель – инсон ўз ақл-идрокини қайта кашф қилмоғи даркор. Демак, позитив юриспруденция асосан зиддиятлар (зиддиятли жараёнлар – Тўйчиев Б.Т.) билан иш кўрса, ҳуқуқ фалсафаси эса ҳуқуқнинг рационалиги, ёхуд рационал ҳуқуқни таҳлили билан шуғулланади»¹.

Ҳуқуқ фалсафасининг предмети ва вазифаларининг бундай талқини мавжуд ҳуқуқ ва қонуннинг табиий - ҳуқуқий концепцияси ҳамда табиий ҳуқуқнинг антирационалистик талқинига зид бўлган таълимот эди.

Гегелнинг ҳуқуққа оид ғоялари, моҳият эътибори билан ҳуқуқ фалсафасининг предмети ҳамдир. Лекин, модомики гап Гегелнинг ҳуқуқ фалсафаси ҳақида кетар экан, муайян-тарихийлик принципини ҳам унутмаслик керак. Гегель ҳуқуқ фалсафасининг назарий асосини унинг фалсафий таълимоти ташкил этади. Шунингдек, ҳуқуқ фалсафасининг предмети масаласида ҳам Гегель ўзининг тафаккур ва борлиқнинг айнийлиги фалсафий ғоясидан келиб чиқади. Унинг ҳуқуқ фалсафасида муайян ижтимоий-сиёсий муносабатлар ҳам ўз ифодасини топган.

Ҳуқуқ фалсафаси ҳуқуқ тўғрисидаги ҳақиқатни, одамлар ижтимоий борлиғининг махсус шакли ва ижтимоий тартибга солишнинг алоҳида тури

бўлган ҳуқуқ ҳақидаги ҳақиқий билимларни излаш ва аниқлаш билан шуғулланади.

Ҳуқуқ турли фанлар томонидан объект сифатида ўрганилади, тадқиқ қилинади. Уларнинг ҳар бири ҳуқуқни ўзига хос тушуниб, мазкур объектни ўрганишнинг ўз усуллари, махсус предмети ва методи нуқтаи назаридан кўриб чиқади. Бунда фан объекти деганда, ҳали ўрганилиши ва тушуниб олиниши керак бўлган нарса, унинг предмети деганда эса – объектнинг муайян тарзда назарий анланган ҳолати, уни билиш–маънавий ифодалаш шакли, уни тушуниш ва тушунчасининг муайян концепцияси назарда тутилади.

Ҳуқуқ фалсафасида умуман ҳуқуқ, муайян универсал яхлитлик сифатидаги ҳуқуқ, бутун ҳуқуқий универсум, ҳуқуқнинг бутун

¹ Қаранг: *Гегель*. Философия права. –М.,1990.– С.57-58.

олами, ҳуқуқнинг моҳиятини ҳам қамраб олувчи ушбу моҳиятнинг зоҳиран намоён бўлиши шакллари(ҳуқуқий ҳодисалар)ни ҳам ўз ичига олувчи барча ҳуқуқий жиҳатлар тадқиқ этилади. Ҳуқуқни ҳуқуқий моҳият ва унинг намоён бўлиш шаклларида(ҳуқуқий ҳодисалардан) иборат б муайян яхлит нарса сифатида тушуниш ҳуқуқдаги моҳият ва ҳодисаларни, ҳуқуқ ва ҳуқуқий ҳодисалар моҳиятини, ботиний моҳият сифатидаги ҳуқуқни ва зоҳирий ҳодиса сифатидаги ҳуқуқни бир-биридан фарқлаш, шу билан бирга уларни уйғунлаштиришнинг муайян концепциясини назарда тутати ва ўз ичига олади. Шу сабабли, энг умумий фан сифатида ҳуқуқ фалсафасининг предмет соҳаси – бу уларнинг фарқи ва нисбатидаги(мос келиши ва мос келмаслиги) ва изланаётган бирликда бўлган моҳият сифатидаги ҳуқуқ ҳамда ҳодиса сифатидаги ҳуқуқ, дейиш мумкин.

Ҳуқуқ соҳасида моҳият ва ҳодисанинг бундай фарқланиши ва нисбатининг жиддий ўзига хослиги ҳуқуқнинг илмий жиҳатдан англанадиган моҳияти объектив тусга эгаллиги, ҳодиса сифатидаги ҳуқуқ эса расман ҳукм тусига эгаллиги, расман ҳокимият субъектларининг иродаси, хоҳиши ва эҳтимол тутилган ўзбошимчалигига боғлиқлиги ҳақидаги принципиал вазият туфайли келиб чиқади. Шу сабабли, қонун (позитив ҳуқуқ), яъни расман ҳукмрон (давлат) тартибида белгиланган ва бажарилиши шарт бўлган мажбурий ҳуқуқ деб ҳисобланувчи ҳуқуқ ҳуқуқнинг моҳиятига мос келиши (яъни ҳуқуқий ҳодиса, ҳуқуқий қонун, ҳуқуқий моҳиятни ифодаловчи бўлиши) ҳам ушбу моҳиятга зид бўлиши(яъни ҳуқуқий бўлмаган ҳодиса, ғайри-ҳуқуқий, сохта ҳуқуқий, ҳуқуқни бузувчи, қонунга зид ҳуқуқ бўлиши) ҳам мумкин.

Ушбу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқ фалсафаси предметини қуйидагича аниқ шаклда таърифлаш мумкин: ҳуқуқ фалсафасининг предмети – ўзаро фарқланадиган, ўзаро нисбатда бўлган ва изланаётган бирлик бўлган ҳуқуқ ва қонун.

Бунда ҳуқуқ деганда, моҳият сифатидаги ҳуқуқ, яъни қонун чиқарувчининг (давлатнинг) иродаси ёки ўзбошимчалигига боғлиқ бўлмаган, алоҳида ижтимоий ҳодиса ва ўз табиатида кўра объектив ўзига хос регулятор сифатидаги ҳуқуққа хос бўлган ҳуқуқий моҳият, расман-ҳукмрон ҳодиса сифатидаги қонун деганда эса бутун позитив ҳуқуқ, яъни қонун чиқарувчининг (давлатнинг) иродасига ва эҳтимол, ўзбошимчалигига боғлиқ бўлган ва бинобарин, ҳуқуқнинг моҳияти (моҳият сифатидаги ҳуқуқ)га мос келиши ҳам мос

келмаслиги ҳам мумкин бўлган мажбурий кўрсатмалар (қоидалар, хулқ-атвор нормалари) назарда тутилади. Бошқача айтганда, қонун деганда, ҳуқуқ ва қонунни бир-биридан фарқлаш маъносида, йиғма маънодаги қонун, яъни қонуний кучга эга бўлган ва расман мажбурий барча нарса назарда тутилади.

Ҳуқуқ фалсафаси предметининг келтирилган таърифини янада аниқлаштириш ҳуқуқ фалсафасининг у ёки бу аниқ концепцияси асосида ётган ҳуқуқ моҳиятини тушунишга боғлиқ.

В.С.Нерсисянц томонидан ишлаб чиқилган либертар-юримдик концепцияга мувофиқ ҳуқуқ моҳияти – бу расман тенглик бўлиб, у мазкур концепцияда одамларнинг ижтимоий турмушидаги эркинлик ва адолатнинг ялпи ва тенг ўлчови сифатида талқин этилади ва очиқ берилади.

Ҳуқуқ моҳиятини бундай тушуниш ҳуқуқ фалсафаси предметининг юқорида келтирилган таърифини қуйидагича аниқлаштириш учун асос бўлади: ҳуқуқ фалсафаси предмети – бу расман тенглик ва унинг намоён бўлиш шаклидир. Ижтимоий соҳадаги ҳар қандай тенглик – айнан расман тенглик бўлгани учун, келтирилган таърифни қисқароқ шаклда: ҳуқуқ фалсафаси предмети – бу тенглик ва унинг намоён бўлиш принципи, деб ифодалаш мумкин.

Шундай қилиб ҳуқуқий ҳодисаларга расман тенглик принципига мувофиқ келувчи, мазкур принцип талабларининг зоҳирий ифодаси ва амалга оширилиши шаклларида иборат бўлган барча реал ҳодисалар (расман ўрнатилган қонун, амалда бўлган давлат, ижтимоий турмушнинг турли субъектлари хулқ-атвори, уларнинг ўзаро муносабати ва ҳоказолар) тегишлидир. Бу ҳодисаларнинг барчаси ҳуқуқ фалсафаси предметига эмпирик объектлар кўринишида эмас, балки ҳуқуқий ҳодисалар, расман тенгликни ифодалашнинг аниқлаштирилган шакллари сифатида, яъни уларнинг ҳуқуқий ўлчовлари ва хоссаларига кўра қонун, давлат, хулқ-атвор, муносабатлар ва ҳоказоларнинг (моҳияти ва хусусиятига кўра) ҳуқуқий шаклларида киради.

Бинобарин, ҳуқуқ фалсафаси предметига, бошқа ҳуқуқий ҳодисалар билан бирга, давлат ҳам алоҳида ҳуқуқий ҳодиса сифатида, айнан эса ялпи ва ягона ҳуқуқий моҳиятнинг (расман тенглик принципи, унинг хоссалари ва талабларининг) намоён бўлиши, ифодаланиши ва амал қилишининг институционал – ҳукмрон шакли сифатида киради.

Ҳар қандай ҳуқуқ фалсафаси – бу ҳуқуқни фалсафий англаш ва асослашгина эмас, балки айна вақтда аксилҳуқуқни (ўзбошимчаликни) унинг барча назарий ва амалий кўринишларида – аксилҳуқуқий қонун, аксилҳуқуқий ҳокимият, муносабатларнинг аксилҳуқуқий шакллари ва ҳоказолар сифатидаги кўринишларини фалсафий фош этиш, танқид қилиш ва инкор қилишдир.

Ҳуқуқ фалсафаси предметини либертар-юримдик нуқтаи назардан таърифлаган ҳолда тушуниш ҳуқуққа оид ҳар хил таълимотлар учун умумий жиҳатларни аниқлаш, ойдинлаштириш, тушуниш ва белгилашда умумий аҳамиятга эга бўлиб, бу таълимотлар ҳуқуқ фалсафаси каби битта умумий ва ягона фаннинг ҳар хил концепциялари сифатида уларнинг предмет бўйича бирлигини ифодалайди. Ҳуқуқни ҳам моҳият, ҳам ҳодиса сифатида тушуниш, яъни ҳуқуқда объектив тусдаги алоҳида ҳуқуқий моҳиятни ҳамда субъектив омилга боғлиқ бўлган ҳуқуқий ҳодисани назарий фарқлаш бутун ҳуқуқ фалсафаси учун предмет ҳосил қилиш аҳамиятига эга бўлган умумий жиҳат ҳисобланади.

Объектив ҳуқуқий моҳиятни ва субъектив ҳуқуқий ҳодисани бундай назарий фарқлаш ҳуқуқ фалсафаси барча концепцияларига бирон-бир тарзда хосдир. Бу фарқлашни умумий шаклда ҳуқуқни ҳамда қонунни ва уларнинг нисбатини фарқлаш тарзида ифода-лаймиз. Ҳуқуқ ва қонуннинг бундай фарқланиши ва нисбатининг янада аниқроқ маъноси ҳуқуқ фалсафасининг тегишли концепцияси асосида ётадиган ва унинг ўзига хослигини белгилайдиган ҳуқуқнинг аниқ тушунчасига боғлиқдир.

Чунончи, ҳуқуқ фалсафасининг табиий ҳуқуқий концепцияларида ҳуқуқ фалсафасининг предмет соҳаси табиий ҳуқуқ ва позитив ҳуқуқнинг фарқланиши ҳамда нисбати билан белгиланади («*ius positivum*» - «позитив ҳуқуқ» атамаси қадимги Рим ҳуқуқшунослигида вужудга келиб, ўрта асрлар ҳуқуқшунослигида қарор топди). Юснатурализм (*ius naturale* – табиий ҳуқуқ) тарафдорлари учун «табиий ҳуқуқ» - ягона, чинакам ҳуқуқ, асл маънодаги ҳуқуқ бўлиб, давлат томонидан белгиланадиган ва расман амал қилувчи ҳуқуқ эса сохта, ҳақиқий бўлмаган, ясама, сунъий, нотабиий ҳуқуқдир.

Шу сабабли ҳуқуқ фалсафаси юснатуралистлар талқинида моҳият эътибори билан табиий ҳуқуқ фалсафасидир.

Легизм (lex-қонун) вакиллари бутунлай қарама-қарши нуқтаи-назардадирлар. Улар ўзларининг ҳуқуқ тўғрисидаги позитив ва неопозитив таълимотларида нафақат табиий ҳуқуқни, балки қонун

чиқарувчининг иродасига, расман ҳокимиятга боғлиқ бўлмаган ҳуқуқнинг умуман объектив моҳиятини инкор қиладилар. Легистлар учун ҳуқуқ – айнан расман-ҳокимият, мажбурий-шартли тусига эга бўлганлиги учун ҳақиқий ҳуқуқ ҳисобланадиган қонун (позитив ҳуқуқ)дир.

Шу сабабли, легизм учун ҳуқуқ фалсафаси ва умуман ҳуқуқнинг қонундан фарқланиши ва у билан нисбатидаги моҳияти тўғрисидаги ҳар қандай назарий таълимот – бу нореал (нопозитив) объектлар тўғрисидаги метафизик таълимотдир. Легизмнинг айрим вакиллари қолаверса, позитив ҳуқуқ фалсафасига, легизм ва позитивизм қонуншуносликнинг ўзига хос фалсафий далил-исботига йўл қўйишлари мумкин.

Легизм ва юснатурализм ҳуқуқни тушунишда ва ҳуқуқ фалсафасига нисбатан бир-бирини инкор қилувчи, қарама-қарши нуқтаи назарларни ифодалайди.

Ҳуқуқ фалсафаси предметининг либертар-юримдик талқини мазкур фалсафий-ҳуқуқий концепция учунгина эмас, балки умуман ҳуқуқ фалсафаси предметнинг яхлит таърифи сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Ҳуқуқ фалсафасининг предмети масаласи МДХ давлатлари етакчи мутахассисларининг диққат марказида бўлган. Масалан Д. А. Керимов фикрича, «Ҳуқуқ фалсафасининг предметини ҳуқуқий борлиқнинг мантиқ, диалектика ва билиш назарияси яратиш сифатида тавсифлаш мумкин»¹ Мазкур фикр унинг бошқа тадқиқотларида ҳам ўз ифодасини топган. Ю. Я. Баскин ҳуқуқ фалсафасининг предметини ижтимоий муносабатларни ифодаловчи тушунчаларнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи»² сифатида талқин этади. С.С.Алексеев эса ҳуқуқ фалсафаси бу «кишилар ҳаётида инсон борлиғида ҳуқуқнинг аҳамияти ҳақидаги фан»³ деб эътироф этади. Ю.Г. Ершов эса ҳуқуқ фалсафасини «ҳуқуқни билишни аксиологик ва ижтимоий асослари ҳақидаги фан»⁴ - деб ҳисоблайди. Ҳуқуқ фалсафасининг предмети ҳақида бошқа нуқтаи назарлар ҳам

¹ Қаранг: *Керимов Д.А.* Предмет философии права. // Государство и право. – М., –1994.–№ 7.

² Қаранг: *Баскин Ю. Я.* Очерки философии права.- Сыктывкар. – 1996.- С.4.

³ Қаранг: *Алексеев С.С.* Философия права. – М. 1999. – С. 2.

⁴ Қаранг: *Философия права: Материалы лекций.* - Екатеринбург. – 1995. – С.8.

мавжуд. Келтирилган таърифларнинг барчаси ҳуқуқ фалсафасининг предмети, аввало ижтимоий ҳаётда ҳуқуқнинг ўрни ва аҳамияти эканлиги таъкидланади. Юқорида келтирилган таърифлардан келиб чиқиб, ҳуқуқ фалсафасининг предмети - бу жамият ва инсон ҳаётида ҳуқуқнинг моҳияти, мазмуни, ўрни деб ҳисоблаш мумкин. Зеро ҳуқуқ фалсафаси инсон борлигининг ҳуқуқий асосларини ўрганадиган фандир.

2. Ҳуқуқ фалсафасининг методлари

Метод инсоннинг амалий ва назарий фаолиятида регулятив тамойилларнинг тизимидир. Кишилар фаолиятининг самарадорлиги, унинг натижаси кўп жиҳатдан турли хил методлардан оқилона фойдаланишга боғлиқ. Таниқли немис олими Г.Лихтенбергнинг таъкидлашича, умуман кишиларга нима ҳақида ўйлашни эмас, балки қандай ўйлашни ўргатилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Инглиз файласуфи лорд Ф.Бэкон методларнинг илмий билишдаги аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, уни тунда йўловчининг қўлидаги машъалага қиёслайди¹.

Ҳуқуқ фалсафасининг методологик асоси бўлиб, фалсафа ва ҳуқуқнинг умумий назарияси ҳисобланади. Ҳуқуқ фалсафаси муайян ҳуқуқий фанлар учун умумий, илмий методология вазифасини ўтайди. Ҳар қандай ҳуқуқий фан ўзининг предметиға монанд бўлган методига эга бўлади. Ўтмиш ва ҳозирги замон ҳуқуқ фалсафасининг бирмунча ривожланган ҳар бир концепцияси—бу ҳуқуқ тўғрисидаги назарий билимларнинг муайян жамулжами бўлиб, тегишли фалсафий-ҳуқуқий таълимот предмети ва методининг ўзаро алоқаси ҳамда бирлигидан иборат бўлади.

Бирон-бир фалсафий-ҳуқуқий концепция(назария)нинг ҳам предметини, ҳам методини тавсифлашда унинг асосида ётувчи, унда аниқланадиган, асосланадиган ва очиқ бериладиган ҳуқуқ тушунчаси белгиловчи (бирламчи ва якунловчи) аҳамиятга эгадир.

Бундай ҳуқуқ тушунчасининг маъноси мухтасар ва жамланган тарзда ҳуқуқ фалсафаси тегишли концепцияси предметининг қисқа таърифларида, кенгайтирилган ва аниқлаштирилган кўринишда эса ушбу концепциянинг, яъни фалсафий-ҳуқуқий билимларнинг муайян назарий тизимининг ўз шаклида ифодаланади.

¹ Қаранг: *Ф.Бэкон*. Новый органон. —М., 1938.— С.66.

Предмет ва метод – ягона назарияни, айнан битта назарий тузилмани, ҳуқуқ фалсафасининг муайян концепциясида ифодаланган билимларнинг айнан бир хил тизимини ифодалаш ва тавсифлашнинг ҳар хил (назарий абстракцияда фикран ифодаланган) шаклидир.

Ҳар қандай назарияда бўлгани сингари, фалсафий-ҳуқуқий назария предмети ва методининг ўзаро боғлиқлиги ва бирлиги ҳам умумий кўринишда шундан иборатки, метод – бу унинг амал қилиб турган (унинг шаклланаётган, ташкил этилаётган ва билиш таъсиридаги) предмети, предмет эса – методнинг билиш билан боғлиқ маъно-мазмунининг тизимли-ташкилий ифодасидир. Фалсафий-ҳуқуқий тадқиқотнинг билишга доир воситалари ва усуллари йиғиндиси, объектдан предметга томон борадиган билиш йўли сифатидаги ҳуқуқ фалсафаси, билмагани билишга, оддий тасаввур ва фикрни – илмий (назарий, фалсафий) билишга айлантирадиган қандайдир назария (фалсафадан ташқари восита) ёки ҳодиса эмас, балки назарий шакл, ўзини ўзи биладиган, ривожлантирадиган, чуқурлаштирадиган ва янгиланадиган назариянинг ўзидир.

Ягона фалсафий-ҳуқуқий назарияда унинг предмети ва методининг ажратиб кўрсатилиши ушбу назариянинг билишга доир хоссаларини, тавсифларини, маъноси ва аҳамиятини чуқурроқ ва айнан англаб етиш учун зарур бўлган фикрий абстракциядир.

Бунда фалсафий-ҳуқуқий назариянинг таркибий қисми бўлган предмет методнинг объект тўғрисида олинган билимларнинг муайян тизими кўринишида амал қилишининг билишга доир яқунларини ифодалайди. Метод эса назариянинг бошқа таркибий қисми сифатида: ушбу билимнинг билиш билан боғлиқ (изоҳловчи, исботловчи, истиқболни белгиловчи ва ҳоказо) мақоми, маъноси ва аҳамиятини; унинг олдинги билимлар билан нисбати (ворислик, янгилик ва бошқалар)ни; янги билимларга эга бўлиш, уларни асослаш, ташкил этиш ва амал қилиш усуллари, воситалари ва шакллари; унинг мазкур назария тузилмасидаги турли жиҳатлари ва ўзаро алоқаси маъноларининг ўринлари ва аҳамиятини ҳамда уларнинг, ҳуқуқни давом этаётган илмий билиш жараёнида шу фалсафий-ҳуқуқий назариянинг методологик аҳамиятини ифодалайди.

Ҳар қандай изчил фалсафий-ҳуқуқий назарияда унинг предмети (объект тўғрисидаги муайян билим) методологик жиҳатдан англаingan, метод эса (объектни билиш, тушуниш, изоҳлаш шакли) предметли ифодалангандир.

Шу боис бундай назария методологик аҳамиятга эга, билиш методи вазифасига эга ва бу ролни (кейинги фалсафий-ҳуқуқий назариянинг таркибий қисми сифатида) бевосита ёки билвосита бажаради.

Айрим теран ва ўзига хос фалсафий-ҳуқуқий назарияларнинг методлари(методологик компонентлари) билиш билан боғлиқ катта қимматга ва улкан эвристик салоҳиятга кўра кейинчалик гўё мустақил(тегишли назариялар предметига боғлиқ бўлмаган) равишда мавжуд бўлади ва универсал(умумфалсафий, умумилмий, умумназарий) методологик аҳамият касб этади. Масалан, мантикий, диалектик, онтологик, феноменологик, экзистенциалистик, тизимли, қиёсий тадқиқот методлари ва ҳоказолар мана шундай умумфалсафий, умумилмий методлар сифатида (шунингдек замонавий фалсафий-ҳуқуқий таълимотларда ҳам) қўлланилади. Ҳар қандай янги фалсафий-ҳуқуқий назария олдинги назариялар асосида пайдо бўлади ва улар билан зарур алоқадорликда бўлади, албатта. Бу муайян объектни тадқиқ этишнинг ўз билиш даражаси исбот қилган, методологик аҳамиятга эга ҳар хил воситалари ва усулларидан, объект тўғрисидаги янги фалсафий-ҳуқуқий билимни ташкил этиш ва тизимлаштириш шаклларида, олдинги концепциялар ва янги назарияни жаҳон ҳуқуқ фалсафасининг умумий доирасида талқин этиш ва баҳолаш принципларидан, фалсафий-ҳуқуқий тафаккур ҳамда тадқиқ этилаётган объектив борлиқнинг нисбати усулларидан фойдаланиш ва бошқаларда намоён бўлади. Бироқ бунда (ўтмиш ва ҳозирги) фалсафий-ҳуқуқий назарияларнинг тегишли методлари, шу жумладан умумфалсафий, умумилмий аҳамияти эътироф этиладиган методлар ҳам ўз назариялари, предметлари билан билиш жиҳатидан боғлиқдир ва бошқа назарияларда ўз предметининг билиш билан боғлиқ маъно бирлигидан ташқари бошқача билиш аҳамиятига ва ўзгача предмет ифодасига эга бўлишини ҳисобга олиш керак. Чунончи, диалектик методнинг турли тарафдорлари (Гераклит, Гегель, Маркс, Маркузе ва бошқалар)да мутлақо ҳар хил фалсафий-ҳуқуқий таълимот мавжуд. Бошқа умумфалсафий ва умумилмий методлар тарафдорларининг фалсафий-ҳуқуқий концепциялари тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин.

Ҳар қандай янги фалсафий-ҳуқуқий таълимот – (билиш борасидаги янгилиги даражасига кўра) ўзининг янги предметига ва янги методига эга бўлган янги назариядир. Шу сабабли, билиш билан боғлиқ янги мазмунда олдинги (предмет ва методологик

хусусиятга эга) назарияларнинг қоидалари янги назария (унинг предмети ва методи)нинг қоидалари тегишли тарзда (билиш тараққиёти мантиқига кўра) назарий англандан, қайта ўзгартирилган, ўзлаштирилган ва бўйсундирилган жиҳатлар сифатида билиш аҳамиятига эга бўлади. Бошқа (ўтмишдаги ва замонавий) назариялардан билишга доир нимадир сақланиб қолиши – бу унинг такрорланиши эмас, балки унинг янги билиш вазиятининг айнан шаклларида, янги назариянинг маъно жиҳатидан ривожлантирилиши ва янгиланишидир. Шу ўринда ҳуқуқ фалсафаси либертар-юримдик концепциясининг асосий хусусиятларини қайд этиш зарур.

Либертар (ёки либертар-юримдик, юримдик-формологик, расман-юримдик) метод - бу ўрганилаётган воқелик (объект)ни ҳуқуқий воқелик сифатида фалсафий-ҳуқуқий билишнинг тушунчали-ҳуқуқий методи, расман тенглик ва унинг зоҳир бўлишининг ташқи шакллари сифатидаги ҳуқуқ тўғрисидаги билимларни ишлаб чиқиш ва ташкил этишдир.

Либертар метод асосида расман тенглик принципи ётади. Методологик жиҳатдан расман тенглик принципи – бу ҳуқуқни расман-мантиқий тушуниш методи ва ҳуқуқий тартибга солишнинг предмет соҳасини ва ҳуқуқнинг амал қилишини тегишли равишда юримдик расманлаштиришдир. Либертар метод – бу англандиган воқеликни расман тенглик принципи бўйича ҳуқуқий моделлаштиришнинг умумий усули, воқеликни ҳуқуқни мазкур тушунчаси нуқтаи-назаридан ва чегарасида билиш усули, ўрганилаётган воқеликни ҳуқуқий (расман-тенг) тушуниш, ифодалаш, ўлчаш, таснифлаш ва баҳолаш усулидир. Ушбу методга дунёга ҳуқуқий назар ташлаш, воқеликни ҳуқуқий кўриш хосдир. Фалсафий билиб олинган бундай воқелик ҳуқуқий воқелик сифатида, яъни билиб олинандиган воқеликнинг ҳуқуқий хоссалари ва алоқалари тизими сифатида намоён бўлади. Ушбу ҳуқуқий воқелик фалсафий-ҳуқуқий билиш оламининг изланаётган ҳақиқатини ва аниқландан моҳиятини акс эттиради ва ифодалайди. Агар пифагорчилар математика нуқтаи назаридан оламнинг моҳияти - сон, дейишган бўлса, либертар ҳуқуқ фалсафаси нуқтаи назаридан оламнинг моҳияти – расман тенглик, дейиш мумкин. Бунда ҳар ким ўзи билаётган ва билган оламини: математик – сонлар оламини, ҳуқуқшунос – ҳуқуқ оламини назарда тутди.

Расман тенглик принципи юримдик олам формуласи ҳисобланади.

Турли оламларнинг ушбу ҳар хил формулалари (оламнинг ҳар хил илмий образлари, ҳар хил фанлар томонидан яратиландиган илмий манзараси) моҳият эътибори билан умумий бир нарсани –

объектив оламнинг (барча фанлар объектининг) умумий қонунларини, яъни ушбу оламнинг тартибга солинганлик ва ундаги тартиб (математик-сонли, ҳуқуқий, физик, кимёвий, биологик ва ҳоказо) қоидаларини ифодалайди.

Ушбу маънода ижтимоий воқеликнинг зарур тартиби моҳияти, принципи, қоидаси ва нормаси сифатида расман тенглик ҳуқуқ фалсафасининг изланаётган ҳақиқати ва методи, деб айтиш мумкин.

Расман тенглик воқеликнинг ҳуқуқий тартиби принципининг ўзидир. Либертар метод унга кўра иш олиб боради ва у билинаётган воқеликни ўша принципига мувофиқ юридиклаштиради, уни ҳуқуқий воқелик шаклида билиб олади ва ушбу воқелик ҳақидаги билимни фалсафий-ҳуқуқий назариянинг тегишли тизими сифатида ифодалайди.

Ушбу методнинг билиш билан боғлиқ имкониятлари ҳуқуқнинг либертар тушунчаси (эвристик) салоҳиятидан келиб чиқади ва унинг маъно доиралари, назарий аҳамияти чегаралари, мазкур фалсафий-ҳуқуқий назария предметининг соҳаси билан чекланади. Ҳуқуқнинг айнан мазкур тушунчаси тегишли фалсафий-ҳуқуқий билишнинг юридик билиш нуқтаи назаридан ихтисослашганлигини, йўналганлигини ва чегараларини белгилаб беради.

Фалсафий-ҳуқуқий билимнинг миқдорий ўзгариши (кўпайиши, аниқлаштирилиши, ҳажмининг ошиши ва бошқалар) ҳуқуқнинг умуман ҳуқуқ фалсафаси муайян концепцияси негизида, унинг методи ва предмети асосида ётган у ёки бу тушунчаси нуқтаи назаридан ва унинг чегараларида содир бўлади.

Фалсафий-ҳуқуқий билимнинг сифат ўзгаришлари ҳуқуқнинг олдинги тушунчасидан унинг янги тушунчасига ўтилиши, тегишли янги метод ва янги предметга эга бўлган янги фалсафий-ҳуқуқий назариянинг шакллантирилиши билан боғлиқдир.

Бундай сифат ўзгаришлари даражаси турлича бўлиши мумкин, албатта, бироқ янги тушунчалар фалсафий-ҳуқуқий билишнинг ривожланиши жараёнида ва фалсафий-ҳуқуқий тафаккур тараққиётида сифат жиҳатдан сакрашни ифодалайди.

Ҳуқуқнинг янги тушунчаси ҳуқуқ фалсафаси объектлари эмпирик маълумотларнинг ўзини ўрганиш, тушуниш ва талқин қилишга тегишли равишда янгича ёндошувни ҳам, улар тўғрисида жамланган назарий билимларни ҳам англатади. Неология(янги нарсалар тўғрисидаги таълим) нуқтаи назаридан ҳуқуқ фалсафаси тарихи – ҳуқуқнинг янги тушунчалари ва улар асосида шаклланаётган янги фалсафий-ҳуқуқий назариялар тарихи, дейиш мумкин.

Фалсафий-ҳуқуқий тафаккур тараққиётининг умумий жараёнида янгилик жиҳати ворисийлик жиҳати билан мустаҳкам алоқадордир. Ушбу ўринда янги нарса (ҳуқуқнинг янги тушунчаси, янги назария, янги концепция ва бошқалар), ҳамма жойда бўлганидек, ҳуқуқ ва давлатни англаб етиш ҳамда тушунишнинг билиш жиҳатидан теранроқ, мазмунлироқ ва муқобилроқ шакли сифатида эски нарса (ҳуқуқ тўғрисида олдинги билимларнинг жами) асосида пайдо бўлади, холос. Ҳуқуқнинг билиш методи сифатидаги янги тушунчаси унинг олдинги тушунчаларини ва тегишли назарияларини чиппака чиқармайди, балки олдинги тушунчанинг билиш билан боғлиқ чекланган имкониятлари ва чегараларини бартараф этади ҳамда, унинг назарий билиш мазмунини сақлаб қолади. Бу билан ҳуқуқнинг янги тушунчаси олдинги фалсафий-ҳуқуқий тафаккурнинг илмий аҳамиятга эга бўлган натижаларини сақлаб қолади ва билишнинг янги, юқорироқ даражасида уларни назарий нуқтаи назардан теранроқ ва кенгроқ ҳамда муқобилроқ мазмунда янада ривожлантиради.

Ҳуқуқ фалсафаси ва ҳуқуқий фанлар методлари қуйидаги вазифаларни бажариши мумкин:

1. Ҳуқуқ фалсафаси диалектик методнинг ҳуқуқий фанларда конкретлаштириш йўллари ва усулларини аниқлайди.

2. Конкрет ҳуқуқ фанларида қўлланиладиган умумий, махсус ва алоҳида методларнинг ўзаро муносабатлари ва уларнинг таркибини ўрганади.

3. Умумий, махсус ва алоҳида методларни қўллаш орқали қўлга киритилган билимларнинг турлари ва моҳиятини таҳлил этади.

Ҳуқуқ фалсафасида методлар ҳақида гап кетар экан, аввало уларни таснифлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Умумий методлар деб, барча фанларда қўлланиладиган методларга айтилади. Илмий билишнинг анализ ва синтез, дедукция ва индукция, аналогия, таққослаш, эксперимент каби методлари умумий методлар жумласига киради. Масалан, синтез, ҳуқуқий ҳодисаларни билишда қўлланилиб, унинг мазмунини алоҳида олинган белгиларни бир бутунга айлантириш, умумлаштириш ташкил этади. Анализ методи эса, бутунни бўлақларга бўлишга қаратилган бўлади ва ҳоказо.

Шундай қилиб, ҳуқуқ фалсафасида метод – бу ҳуқуқий ҳодисаларни билиш усули ва воситаси бўлиб, ҳуқуқий гносеологиянинг асосини ташкил этади. Методология ҳуқуқ фалсафасида ҳуқуқий ҳодисалар қамровидаги билимларнинг шаклланишида ва уларни таҳлил этишда асосий гносеологик концепция вазифаларини бажарувчи фалсафий-ҳуқуқий хулосалар мажмуидир.

II. ХУҚУҚ ФАЛСАФАСИ ТАРИХИ

1. Қадимги Шарқ ва Антик даврда ҳуқуқ фалсафасига оид қарашларнинг шаклланиши ва ривожланиши

Ҳуқуқ фалсафаси узок вақт мобайнида фалсафий билимларнинг таркибий қисми сифатида ривожланиб келган. Шунга қарамай, Антик даврнинг ўзидаёқ ҳуқуқ фалсафасига оид ҳуқуқ ва адолат муносабатлари, ҳуқуқ ва қонун, ҳуқуқ ва куч ишлатиш масалалари ҳамда ҳуқуқнинг ижтимоий қадриятлардаги ўрни каби муаммолар ўша давр файласуф олимларининг диққат марказида бўлган.

Сиёсий-ҳуқуқий ходисаларга фалсафий ёндашиш, уларнинг фалсафий таҳлилига оид бир қатор мумтоз ғояларни антик дунё фалсафий таълимотларида учратамиз.

Гомер яшаган даврдаги Юнонистонда (мил.авв. 2-минг йилликнинг охири) эллинлар дике (ҳақиқат, адолат), темис (одат, одат ҳуқуқи), тиме (ор-номус, фахр), номос (қонун) каби тушунчаларни қўллашган. Гомер тушунчасида ўз табиатига кўра илоҳий бўлган адолат ҳуқуқийликнинг объектив асоси ва мезони сифатида намоён бўлган. Фақат ўша даврда адолатга нисбатан қарашларга мувофиқ келадиган нарсагина ҳуқуқ сифатида қабул қилинган.

Адолат ва қонуннинг ягона илдилари ва негизлари ҳақидаги қоидани Гесиод (мил.авв. VII аср) ўзининг «Теогония» ва «Меҳнатлар ва кунлар» поэмаларида қўйидаги тарзда ифодалайди: Адолат (Дике) ва Эзгу қонунчилик (Эвномия) - олий олимпия худоси Зевс ва одил судлов худоси Фемиданинг қизлари бўлган иккита опасингил тангрилардир. Гесиод ҳам Гомерга ўхшаб адолатни куч ва зўравонликка қарши қўяди.

Адолат ва қонуннинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги тасаввурлар кейинчалик «етти донишманд» уюшмаси ижодида ҳам ривожлантирилади. Уларнинг ҳамма ишларида ва қилмишларида муайян «меъёр»га ва «ўрталик»га амал қилиш зарурлиги ҳақидаги фикрлар ва қисқа ҳикматлари (гномлари) кишиларнинг феъл-атворини тартибга солиб турадиган меъёрларнинг объектив табиати тўғрисидаги тасаввурларни чуқурлаштирди. Масалан, шундай гномлар кенг маълум бўлган: «Ўртача йўл энг яхши йўлдир» (Клеобул),

«Меъёрдан ортиқ ҳеч нарса бўлмаслиги керак» (Салон). Бундай тасаввурларга кўра, «меъёр» ва «ўрталик» адолатни ва умуман, киши феъл-атвори қоидаларининг объектив маънавий асосини билдирган, шунингдек, қонунчилик қоидалари ва фуқароларнинг хатти-ҳаракатлари учун энг зарур намуна ҳисобланган. Фалеснинг кўйидаги гноми ҳам ўзаро муносабатларнинг умумий меъёрларига амал қилишга қаратилган: «Ўзинг бошқаларга раво кўрмайдиган ишни қилмагин».

Одамларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётини лозим даражада кўриш учун адолат ва ҳуқуқнинг объектив меъёрини излашлар Пифагор ва унинг издошлари (мил. авв. VI-V аср) томонидан давом эттирилган. Пифагорчилар «лозим бўлган меъёрлар» ва мутаносиблик тушунчалари орқали муайян пропорцияни (ўз табиатига кўра сонли), яъни қандайдир бараварлаштириш, тенгликни назарда тутишган эди. Бу ҳол, ўз навбатида, ҳуқуқий тенглик, ҳуқуқнинг тенг меъёри, расмий тенглик ғояларининг шаклланишида муҳим рол ўйнади. Пифагорчилар тартибсизлик ва қонунсизликни энг ёмон одат деб ҳисоблашган ва одам ўзининг табиатига кўра тегишли раҳбарликсиз иш юрита олмайди деб таъкидлашган.

Полис (давлат) қонунларининг объектив умумжаҳон қонуниятлари билан боғлиқлигига доир теран концепция Гераклит (мил. авв. 530-470 йиллар) томонидан ривожлантирилган. Гераклит фикрича, умумий қонуниятлар бу дунёдаги ҳамма воқеа-ҳодисаларнинг негизида ётадиган абадий логосдир. Дунёдаги ҳамма нарса ана шу логосга биноан, кураш орқали ва заруриятга кўра содир бўлади. Адолат умумий илоҳий логосга амал қилишдан иборат.

Қонун ва давлат тўғрисидаги инсон ва инсоният жамиятининг сабабли- боғланишли, табиий (ноилоҳий) ривожланишнинг сунъий натижаси сифатидаги тасаввур илк марта атомист файласуф Демокрит (мил. авв. 470-366 йиллар) томонидан кенг асослантириб берилди. Унинг фикрича, жамият, полис ва унинг қонунлари табиий ривожланиш натижаси бўлиш билан бир қаторда, одамлар томонидан яратилган сунъий уюшмалардир. Улар табиат томонидан тайёр ҳолда берилган эмас, балки одамлар томонидан уларнинг онгсиз яшашдан маданий ҳаётга томон босиб ўтилган эволюцияси жараёнида шакллантирилган.

Ҳуқуқ билан қонуннинг табиий негизларини инсон ва инсоният жамиятининг ўз табиатидан излашлар мил. аввал V-IV асрларда софистлар томонидан ривожлантирилган.

Софистлар қарашларининг асосий тамойили Пратогор (мил. авв. 481-411 йиллар) ўз қарашларида ифодалаб берган. Унинг фикрича, давлат ва қонунлар - табиат инъомлари эмас, балки доноларнинг кашфиётларидир. Табиий ва сунъийнинг фарқланиши ва уларнинг ўзаро нисбати Пратогорнинг талқин этишича шундай маъно касб этадики, сунъий (давлат, қонунлар, сиёсий, яхшилик) - инсон билимининг меваси, одамнинг юксак ютуғи, унинг табиатнинг қолган қисмидан юксалишидир.

Софист Горгий (мил. авв. 483-375 йиллар) фикрича, ёзилган қонунлар - инсоннинг нафис ихтироси, яъни қандайдир сунъий нарса. Горгий «ёзилган қонун»дан ёзилмаган «адолатни» фарқлаган ва уни «ишларнинг моҳиятини» «илоҳий ва умумий қонун» деб таърифлаган. Улар ўртасидаги бундай тафовут, улар ўртасида кескин фарқ ва зиддият мавжудлигини англатмайди. Горгий ўзи ёзилмаган қонунлар тарафдори бўлса-да, бари бир адолатнинг ўзини қадриятга кўра улардан юқори кўяди.

Софист Гиппий (мил.авв. 460-400 йиллар) табиат (фюсис) билан қонунни (номос) бир-бирига қарши қўйган. У табиий ҳуқуқ деганда «ҳар бир мамлакатда бир хилда ижро этиладиган» ёзилмаган қонунларни тушунади. Одамлар қабул қиладиган қонунларнинг қандайдир ноижодий ва заруриятга эга эмаслигини таъкидлайди.

Софист Антифонт (мил.авв. 400 йиллар) барча одамларда бир хил табиий эҳтиёжлар борлиги асосида барча одамларнинг табиатига кўра тенглиги ҳақидаги қонидани асослайди. Одамларнинг тенг эмаслиги табиатдан эмас, балки инсоний қонунлардан келиб чиқади. Антифон полис қонунлари билан табиат амрларини (табиий ҳуқуқ) фарқлар экан, бунда табиат амрларини устун қўяди.

Горгийнинг шогирди бўлган Алкидам Элейский (мил.авв. IV асрнинг 1-чи ярми) ҳамма одамлар, шу жумладан полиснинг эркин аъзолари билан бир қаторда қуллар ҳам тенгдир, деган фикрни ривожлантиради. Қўйидаги машҳур сўзлар унга тегишли деб ҳисобланади: «Худо ҳаммани эркин қилиб яратган, табиат эса ҳеч кимни қул қилиб яратмаган». Ҳуқуқни тушуниш маъносида бу фикрлар ҳамма одамларнинг табиий-ҳуқуқий тенглигини эътироф этиш нуқтаи назаридан қонунларнинг танқидини англатар эди.

Ҳуқуқ билан қонуннинг ўзаро нисбати, расмий полис кўрсатмаларининг объектив табиати, адолат ва қонунчилик ҳақидаги назарий қарашларнинг бундан кейинги чуқурлаштирилиши Сукротнинг (мил.авв. 469-399 йиллар) номи билан боғлиқдир. Унинг

ижтимоий сиёсий ва ҳуқуқий муаммоларга нисбатан фалсафий ёндашувининг асосида умуман билишнинг белгиловчи, императив-регулятив аҳамияти тўғрисидаги рационалистик тасаввур ётади. Суқрот маънавий ва ҳуқуқий муаммолар муҳокамасини мантикий дефинициялар ва тушунчалар даражасига кўтарган ва ушбу соҳада ўзининг назарий тадқиқотларига асос солган.

Суқротнинг адолат, ҳуқуқ ва қонун тўғрисидаги асосий қоидалари унинг шогирди Платон (мил. авв. 427-347 йиллар) томонидан ривожлантирилади. Платон фалсафасига биноан «ҳақиқий борлиқ - бу қандайдир ақл баравар қилмайдиган ва жисмсиз ғоялардир»; ҳиссиёт қабул қиладиган эмпирик жисмлар, нарсалар ва ходисалар - ҳақиқий эмас, чунки улар умуман борлиққа эмас, балки қандайдир ҳаракатчан, шаклланишга тааллуқлидир.

Идеал давлат ва оқилона, адолатли қонунлар Платон томонидан ғояларнинг амалга оширилиши ва ғоялар дунёсининг ердаги, сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётда имкони борича, кўпроқ татбиқ этилиши сифатида талқин қилинади. Унинг назарида адолат, ҳар бир бошланғич бўғин (ҳар бир табақа ва давлатнинг ҳар бир аъзоси) ўзининг иши билан шуғулланиши керак ва бошқа ишларга аралашмаслиги лозим, Масалан, Платон идеал давлатдаги адолатни тавсифлаб шундай ёзади: «Ҳар бир кишининг ўз иши билан шуғулланиши бу адолатли бўлади», «Адолат ҳар кимнинг ўз иши бўлишидан ва ўз ишини бажаришидан иборатдир». Платон назарида адолат «ҳеч ким ўзганинг молини эгаллаб олмаслигини ва ўз молидан маҳрум бўлмаслигини « талаб қилади. Унинг назарида, адолат «лозим даражадаги меъёр»ни, муайян тенгликни тақозо этади.

Аристотель (мил.авв. IV аср) ўз ижодида ҳуқуқ ва қонуннинг рационал-назарий таҳлилига ҳамда уларнинг ижтимоий-сиёсий соҳалардаги ўрнига катта эътибор қаратган. Аристотель адолат тушунчасини турли мазмунда қўлланилишини қайд қилиб, унинг намоён бўлишининг икки турини алоҳида ажратиб кўрсатади. 1) тақсимловчи адолат; 2) бараварлаштирувчи адолат.

Тақсимловчи адолат - бу жамият аъзолари ўртасида бўлиниши мумкин бўлган ҳамма нарсани (ҳокимият, обрў-эътибор, тўлов ва шу кабилар) тақсимлашда адолатнинг намоён бўлиши. Бу ерда турли шахслар тегишли неъматларга тенг ва нотенг эга бўлиши мумкин.

Бараварлаштирувчи адолат - айирбошлаш соҳасида амал қиладиган ва айирбошлаш предмети бўлган нарсанинг бараварлаштирилишида намоён бўлади. Адолатнинг бу тури фуқаролик-ҳуқуқий

битимлар, зарарнинг қопланиши, жиноят ва жазо соҳасида қўлла-нилади.

Аристотель тамагирлик, ҳаддан ортиқ бойлик орттириш ва шу кабиларга қарши чиқади. Унинг нуқтаи назарида мулк хусусий, унинг маҳсулларидан фойдаланиш эса умумий бўлиши керак.

Аристотель фикрича, сиёсий бошқарув - бу, одамларни эмас, балки қонуннинг бошқарувидир. Умуман олганда, Аристотелнинг фалсафий - ҳуқуқий концепцияси ўзидан аввалги ёндашувларнинг муайян синтези ва янада ривожланиши тарзида намоён бўлади.

Табиий ҳуқуқ нуқтаи назаридан олганда ҳуқуқ, қонун ва давлат тўғрисидаги фалсафий таълимот Цицерон (мил. авв.106-43 йиллар) томонидан анча жиддий тарзда ишлаб чиқилган. Цицероннинг фикрича, ҳуқуқ негизида табиатга хос бўлган адолат ётади. Бунда ушбу адолат умуман табиатнинг ва инсон табиатининг абадий, ўзгармас ва ажралмас хусусияти сифатида тушунилади. Цицерон таълимотида адолат ва ҳуқуқ (табиатга биноан ҳуқуқ, табиий ҳуқуқ) манбаи сифатида «табиат» деганда, бутун коинот, инсонни ўраб турган жисмоний ва ижтимоий олам, инсоний муносабатлар ва жамоатчилик шакллари, шунингдек, одамнинг жисмоний ва руҳи, унинг ташқи ва ички дунёсини қамраб оладиган инсон борлигининг ўзи назарда тутилади. Унинг фикрича, ушбу бутун «табиат»га (унинг илоҳий ибтидоси туфайли) ақл-идрок ва қонунга мувофиқлик, муайян тартиб хосдир.

Цицерон фикрича, табиий ҳуқуқ (олий, ҳақиқий қонун) «ҳар қандай ёзилган қонундан илгари, аниқроғи, умуман қандайдир давлат ташкил топишдан илгари» вужудга келган. Давлатнинг ўзи (умумий ҳуқуқий тартибот сифатида) унинг дастурлари ва қонунлари (яъни ижобий ҳуқуқ) билан бирга ўз моҳиятига кўра табиатдаги адолат ва ҳуқуқнинг тимсоли ҳисобланади. Бундан шундай талаб келиб чиқадики, инсоний дастурлар (сиёсий муассасалар ва кўрсатмалар, ёзилган қонунлар ва шу кабилар) адолат ва ҳуқуққа мувофиқ бўлиши зарур, чунки адолат билан ҳуқуқ одамларнинг фикри ва қарашларига боғлиқ бўлмайди.

Ҳуқуқ одамларнинг қарорлари ва ечимларига кўра эмас, балки табиат томонидан белгиланади. Цицероннинг ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотида табиий ҳуқуқнинг ёзилган ҳуқуқдан фарқланиши билан бир қаторда ёзилган ҳуқуқнинг хусусий ва оммавий ҳуқуқларга ажратилиши ҳам мавжуд, деб таъкидлайди.

Мустақил фан - юриспруденциянинг яратилиши қадимги Рим тафаккурининг жиддий ютуғи бўлди. Дунёвий юриспруденциянинг пайдо бўлиши мил. авв. III аср бошларига бориб тақалади. Римлик юристлар умумий ҳуқуқ назарияси, шунингдек, алоҳида юридик фанлар (фуқаролик ҳуқуқи, давлат ва маъмурий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи халқаро ҳуқуқ) соҳасидаги ҳуқуқий муаммоларнинг кенг мажмуини астойдил ишлаб чиқишган. Мумтоз даврдаги машҳур юристлар ичида Гай (II аср), Папиниан (II- III аср), Павел (II-III аср), Ульпиан (II-III аср) ва Модестиан (II-III аср)лар энг кўзга кўринган юристлардан бўлган.

Римлик юристларнинг фаолияти асосан ҳуқуқий амалиёт эҳтиёжларини қондиришга ва ҳуқуқнинг амалдаги меъёрларини ҳуқуқий мулоқотнинг ўзгариб бораётган эҳтиёжларига мослаштиришга қаратилган эди.

Римлик юристлар ҳуқуқнинг оммавий ҳуқуқ ва хусусий ҳуқуққа бўлиниши ҳақидаги принципиал муҳим қонидани ишлаб чиқади. Ульпианнинг фикрича, оммавий ҳуқуқ «Рим давлати ҳолатига тегишли бўлиб, хусусий ҳуқуқ эса алоҳида шахслар фойдасига тегишлидир»¹. Римлик юристлар ҳуқуқни оммавий ҳуқуқ билан хусусий ҳуқуққа бўлиниши ҳақидаги тамойилни ишлаб чиқишган бўлса-да, лекин на Рим ҳуқуқининг тизими, на Рим юриспруденцияси ушбу тамойилга мувофиқ қўрилмаган. Бу кейинчалик Ғарбий Европада мамлакатнинг анча ривожланган ва табақалаштирилган даврида амалга оширилган.

Умуман, римлик юристларнинг ижодига баҳо берадиган бўлсак, шуни айтиш мумкинки, кўп жиҳатдан айнан улар ишлаб чиққан юридик ҳуқуқни тушуниш туфайли Рим юриспруденцияси ва Рим ҳуқуқи ҳуқуқ назарияси ва тарихида катта рол ўйнаган ва ҳозир ҳам ўз қадрига эга.

Марказий Осиёда ҳуқуқ фалсафасига оид фикрларнинг ривожланиши. Марказий Осиёда ҳуқуқ фалсафасига оид таълимотлар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий жараёнлар билан ўзвий боғлиқ ҳолда ривожланган. Бу тўғрисида файласуф олим Ф.А. Мусаев шундай деб таъкидлайди,- «...фалсафий-ҳуқуқий таълимотлар соф ҳуқуқий ёки соф фалсафий қарашлар эмас, улар негизида инсон – жамият – давлат - силсиласи учун ягона бўлган ижтимоий муносабатлар, давлат ҳокимиятининг бир бутунлигини таъминлаш, одамлар

¹ Қаранг *Нерсеянц В.С.* Ҳуқуқ фалсафаси. – Т., 2003. – С. 177-195.

хаётини адолатли, бахтли-саодатли, равон ва осойишта қилиш ҳақидаги фикрлар, ёндашувлар, илмий-назарий концепциялар ётади»¹ Ҳуқуқ фалсафасининг илк намуналарини мил.авв. 1-чи йиллардаги саклар, массагетлар, Тумарис, Спитамен ва Шарқ халқлари афсоналарида учратамиз. Бу муносабатларда яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, мустақиллик, эркинлик каби муҳим ғоялар илгари сурилади.

Маълумки, Зардуштийлик диний-фалсафий, ҳуқуқий таълимотининг асосий ёзма манбаларидан бири «Авесто»дир. Унда халқимиз тарихи, биз яшаётган заминда мавжуд бўлган давлатларнинг сиёсий тизими ва тараққиёт манбалари кўрсатиб берилганлиги истиқлолга эришган бугунги давримизда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Авестода - кишиларнинг маънавий соғлиги, меҳнат қилиш зарурлиги, фаровон турмуш, адолатли бўлиш, яъни жамиятда ёмонликнинг бутунлай йўқолиши, адолат эса ғалаба қилмоғи кераклиги ёки «ҳалоллик халқнинг келажаги учун муҳимдир» деган ахлоқий, ҳуқуқий фикрларни кўплаб учратамиз.

Ҳуқуқ фалсафасига оид яна бир жиҳат шундаки, «ҳалоллик фақат сўзда эмас, балки амалда, фақатгина амалда эмас тафаккур қилиш тарзида, инсон ички дунёсида унинг онгида бўлмоғи керак», - деб таъкидланади. Шунингдек, Авестода ахлоқ ва одоб, жамиятдаги мавжуд ижтимоий нормалар, яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат, ҳаёт ва ўлим, адолат ва адолатсизлик ўртасидаги қарама-қаршилиқлар курашига ва унинг натижасига боғлиқ деб таъкидланади.

Шунингдек, «Авесто»да жамият, давлат, оила ва уруғни бошқариш, яккахудолик нуқтаи назаридан ижтимоий борлиқ билан инсон ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйиш, кишиларни, эзгуликни қўллаб-қувватлаш яшашга даъват этиш ҳақида кўп қимматли фикрлар билдирилади.

IX-XII асрлар Марказий Осиё, жумладан ҳозирги Ўзбекистон заминида яшаган халқлар ҳаётида ижтимоий-сиёсий ва илмий-маданий воқеаларга бой даврлардан биридир. Бутун дунёга донг таратган буюк мутафаккир олимларимиз Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Беруний; машхур исломшунос алломаларимиз Имом Исмоил ал- Бухорий, Имом ат-

¹ Мусаев Ф.А. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. – Т., 2007. – Б 28.

Термизий, Имом Мотурудий, Бурхониддин Марғиноний ва бошқалар ана шу даврда яшаб ижод этдилар.

Марказий Осиёда фалсафий фикрлар тараққиётида буюк мутафаккир **Абу Наср Фаробий** (873-950)нинг ўрни бекиёсдир. У яқин ва ўрта Шарқда илмий ижтимоий-фалсафий оқимнинг асосчиларидан бўлиб, «Шарқ Аристотели» ёки «Иккинчи муаллим» (Аристотелдан сўнг) деган унвонга сазовор бўлган. У 150 дан ортиқ илмий ва таржима асарларнинг муаллифидир.

Фаробий ўзининг ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ҳуқуқий қарашларини «Ижтимоий сиёсат», «Бахт-саодатга эришув тўғрисида», «Фозил одамлар шахри» каби мумтоз рисолаларида ёзиб қолдирган. У инсон ижтимоий ҳаётининг пайдо бўлиши ва давлатни бошқаришда фалсафий-ҳуқуқий таълимотларнинг аҳамияти, фозил давлатларда ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг фалсафий, ахлоқий ва ҳуқуқий тамойиллари ва қоидалари ҳақида кенг фикр юритилади. Хусусан, «Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари» рисоласида фазилатли бўлиш, жамоа шаҳар аҳолисининг асосий сифат белгилари, буюксак маънавийтлилик, меҳнатсеварлик, илм-фанга интилиш, ўзаро ҳамкорлик, иззат-ҳурмат каби ахлоқий-ҳуқуқий тамойиллар ҳукмрон бўлиш лозимлиги таъкидланади¹.

Фаробий дунёқараши пантеистик таълимотга асосланади. Яъни у борлик ва оллоҳни (илоҳиётни) бир бутун ходиса деб тушунади.

Фаробий ўзининг ижтимоий қарашларида инсоният жамияти, унинг вужудга келиши ва ривожланишининг табиий ва ижтимоий сабабларини, ахлоқнинг шаклланишини, инсон ва жамиятнинг ўзаро муносабатларини, инсонийлик, адолат, етук жамоа, комил инсон каби масалаларни таҳлил этади. Бу ўринда унинг «Фозил одамлар шахри» асари муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳуқуқ фалсафаси, Фаробийнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашларида ахлоқ фалсафаси билан уйғунлашиб кетади. Ахлоқ инсоннинг амалий фаолиятини боғловчи асосий мезон ҳисобланиб, унинг хатти-ҳаракатларида намоён бўлади.

Фаробийнинг ҳуқуқ фалсафаси сиёсий илмнинг ажралмас қисми бўлиб, жамиятни бошқаришда муҳим аҳамиятга эгадир. Модомики, ҳуқуқ фалсафаси сиёсат илмининг бир қисми экан, демак инсонни билиш, унинг манфаатлари ва ҳаётини маънавий асосини ташкил этувчи муҳим омил сифатида талқин этилади.

¹ Қаранг *Туйчиев Б.Т.* Ҳуқуқ фалсафаси. – Т., 2004.– Б 37.

Фаробий ўз даврининг буюк инсонпарвари сифатида кишилик жамиятини урушларсиз, зулмсиз, жиноятларсиз, кашшоқларсиз тасаввур қилган. Фуқароларнинг бахтли бўлиши ва жамият барқарорлиги тўғрисида, адолат тантанаси ҳақида, тенглик, дўстлик, юксак маданиятли жамият ҳақида орзу қилиб қолмасдан, унинг сиёсий- ҳуқуқий жиҳатларини изоҳлаб берган.

Сиёсий -ҳуқуқий ва ҳуқуқ фалсафасига оид бир қатор ғояларни илгари сурган мутафаккир **Абу Али Ибн Синонинг** (980-1037) бизгача етиб келган асарлари 100 тага етади. Булар орасида 5 жилдлик «Ал-Қонун фит-Тибб» («Тиб қонунлари»), 18 жилдлик «Китоб аш-шифо», 20 жилдлик «Китоб ал-инсоф», «Донишнома» ва бошқа асарлар бор. «Тиб қонунлари» ўзининг тиббиётдаги буюк аҳамиятидан ташқари муҳим фалсафий қийматга эга. Унда инсон танасини бошқариб турувчи қонуниятлар, инсон танаси билан ташқи муҳит, табиатнинг узвий муносабати каби масалалар илмий ўрганилган. Бу эса фалсафада ҳаракат хусусиятлари, уларнинг юзага келишида муайян қонуниятлар, тартиблар, ҳаракатларнинг бир-бири билан узвий боғлиқлиги каби муҳим масалаларни таҳлил этишда бебаҳо манба бўлиб хизмат қилади.

Унинг таъкидлашича, инсоннинг хатти-ҳаракатлари унинг яхши ва ёмон хулқининг барчаси муҳит, тарбия ва одатга боғлиқ бўлиб, улар асосида инсон борлиғи намоён бўлади. Жумладан, Ибн Сино инсон яхши фазилатининг асосини тўрт турга бўлади. Булар донолик, жасурлик, оқиллик, адолатпарварликдир. Инсон ўз маънавий ҳаётини, ахлоқий-ҳуқуқий дунёқарашини такомиллаштириш ва бойитиш имкониятларига эга ва булардан ҳар бир киши тўғри ва одилона фойдаланиши лозим.

Абу Райҳон Беруний (973-1048) 150 дан ортиқ китоб яратган машҳур энциклопедист олимдир. Унинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Маъсуд қонуни», «Ҳиндистон», «Геодезия», «Минералогия», «Сайдана» каби асарлари бизнинг давримизда ўзбек ва рус тилларида нашр этилган.

Берунийнинг машҳур табиатшунос сифатидаги таълимотлари барча воқеа-ҳодисалар, жумладан инсон фаолияти табиий шароит, географик муҳит

билан бевосита боғлиқлиги ҳақидаги фалсафий қарашларни янада ойдинлаштиради.

Беруний таълимотига кўра, инсон ўз ақли заковати билан бошқа тирик мавжудотлардан фарқ қилади ва у ички ва ташқи покликка эга

бўлиши лозим. Беруний фикрича, ички поклик аввало яхши ниятдан келиб чиқади, ташқи покликка эса инсон ҳақиқат ва ҳуқуққа риоя қилиш орқали эришади. Инсон юксак фазилатлар соҳиби бўлиши учун у ўзига раво кўрган нарса, ходисаларни ўзгаларга ҳам раво ўриши керак - деб таъкидлайди.

Марказий Осиёда XIV-XV асрларда ижтимоий- фалсафий фикрларнинг ривожланиши халқимизнинг йирик давлат арбоби, буюк саркарда, фан ва маданият ҳомийси Амир Темур номи билан бевосита боғлиқдир.

Амир Темур (1336-1405) Шахрисабз (Кеш) шаҳри яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғида туғилган. У 25 ёшидаёқ йирик сиёсатчи бўлиб танилди. 1370 йилда мўғул хукмдорлари устидан ғалаба қозониб, давлат тепасига чиқди ва Мовароуннаҳрда марказлашган давлат тузди. Кейинчалик бир қанча харбий юришлар натижасида Марказий Осиё ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқдаги майда ва тарқок феодал давлатчаларни бирлаштириб, Темур империяси деб аталган қудратли ва йирик давлатни юзага келтирди. Бу билан Осиёнинг катта ҳудудида майда феодалликлар ўртасидаги уруш ва низоларга барҳам берилди, бу ерда туб иқтисодий ва маданий ўзгаришлар қилинди. Буюк Ипак йўли қайта тикланиб, савдо-сотик қайта ривожланди.

Булар натижасида маданият, фан, санъат гуркираб ўсди, халқлар ўртасидаги маданий алоқалар кенг авж олди; дехқончилик, хунармандчилик, косибчилик тараққий топди; меҳнат қилиш, жамият фаровонлиги йўлида яшаш одат тусига кириди. Бу Амир Темур даврига хос буюк ижтимоий юксалиш сифатлари эди.

Бу юксалиш ўз-ўзидан юзага келмади. Бунинг асосида, биринчидан, IX-XII асрларда Марказий Осиёда юз берган Шарқ уйғониш (Ренессанс) даври ва иккинчидан, Темур томонидан юзага келтирилган қудратли марказлашган давлат тартиблари ётади. Лекин булардан ташқари, ушбу юксалишнинг яна икки муҳим омили бор эдики, буларсиз маънавиятнинг бу қадар гуркираб ривожланиши мумкин эмас эди. Бу омилларнинг биринчиси – илм-фан, маданият, санъат тараққиётига бевосита Амир Темурнинг ўзи раҳнамолик, бошчилик қилганлиги; иккинчиси – Амир Темур ўз давлати маънавиятининг асоси қилиб Нақшбанд тариқати таълимотларининг танлаганлиги бўлди.

Нақшбандлик ғояларининг Амир Темур даври мафкурасининг асоси қилиб олинishi натижасида бу давр маънавияти гуркираб

ривожланди ва ўзининг буюк самарасини берди. Бу самара Амир Темур замонасида шаклланган ва кейинчалик темурийлар даврида ривожланган қуйидаги 4 йўналишдаги буюк мактабларда ўз ифодасини топди. Булар Мирзо Улуғбек бошчилигидаги фан тараққиёти, Алишер Навоий бошчилигидаги адабиёт, Абдулқодир Мароғий бошчилигидаги мусиқа санъати, Камолиддин Бехзод бошчилигидаги рассомлик санъати мактаблари эди.

Бу йўналишлардаги илм-фан, адабиёт, санъат асарларида инсоннинг моҳияти, унинг ижтимоий сифатлари, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар, инсоннинг меҳнатсеварлиги, санъатга, хунарга, маданиятга иштиёқи каби фалсафий ғоялар ифода этилди. Бу асарларда, шунингдек жамият фалсафаси ғоялари илгари сурилди; одил подшоҳ, одил жамият, инсон эркинлиги каби таълимот талқин этилди; тинчлик, тотувлик, ободончилик каби илғор ғоялар тарғиб қилинди.

А.Темурнинг «тузуклари» сиёсий-ҳуқуқий меъёрларнинг ўзига хос низоми ҳисобланади. Унда буюк ҳукмдор давлат ва ҳуқуққа, сиёсатга ўз муносабатини баён қилган. Мазкур рисолада жамият тараққиётининг объектив қонунлари ва уларнинг ўзаро муносаба-тида эканлиги ғояси ётади.

Амир Темур «Темур тузуклари»да таъкидлашича, ўз сиёсий-ҳуқуқий қарашларида 12 хил турли тоифага мансуб кишиларга суянган ҳолда иш юритган. Булардан энг муҳимлари олим, шайх, донолар – яъни қонун чиқарувчилар бўлган.

2. Ўрта аср ва ундан кейинги даврларда фалсафий-ҳуқуқий концепцияларининг тараққиёти

Ўрта асрлардаги католик теологияси ва схоластикасининг энг йирик намояндаларидан бири **Фома Аквинский** (1226-1274) хри-стиян теологияси нуқтаи назаридан олганда ўзига хос фалсафий - ҳуқуқий концепцияни ишлаб чиққан. Ҳозирги пайтгача ҳам нуфузли бўлиб келаётган ғоявий оқим - томизм (янгиланган ҳолда неотомизм) унинг номи билан боғлиқдир.

Унинг фалсафий-ҳуқуқий қарашлари «Теология мажмуи», «Ҳукмдорларнинг бошқаруви тўғрисида» деган трактатларида, шунингдек, Аристотелнинг «Сиёсат»и ва «Этика»сига изоҳларида баён қилинган.

Ҳуқуқ ва қонун муаммолари Ф.Аквинский томонидан илоҳий дунёвий тартиботда одамнинг ўрни ва мақсади, одамлар хатти-

ҳаракатларининг характери ва маъноси ҳақидаги христианча тасав-
вурлар контекстида талқин қилинади.

Ф.Аквинский ўзининг қонунга доир тавсифномаларини қўйи-
даги таърифида жамлайди: «Қонун - бу жамият тўғрисида ғамхўрлик
қилиши мумкин бўлганлар томонидан эълон қилинган умумий
эзгулик учун ақл-идрокнинг муайян дастуридир».

У қонунларнинг қўйидаги таснифини беради: 1) абадий қонун;
2) табиий қонун; 3) инсоний қонун; 4) илоҳий қонун.

Абадий қонун дунёвий тартиботнинг умумий қонуни бўлиб, у
оламдаги ҳодисаларнинг умумий алоқасини бошқариб турадиган ва
уларнинг аниқ мақсад йўлида ривожланишини таъминлайдиган олий
умумжаҳон йўналтирувчи ибтидо, абсолют (мутлақ) қоида ва
тамоийил сифатидаги илоҳий ақл - идрокни ифодалайди.

Табиий қонун - бу қонуннинг бевосита намоён бўлишидир. Унга
кўра худо томонидан яратилган бутун табиат ва табиий мавжудотлар
(шу жумладан, одам ҳам) уларга хос бўлган туғма хусусиятлар
сабабли, унинг табиати қоидалари (яъни қонуни) билан олдиндан
белгилаб қўйилган ва боғлиқ мақсадларнинг амалга оширилишига
томон ҳаракат қилади.

Инсоний қонун - бу инсонни бузилишларга қарши мажбурловчи
санкция билан таъминланган ижобий қонундир. Мукамал ва
саховатли одамлар инсоний қонунларсиз яшашлари ҳам мумкин,
улар учун табиий қонуннинг ўзи ҳам етарлидир. Инсоний қонуннинг
мақсади - одамларнинг умумий манфаатидир, шунинг учун бир
томондан фақат, ушбу умумий манфаатни кўзлайдиган ва унга
асосланадиган, бошқа томондан эса, инсоннинг феъл-атворини
ижобий қонуннинг зарурий белгиси ва сифати шаклида намоён
бўладиган умумий манфаатлар билан боғлиқ (ҳолда ва нисбатан
тартибга соладиган) дастурлар қонун ҳисобланади.

Илоҳий қонун – деганда, одамларга илоҳий ваҳий орқали нозил
қилинган ибодат қоидалари назарда тутилади.

Умуман Ф.Аквинский юридик ҳуқуқни тушунишнинг анча ва
теран христианча теологик вариантыни ишлаб чиқди. Унинг фалса-
фий-ҳуқуқий қарашлари табиий ҳуқуқнинг томистик ва неотомистик
концепцияларида ўзининг янада такомилени топти.

Янги давр ҳуқуқ фалсафаси. Гуго Гроций (1583-1645) Янги
даврдаги «юридик дунёқарашнинг» илк иждокорларидан биридир. У
халқаро ҳуқуқнинг замонавий таълимотини шакллантиришга, ҳуқуқ
ва давлатнинг янги рационал фалсафасини яратишга жуда катта
ҳисса қўшган.

Бутун ижтимоий муаммолар (давлат ичидаги ва халқаро миқёсдаги) Гроций томонидан табиий ҳуқуқ позициясидан туриб, индивидлар, халқлар ва давлатлар ўртасидаги муносабатларда устунлик қилиши керак бўлган ҳуқуқий адолат ғоялари ва талаблари нуқтаи назаридан тадқиқ этилади.

Гроцийнинг бутун юридик ёндашуви негизида ҳуқуқнинг зарур белгиси сифатидаги адолат ғояси ётади. Бунда адолат унинг томонидан ақл-идрокнинг талаби, ақлли мавжудот табиатининг амри тарзида талқин этилади. «Чунки ҳуқуқ - деб қайд этади у, - бу ўринда фақат адолатли нарсани англатади, бунда асосан тасдиқлаш маъносида эмас, балки айнан салбий маънода англатади, чунки адолатга зид бўлмаган нарса ҳуқуқдир. Адолатга эса ақлга эга бўлган мавжудотларнинг табиатига зид бўлган нарса қарши туради».

Аристотелдан кейин Гроций ҳуқуқни табиий ҳуқуққа ва иродавий белгиланган ҳуқуққа ажратади. Унинг назарида табиий ҳуқуқ қандайдир иродавий белгилаб қўйилган (одамлар ёки худо томонидан кўрсатма туфайли эмас балки ўз табиатига кўра лозим (рухсат қилинган) ёки лозим бўлмаган (рухсат қилинмаган)ларга ажратиш учун асос ва мезон сифатида намоён бўлади.

Иродавий белгиланган ҳуқуқ ирода (инсоний ёки илоҳий) манбаига қўрилган бўлиб, тегишли равишда инсоний ҳуқуқ ва илоҳий ҳуқуққа бўлинади. Гроций инсоний ҳуқуқ деганда, асосан давлат ичидаги ҳуқуқни назарда тутди.

Давлатнинг ичидаги ҳуқуқ Гроций томонидан фуқаролик ҳокимиятидан келиб чиқадиган ҳуқуқ сифатида тавсифланади. Бу - позитив ҳуқуқ (фуқаролик қонунлари) деб аталадиган ҳуқуқдир. Бунда давлат «эркин одамларнинг ҳуқуқларига риоя қилиши ва умумий фойданишини кўзлаб амалга оширилган иттифоқи» сифатида белгиланади. Давлат ичидаги ҳуқуқ замонга қараб ўзгарувчандир ва ҳар хил жойларда турличадир.

Ирода воситасида белгилаб қўйилган илоҳий ҳуқуқ, Гроцийнинг фикрича, ўзининг бевосита манбаи сифатида худонинг иродасига асосланади.

Френсис Бэкон (1561-1626) қонун назарияси соҳасида янги фалсафий-ҳуқуқий ғояларни асослаган. Унинг «Фанларнинг буюк тикланиши» дастурий асарида фалсафий-ҳуқуқий муаммоларга махсус бўлим бағишланган.

«Умумий адолат» муоаммоси Бэкон томонидан позитив ҳуқуқнинг зарур сифатлари, унинг манбалари ва бошқалари жиҳатдан

талқин қилинади. «Фуқаролик жамиятида, - деб ёзади у, - ё қонун, ёки зўравонлик ҳукмронлик қилади. Бироқ зуравонлик баъзан қонун қиёфасига киради ва баъзи қонунларда ҳуқуқий тенгликдан кўра кўпроқ зуравонлик тўғрисида сўз боради. Шундай қилиб, адолатсизликнинг учта манбаи мавжуд. Булар, зуравонлик, қонунни ниқоб қилиб олган бадният маккорлик ва қонуннинг ўзининг ёвузлиги».

Бэкон асл қонун («ҳуқуқий тенглик» принципини ўз ичига олувчи зўравонликка қарши турувчи ҳамда «умумий адолат» талабини ифодаловчи адолатли қонун) билан расмий қонун (фақат «қиёфасига», шакли ва номига кўра, бир сўз билан айтганда, адолатсиз, зўравон қонунга зид қонун) ўртасидаги фарқни кўрган. Гап, аслида, ҳуқуқ ва қонунни фарқлаш тўғрисида боради. Бэкон айнан адолатли (ҳуқуқий) қонунларни назарда тутиб, «қонунлар - давлатнинг лангарларидир», деб ёзган эди.

Унинг афоризмларида қонун жавоб бериши керак бўлган асосий талаблар қуйидагича ифодаланган. «Қонунни, агар унинг маъноси аниқ бўлса, унинг талаблари адолатли бўлса, у осон ижро этилса, давлат шаклига мувофиқ келса, у фуқароларда эзгулик уйғотса, яхши қонун дейиш мумкин».

Инглиз материалист файласуфи **Томас Гоббснинг** (1588-1679) ҳуқуқ ва давлатга доир қарашларига этатистик характер хосдир. У ўз таълимотида табиий ҳолатнинг давлатга (фуқаролик ҳолатига) принципиал тарзда қарама-қарши қўйилишига ғоят жиддий аҳамият беради. Бунда у «табиат жисмоний ва ақлий қобилиятлар жиҳатидан одамларни тенг қилиб яратган», деган қоидага асосланади. Гоббс фикрича, адолатсизлик - бу шартноманинг бажарилмаслигидир, адолатсиз бўлмаган нарсаларнинг ҳаммаси эса - адолатдандир.

Дунёга келаётган либерализм ғоялари яна бир инглиз мутафаккири **Жон Локк** (1632-1704)нинг фалсафий-ҳуқуқий таълимотида ўзининг изчил асосланиши ва ҳимоясини топади.

Табиий (давлатдан олдинги) ҳолатда, Локкнинг фикрича, табиий қонун, табиат қонуни ҳукмронлик қилади. Локк Гоббсдан фарқли ўлароқ, инсон табиий ҳолатда ўз манфаатларини кўзлаб ва ўзини (ўз ҳаётини, эркинлигини ва мулкини) ҳимоя қилиб, бошқаларга зиён етказмасликка интилади, деб ҳисоблаган. Бироқ ҳимоя қилишнинг ушбу ҳолатда мавжуд бўлган уюлмаган якка тартибдаги воситалари ва шакллари ҳаёт хавфсизлигини, мулк дахлсизлигини ва бошқаларни таъминлаш учун етарли бўлмайди.

Табиий ҳолат нуқсонларини оқилона енгиб ўтиш, Локк фикрича, сиёсий ҳокимият ва давлатни таъсис этиш тўғрисидаги **жамоа шартномаси тузилишига олиб боради**. Ҳар бир кишининг яшашга, эркинликка ва мулкка бўлган табиий ҳуқуқларини таъминлаш «одамларнинг давлатга бирлашиши ва ўзларини ҳукуматнинг ҳокимияти остига топширишларининг буюк ва бош мақсади ҳисобланади»¹. Бунда Локк давлат таъсис этиш тўғрисидаги шартнома бўйича одамлар ўзларининг асосий табиий ҳуқуқларидан воз кечмайдилар, бунинг устига табиат қонуни ҳам (ақл қонуни сингари) давлат ҳолатида ҳам амал қилишда давом этади, бу билан сиёсий ҳокимиятнинг ваколатлари ва фаолияти хусусияти ҳамда чегараларини белгилайди, деб таъкидлаган.

Сиёсий ҳокимият ўзининг шартномавий вазифасига мувофиқ келиши ва бир шахс ёки органнинг қўлида тўпланган мутлақ кучга айланмаслиги учун ҳокимиятлар тегишлича (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва федератив ҳокимиятга) бўлиниши зарур. Барча учун мажбурий бўлган қонунлар чиқаришга доир мутлақ ҳуқуққа эга бўлган қонунчилик ҳокимияти, Локк фикрича, олий ҳокимият, қолган ҳокимиятлар унга бўйсунувчи ҳокимиятлар ҳисобланади. У. Айникса, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг бир органда тўпланишига йўл қўйиб бўлмаслигини ва бу хавфли эканлигини қатъият билан таъкидлаган.

Алоҳида одамлар ва умуман, фуқароларнинг эркинлиги муаммоси Локкнинг бутун таълимотида асосий ўрин эгаллайди. У фуқаролар эркинлигининг керак эканлигини шунчаки баён қилиб қолмасдан, уларнинг зарурлигини назарий жиҳатдан асослаб беришга интилади.

Давлат ва ҳуқуқ фалсафасининг ривожланишига француз файласуфи **Шарл Луи Монтескье** (1689-1755) катта ҳисса қўшган. Унинг фалсафий-ҳуқуқий тадқиқотларининг асосий предметини ва у химоя қиладиган бош кадриятни - сиёсий эркинлик ташкил этади. Адолатли қонунлар ва лозим даражадаги давлат ташкилоти бундай эркинликни таъминлашнинг зарурий шартларидир, - деб таъкидлайди.

Монтескье қонун билан эркинликнинг ўзаро нисбатини тадқиқ қилар экан, сиёсий эркинлик қонунларнинг икки турини: 1) давлат тузилишига нисбатан сиёсий эркинликни белгилайдиган қонунлар;

¹ Локк Д. Избрание философские произведения. Т.2.– М., 1960.– С.8.

2) фуқароларга нисбатан сиёсий эркинликни белгилайдиган қонунларни ажратиб кўрсатади.

Ҳокимиятларнинг бўлиниши ва ўзаро биргаликда мавжуд бўлиши тизими, Монтескьенинг фикрича, давлат тузилишига нисбатан сиёсий эркинликнинг таъминланиши учун асосий шарт бўлиб ҳисобланади.

Фуқароларга нисбатан сиёсий эркинлик эса, унинг фикрича, асосан фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашдан иборат бўлади. У бундай хавфсизликни таъминлаш воситаларини кўриб чиқар экан, жинойят ҳақидаги қонунлар ва судлов ишлари юритилишининг яхши, сифатли бўлишига алоҳида аҳамият беради.

Монтескье яна шуни алоҳида таъкидлайдики, фуқароларнинг сиёсий эркинлиги кўп жиҳатдан жазонинг жинойтга мувофиқ бўлиши тамойилларига риоя этилишига боғлиқ бўлади. Унинг қонунлар руҳи, ҳокимиятларнинг бўлиниши ва сиёсий эркинлик тўғрисидаги таълимоти фалсафий-ҳуқуқий тафаккурни анча бойитади ва унинг янада ривожланишига кўмаклашди.

Ҳуқуқ, давлат, қонун (табиат, жамият, давлат, ҳуқуқ, ахлоқ, дин, эстетика ва шу қабилар тўғрисидаги бир тизимли фалсафий таълимотлар контекстида) муаммоларнинг фалсафий жиҳатдан янада теран ишлаб чиқилиши немис фалсафаси вакиллари **Иммануил Кант** (1724-1804) ва **Гегель** (1770-1831) ижоди билан боғлиқдир. Уларнинг диалектик ёндашуви (нодиалектик, механистик ва метафизик қарашларга эга бўлган. Улардан илгари ўтган файласуфлар VIII аср материалистларининг позициясига нисбатан) бутун ижтимоий (шу жумладан, давлат ва ҳуқуқий) муаммоларни билишдаги олға қўйилган янги қадамни англатади.

Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий қарашларида ҳуқуқни тушуниш шахснинг ахлоқий мустақиллиги, унинг мутлақ ўз қадриятига эгаллиги, унинг лозимлик қоидаларини ўзи белгилаш, ўзининг бурчини билиш ва уни амалга ошириш қобилияти ғоясига таянади. Унинг фикрича, эркинликнинг ва ҳамма одамлар учун умумий бўлган қонуннинг мавжуд бўлиши имкониятининг ўзи шахснинг ана шу ахлоқий мустақиллигига (яъни, ўз қадриятига эгаллиги, ўз-ўзига оид қонунлари мавжуд бўлиши) асосланади.

Кантнинг ахлоқий тамойили ўз моҳиятига кўра юридик бўлганлиги сабабли, ҳуқуқий маънога эга ва ҳуқуқ фалсафаси учун аҳамият касб этади. Унинг таълимотида ҳуқуқий давлатга доир либерал ғояларнинг изчиллик билан асослаб берилиши Кантнинг

катта хизматларидан бири бўлиб ҳисобланади. Кантда давлатчилик соҳасида қатъий талабларнинг амалга оширилиши ҳокимиятлар (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига) бўлинган ҳолда давлатнинг ҳуқуқий ташкил этилиши сифатида намоён бўлади. Унинг фикрича, «давлат - бу ҳуқуқий қонунга бўйсундирилган кўпчилик одамларнинг бирлашмасидир». Давлатнинг халқчиллиги давлат қурилишининг ҳуқуқий тамойиллар билан уйғунлашганлигида намоён бўлади.

Ҳуқуқ билан қонуннинг фарқланиши муаммоси Кантда ахлоқ билан ҳуқуқнинг ўзаро нисбати контекстида очиқ берилади. Кантда ахлоқий жиҳатдан асослаб берилган қонун - бу **трансцендентал (ақлга мувофиқ)** ғоя тақоза этадиган оқилона ҳуқуқдир.

Кант жазоланининг абсолют назарияси деб аталадиган назарияни тасаввурини янада ривожлантиради. Жиноий жазо - бу жиноят учун адолатли жазо, давлатнинг жиноятчига унинг содир қилган ёмон иши учун муайян азоб-уқубат етказишидир. Кант жиноят билан жазо ўртасидаги тенглик ғоясини ҳимоя қилади.

Одам ўлдириш - бу абсолют жиноятдир, чунки у абсолют ва олий қадриятга - инсоннинг ҳаётига зомин бўлди. Ҳаёт ноёб қадрият сифатида бошқача тенг қийматли алмашишига эга эмас: расмий тенглик тамойилига кўра, бир ҳаётга фақат бошқа ҳаёт тенг (эквивалент) бўлади. Қасддан одам ўлдириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жиноятлар ҳам ўлим жазоси билан жазоланганида, биз жазонинг нафақат бешафқатлиги ёки оғирлигига, балки унинг нотўғрилиги, ҳуқуққа зид эканлигига амин бўламиз.

Табиий-ҳуқуқий нуқтаи назардан одам ўлдирганлик учун тайинланадиган ўлим жазоси - бу жамият ва давлатнинг ўзбошимчалик билан ўйлаб топилган чораси эмас, балки бошқа одамнинг асосий табиий ҳуқуқига қарши содир қилинган жиноят учун зарурий адолатли ва тенг қийматли жазодир.

Кантнинг давлатчилик-ҳуқуқий муаммоларга нисбатан фалсафий ёндашувининг муҳим аҳамияти шундаки, у бу мавзунини нафақат алоҳида бир халқ, жамият, давлатнинг ичидаги муносабатларга, балки халқаро ва давлатлараро муносабат жиҳатидан ҳам катта аҳамият касб этади.

Кантнинг ҳуқуқ фалсафасида катта рол ўйнаган ҳуқуқ, давлат. қонун тўғрисидаги таълимоти, унинг кўп сонли издошлари - кантчилар ва янги кантчиларнинг фалсафий-ҳуқуқий саъй-ҳаракатлари туфайли ҳам ҳозирги кунда ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Гегель ўзининг ижодий фаолиятида ҳуқуқ фалсафаси муаммола-рига жуда катта ўрин берган. Ҳуқуқ фалсафаси терминининг ўзи Гегелнинг «Ҳуқуқ фалсафаси» (1920 йил) асари билан бевосита боғлиқдир. Гегель ўзининг «ҳуқуқ фалсафа»сида ҳуқуқнинг фалсафий жиҳатларини таҳлил қилади.

Унинг фикрича, ҳуқуқ фалсафаси бу ҳуқуқий фанлар қаторига эмас, балки фалсафий фанлар қаторига киради. Гегель ҳуқуқ фалсафасининг предметини куйидагича изоҳлайди. «Ҳуқуқ тўғриси-даги фалсафий фан ўзининг ҳуқуқий ғоялар ва уларнинг амалиётга жорий этилиши тўғрисидаги ҳуқуқий тушунчаларни қамраб олган предметига эга». Ҳуқуқ фалсафасининг вазифаси ҳуқуқ асосида ётган фикрларни англамоқдир. Буни фақат тўғри тафаккур қилиш ва ҳуқуқни фалсафий билиш ёрдамида амалга ошириш мумкин.

Гегелнинг ҳуқуқ фалсафасининг предметини ташкил қилувчи ҳуқуқ ғояси ўша даврдаги буржуазия ҳуқуқининг характер ва принципларига тўғри келиши билан бирга, ҳуқуқнинг кейинги бўлиши муқаррар бўлган томонларини ўзида акс эттиради. Тарихий нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, Гегелнинг ҳуқуқ ғояси «бор нарсани эмас» балки «бўлиши муқаррар бўлган» нарсани ифодалар эди.

Гегелнинг ҳуқуқ фалсафаси ўз даври учун зарур аҳамият касб этиб қолмай, бугунги кунда ҳам қадрини йўқотгани йўқ. Унинг ҳуқуқ фалсафасига оид қарашлари, унинг издошлари бўлган ёш гегелчилар томонидан ҳозирги кунда ҳам ривожлантирилмоқда.

Россияда ҳуқуқ фалсафаси. Россияда ҳуқуқ фалсафасига оид қарашларнинг талқин қилиниши ва ўқитилиши XVIII асрдан бошланади. Бу давирда ҳуқуқ фалсафаси Россияда яшаб ижод этган бир қатор ҳуқуқшунос ва файласуф олимлар томонидан ривожлан-тирилди. Шулардан бири ҳуқуқнинг фалсафий муоммалари билан шуғулланган ва ҳуқуқ фалсафасига ўзининг катта ҳиссасини қўшган олим **Б.Н. Чичерин** ҳисобланади. У ўзининг ижодий фаолиятида давлат ва ҳуқуқ муоммаларига фалсафий ёндашади. У фалсафий - ҳуқуқий қарашларида немис файласуфлари Гегель ва Кантнинг ғояларига асосланади. Чичериннинг ҳуқуқ фалсафаси метафизик характерда бўлади. Унинг фикрича, ҳуқуқнинг фалсафий асослари амалиётни бошқарилишининг бошланиши учун хизмат қилиши керак. Ҳуқуқ фалсафасининг зарурийлиги ва унинг чуқур моҳияти шундан иборатки, «ҳуқуқ соҳаси ижобий қонунлар мавжудлиги билан тугалланмайди». Ижобий қонунлар кишиларнинг қараш ва

эхтиёжларига қараб ўзгариб боради. Улар (ижобий қонунлар) албатта қонун чиқарувчи томонидан баҳоланишни талаб қилади. Қонун чиқарувчи кишиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлашда тасдиқлашга қаратилган. Унинг назарида, табиий ҳуқуқни янгилаш ҳуқуқнинг маънавий ва ахлоқий асоси билан боғлиқдир. Ўша даврдаги ҳуқуқий онг соҳасидаги инқирозни фақат онгдаги идеал кўришлар ёрдамида амалга ошириш керак. Чичерин шунинг учун ҳам Кантдаги ҳуқуқнинг ахлоқий асосланишини юқори баҳолайди.

В.С. Соловьёв (1853-1900йилларда)нинг фалсафий-ҳуқуқий концепцияси ўз даври учун муҳим аҳамият касб этади. Унинг фалсафий-ҳуқуқий қарашларида давлат ва ҳуқуқ идеал ахлоқий онг ва ижтимоий адолатни боғловчи ҳалқа сифатида талқин қилинади. У ўзининг бу қарашларини «Давлатнинг аҳамияти», (1895 й.), «Ҳуқуқ ва ахлоқ» (1897 й.), «Эзгуликнинг оқланиши» (1899 й.) асарларида баён қилади. У ҳуқуқнинг фалсафий таълимотида ижобий ҳуқуқ ва табиий ҳуқуқни алоҳида ажратиб кўрсатади. «Ҳуқуқнинг вужудга келиши, деб таъкидлайди, у жамиятдаги умуминсоний ҳаётга дахлдор бўлган омиллар асосида юзага келади». Унинг фикрича, «табиий ҳуқуқ ҳуқуқнинг ақлий бошланиши ва умумий ҳуқуқ ғояси сифатида намоён бўлади.

В.С. Соловьёв табиий ва ижобий ҳуқуқ муносабатларини умуман ҳуқуқнинг ақлий моҳияти ва амалдаги ҳуқуқнинг реал намоён бўлишидаги муносабатларида кўради. Шахс, эркинлик ва тенглик тушунчалари табиий ҳуқуқ деб аталувчи ҳуқуқнинг моҳиятини ташкил қилади.

Соловьёвнинг ижоди ўзидан кейинги рус ҳуқуқ фалсафасининг давлат ва ҳуқуқнинг диний - ахлоқий талқини, табиий ҳуқуқ янгилиниши муаммолари талқини ва ҳуқуқий давлатда шахс эркинлиги ғояларининг асосланиши масалаларига доир бир қатор муаммоларнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди.

Н.А. Бердяев (1874-1948) ижодининг марказида эркинлик муаммоси асосий ўринни эгаллайди. У ўзининг «эркинликнинг ўғлиман» деб атайди ва «мен ўзимнинг ишларимни эркинликда асосладим» деб таъкидлайди. У ўзининг инсон эркинлиги ҳақидаги таълимотида шахсни индивиддан фарқлаган. Индивид натуралистик, биологик, социологик, эркин бўлмаган категориядир. «Шахс, -деб таъкидлайди Бердяев, - инсоннинг табиатида, жамиятга, давлатга нисбатан эркинлиги ва мустақиллигидир». Эркинлик масаласини ва

барча ижтимоий муаммоларни, жумладан, давлат ва ҳуқуқ масалаларини ўзи томонидан ишлаб чиқилган фалсафий концепция бўлган христианлик персонализми асосида талқин қилади. У ўзининг фалсафий экзистенциал ва эсхатолог характерда эканлигини таъкидлаб, «Мен фақат экзистенциал - диний методга ишонаман» деб ёзади. У ўзининг бутун фалсафий-ҳуқуқий қарашларини диннинг таъсири асосида талқин қилади.

П.И. Новгородцев (1866-1924) ўзининг сиёсий ва ҳуқуқий қарашларида, давлат ва ҳуқуқни тушунишда, шахс ва давлат муносабатларини фарқлашда индивидуализм ва либерализм ғояларига асосланади. Унинг ҳуқуқий қарашлари кантчилар ва табиий ҳуқуқ тарафдорларининг таъсири остида бўлади, унинг бутун фалсафий-ҳуқуқий концепцияси ҳуқуқ фалсафасида табиий ҳуқуқни тиклашга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

3. XX аср ҳуқуқ фалсафаси ва унинг асосий йўналишлари

Ўтган XX асрда ҳуқуқ фалсафаси соҳасидаги тадқиқотлар ҳар тарафлама ривожланди. Аввалги фалсафий-ҳуқуқий таълимотлар сезиларли даражада янги ғоя ва ёндашишлар билан тўлғазилади. Айниқса, табиий ҳуқуқ соҳасидаги таълимотлар (юснатурализм) ва хусусий фалсафий-ҳуқуқий концепциялар ўртасидаги фарқлар яққол намоён бўла бошлади. Ўша даврдаги социал-сиёсий воқеалар: инқилоблар, жаҳон урушлари, дунёнинг бир-бирига қарама-қарши лагерларга бўлиниши, инсониятнинг яшаш учун курашишлари, жаҳонда ялпи тинчликка интилишлар ва бутун инсониятга дахлдор бўлган шу каби бошқа масалалар ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқ соҳасидаги ютуқларининг ўта муртлигини намоён қилар эди.

XX асрда ҳуқуқ фалсафаси файласуф ва юристлар томонидан ривожланишда давом этди. Бу даврга келиб фалсафий-ҳуқуқий тадқиқотлар асосан ҳуқуқий фанлар доирасида кенг талқин қилиниб, баъзи олимлар томонидан ҳуқуқ фалсафаси мустақил юридик фан сифатида эътироф этила бошланди. Биз қўйида ҳуқуқ фалсафасининг ҳуқуқшунос олимлар томонидан ривожлантирилишига тўхталамиз.

Австралиялик ҳуқуқшунос **А. Фердросснинг** фикрича, «юридик фан сифатида ҳуқуқ фалсафасининг вазифаси позитив ҳуқуқ назариялари билан чекланиб қолмасдан, юридик позитивизм жавоб бера олмайдиган, позитив ҳуқуқнинг маънавий - ахлоқий вазифаларини асослаб бериши лозим».

В. Кубеш ҳуқуқ фалсафасини фундаментал юридик фан сифатида талқин қилиб, унинг предметини инсон эркинлиги, унинг хавфсизлиги, адолат ғояларини синтез қилувчи ҳуқуқнинг норматив ғоялари ташкил қилади деб таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳуқуқ фалсафаси умумфалсафий муаммолар билан бир қаторда, ҳуқуқнинг хусусий муаммолари бўлган ҳуқуқ социологияси, ҳуқуқ психологияси ва ҳуқуқий сиёсат билан шуғулланиши лозим. Ҳуқуқ фалсафасининг асосий вазифаси, - деб таъкидлайди у, – халқаро ҳуқуқий муаммолар ва уларнинг моҳиятини очиб бериш, ҳуқуқ тўғрисидаги фундаментал билимларнинг алоҳида ҳуқуқ тармоқлари учун аҳамияти ва илмий ҳуқуқий дунёқарашни шакллантиришдан иборатдир.

Немис ҳуқуқшуноси **А. Кауфман** қарашларида фалсафий-ҳуқуқий муаммолар бошқачароқ талқин қилинади. У асосан ҳуқуқда инсон масаласи, ҳуқуқ ҳокимият меъёри сифатида, табиий ва позитив ҳуқуқ муносабатлари, ҳуқуқий релятивизм, ҳуқуқий давлатнинг табиати, давлат ва қонун масалаларини ўрганади. Унинг фикрича, ҳуқуқ фалсафаси «нарсалар табиати» ва ҳуқуқнинг онтологик тузилишини, жиноят ва унинг жазоланиши масалалари ҳамда ҳуқуқнинг адолатсизликка қарши мазмунини очиб бериши лозим.

Немис ҳуқуқшуноси **Г. Коингнинг** фикрича, адолат принципи, позитив ҳуқуқ моҳияти ва юридик тафаккур хусусияти ҳуқуқ фалсафасининг уч асосий масаласи ҳисобланади. Коинга кўра, ҳуқуқ фалсафаси доирасида юридик муаммоларни кўриб чиқиш фалсафанинг умумий муаммоларини тадқиқ этиш, ҳуқуқни умуминсоний маданиятнинг муҳим таркибий қисми сифатида тушуниш, ҳуқуқнинг ахлоқий асослари ва этик аҳамиятини тушуниш билан қўшиб олиб борилиши керак.

Бошқа бир немис ҳуқуқшуноси **К. Бринкман**, ҳуқуқ фалсафасини амалдаги ижобий ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ва ҳақиқий ҳуқуқнинг қандай бўлиши кераклиги билан қизикмайдиган ҳуқуқ социологияси ва умумий ҳуқуқ назариясидан фарқ қилувчи мустақил юридик фан сифатида ривожлантириш лозим, деб таъкидлайди.

Г. Хенкелнинг таъкидлашича, ҳуқуқ фалсафаси ва унинг вазифаси ҳуқуқий фанларнинг тармоғи ва ҳуқуқнинг асоси сифатида ҳуқуқнинг алоҳида соҳаларида вужудга келадиган ва мазмун жиҳатдан боғлиқ бўлган масалаларни умумий жиҳатдан талқин қилишдан иборат бўлиши керак. Шу билан бирга Хенкель ҳуқуқ

фалсафасини умумий фалсафа тармоқлари сингари (табиат фалсафаси, тарих фалсафаси, дин фалсафаси) ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлайди.

Баъзи тадқиқотчилар ҳуқуқ фалсафасини табиий ҳуқуқ тўғрисидаги фан сифатида талқин қилади. Бундай талқин қилишлар бир қатор испаниялик ҳуқуқшунослар орасида кенг тарқалади. Испаниялик ҳуқуқшунос П.Бельданинг таъкидлашича, ҳуқуқ фалсафаси фалсафий фан сифатида табиий ҳуқуқ соҳасидаги масалалар таркибига кирувчи коинотнинг энг умумий тартиби ва ундаги инсонларнинг табиатидан келиб чиқувчи мажбуриятлар билан шуғулланиши керак. Ҳуқуқ фалсафасининг вазифаси жамиятда инсон хатти-ҳаракатининг табиат ва унинг талабларига мос келишини таъминлашдан иборатдир.

П. Бельданинг фикрича, табиий ҳуқуқ позитив ҳуқуқнинг асосини ташкил қилади. Позитив ҳуқуқнинг нормаларини жорий қилишда табиий ҳуқуқнинг зарурий талабларидан келиб чиқиш керак. Инсоннинг муайян табиий ҳуқуқлари ичида энг асосийларидан деб, у инсоннинг яшаш ҳуқуқи, шахснинг кадр-қиммат ҳуқуқини (бунга барчанинг қонун олдида тенглиги принципини, ирқий, миллий ва бошқа тафовутлардан қатъи назар барча одамлар учун тенг имкониятлар принципини, аёллар ва эркаклар тенглиги принципини киритади), меҳнат қилиш ҳуқуқини ва шахсий эркинлик ҳуқуқини айтиб ўтади.

Севил университетининг ҳуқуқ фалсафаси бўйича профессори **Х.Ф. Лорка-Наваретте** ҳуқуқ тўғрисидаги фалсафий таълимотнинг вазифасини ҳуқуқ моҳиятини тадқиқ қилиш ва ҳуқуқнинг бошқа ижтимоий ходисалар билан алоқадорлиги, табиий ва позитив ҳуқуқ ўртасидаги муносабатлар анализидан келиб чиқувчи инсон табиати ва унинг табиий ҳуқуқ принциплари билан асосланиши каби масалалардир деб қайд этади. Табиий ҳуқуқ амалдаги жамиятда белгилаб қўйилган ҳуқуққа баҳо берувчи котегория сифатида талқин қилинади.

Ҳуқуқ фалсафасининг шаклланиши ва ривожланишига неокантчилар ҳам катта ҳисса қўшган. Улардан бири немис ҳуқуқшуноси **Р. Штаммлер** (1856-1938) бўлиб, ҳуқуқ фалсафасининг неокантчилик йўналишида фаолият олиб борган. У Кант ва бошқа кантчилар сингари ижтимоий ривожланиш ва ижтимоий ҳаёт мақсадларининг қонуниятларини, ақлнинг априор ғоялари ташкил қилади,-деб таъкидлайди. Унинг назарида, ҳуқуқ тушунчаси ҳуқуқнинг муайян

тажриба соҳасидаги кўринишларига мутлақо боғлиқ эмас ва аксинча унга қаршидир. Бу нуқтаи назардан у Маркс таълимотидаги маънавий муносабатларга нисбатан иқтисодий муносабатларнинг белгиловчилик ролини танқид қилиб, ижтимоий ҳаёт ҳуқуқий бошқариш билан белгиланади, деб таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳуқуқ ижтимоий ҳаётдаги барча ижтимоий ҳодисаларнинг асосини белгилаб берадиган ва бошқариб борадиган энг охириги босқич сифатида талқин қилинади.

Ҳуқуқнинг қонун билан муносабати ва унинг фарқини у «табиий ҳуқуқ ва унинг мазмунининг ўзгариши» - деб тушунади. Бу ерда у «мазмуннинг ўзгариши» деганда, ҳуқуқнинг социал мазмуни эмас, балки шакл жиҳатдан ўзгаришини назарда тутаяди. Штаммлер таълимотидаги «табиий ҳуқуқ ва унинг мазмунининг ўзгариши» концепцияси айнан ҳуқуқ ва унинг ўзгариши жамият ривожланишини белгилаб беради.

Ҳуқуқ фалсафасининг неокантчилик йўналишига катта ҳисса қўшган немис юристларидан бири **Г. Радбурх** (1946 йиллар) бўлиб ҳисобланади. У ҳуқуқнинг қонун билан муносабати ва фарқини ўзидан аввалги кантчилар каби «табиий ҳуқуқ» тушунчаси орқали эмас, балки «ҳуқуқ ғоя»си , «қонундан устун бўлган ҳуқуқ» тушунчалари орқали тушунтиришга ҳаракат қилади. «Агар қонунлар адолатни онгли равишда инкор этадиган бўлса, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилмаса, бундай қонунларнинг амалиётга жорий қилиниши керак эмас, халқ унга бўйсунishi ҳам керак эмас, ҳуқуқшунослар бундай қонунларни инкор этиш йўллари топиши лозим»- деб таъкидлайди. Бундай ҳолатларда, яъни «ҳуқуқни янгилаш»да ва юридик фактларни қайта кўриб чиқишда «ҳуқуқ ғоя»си ва «қонундан устун бўлган ҳуқуқ» ғояларига қайтиш зарур бўлади.

Кант ва кантчиларнинг фалсафий-ҳуқуқий қарашларини Франкфурт университетининг профессори **В. Науке** ривожлантиради. У «Ҳуқуқ фалсафаси адолат ва тўғри ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотларни ривожлантиришни хоҳлайди, бу мураккаб иш, бу ишнинг муваффақиятли амалга ошиши ҳар кимнинг кундалик турмушига боғлиқ»дир - деб таъкидлайди. У «тўғри ҳуқуқ» билан позитив ҳуқуқни фарқлаб шундай таъкидлайдики, «тўғри ҳуқуқ» бу «ақлга мувофиқ келадиган ҳуқуқ», «адолатли ҳуқуқ»дир. «Тўғри ҳуқуқ муаммолари ҳуқуқ фалсафаси предмети дир. Ҳуқуқ фалсафаси тўғри ҳуқуқ тўғрисидаги таълимот дир».

Бундай ёндашишлар ҳуқуқ фалсафасининг неокантчилик йўналишининг намояндалари К. Кюль, Й. Лоб, А. Оллеро, О. Хёффе, Э. Цахерларга ҳам хосдир.

Умуман, неокантчиларнинг фалсафий-ҳуқуқий қарашлари XX аср ҳуқуқий қарашлари ривожига катта ҳисса қўшди.

XX аср бошларига келиб Гегель таълимотини ўрганишга қизиқиш янада ошиб боради. Гегель таълимотини янгилаш ёки неокантчилик таълимотини неогегелчилик таълимоти билан тўлғазиш ғоялари илгари сурилди. Гегель сиёсий-ҳуқуқий фалсафасининг неогегелча талқинининг асосий жиҳатларини асосан немис неогегелчилари белгилади. Немис неогегелчилари «1914 йил ғоя»ларини назарий жиҳатдан асослашга ҳаракат қиладилар. Улар гитлер рейхини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлайдилар, Гегель ҳуқуқ фалсафасидаги эски ғояларни шарҳлашга ва бунга ички ва ташқи сиёсатда ҳар хил йўллар билан мослашишга ҳаракат қилади.

Неогегелчи К.Ларенцнинг таъкидлашича, «неогегелчилар дастлабки асосни Гегелнинг ҳуқуқ фалсафасидан олади». Унинг назарида, ҳуқуқ фалсафасининг предмети «ҳуқуқ ғоя»си, унинг методи эса мана шу ҳуқуқ ғоясини очиб берувчи диалектикадир.

Ҳуқуқ фалсафасига мурожаат қилган **Ю. Биндер** неогегелчилар даврасидаги етакчи сиймолардан бўлган. У ўзининг «Давлат асоси ва ахлоқийлик» (1929 й.) асарида агрессив урушнинг сиёсий ва ахлоқий оқланишини неогегелчилик нуқтаи назаридан асослайди.

В.Шмидт Гегелнинг герман миллати даври тўғрисидаги қоида-сига таяниб, «рейхнинг тартибга солувчи ҳокимияти остидаги раҳбарлик тизими бўлган Европа тартиби»ни асослайди.

Итальян неогегелчиси Д.Джентиленнинг саъй-ҳаракати фашизм мафкураси ва амалиётини оқлашга қаратилади. У Гегелнинг ахлоқий қадрият бўлган давлат ғоясидан фашистик режимни ахлоқийлик ва эркинликнинг олий ифодаси сифатида талқин қилиш учун фойдаланади.

Голланд неогегелчилари орасида ҳуқуқ фалсафаси билан XX асрнинг 30- йилларида Б. Телдерс шуғулланади. У Гегелга таянган ҳолда «давлат якка ҳокимияти»ни чекловчи халқаро ҳуқуқ қоидаларига қарши чиқади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин фашистик ва нацистик режимларни оқлашга йўналтирилган неогегелчилик тарих саҳнасидан тушади.

Гегелнинг ижодий меросини неогегелчиликнинг сохталаштиришдан тозалаш, Гегелнинг ҳуқуқ фалсафасига ёндашишдаги

қарама-қаршиликларни бартараф этиш, унинг фалсафий-ҳуқуқий тафаккур тараққиётидаги ўрни ва ролига холис баҳо бериш, урушдан кейинги гегелчиликнинг муҳим йўналишларидан бўлди.

XX асрда ҳуқуқ фалсафасига экзистенциал ёндашиш фалсафадаги экзистенциал (мавжудлик) йўналиш асосида вужудга келди. Фалсафадаги экзистенциал фалсафа асосчиларидан М.Хайдеггер, К.Ясперс, Ж.П.Сартр махсус ҳуқуқ ва қонун муаммолари билан алоҳида шуғулланишмаган, лекин уларнинг фалсафадаги экзистенциал йўналишлари ҳуқуқ муаммоларига фалсафий ёндашишга асос бўлди.

Ҳуқуқ фалсафасидаги экзистенциал йўналиш ҳуқуқ фалсафасининг асосий вазифаси ҳуқуқни экзистенциал ҳодиса сифатида талқин қилиши ва унинг қонун (позитив ҳуқуқ) билан муносабати ҳамда фарқини кўрсатишдан иборат, - деб таъкидланади. Бунда экзистенциал ҳуқуқ ҳақиқий ҳуқуқ (экзистенциянинг ҳақиқий мавжуд бўлиши), қонун эса (позитив ҳуқуқ) ҳақиқий бўлмаган инсондан ажралиб қолган ва инсон мавжудлигига яъни экзистенциянинг моҳиятига қарши турадиган ҳуқуқдир, деб таъкидланади.

Умуман, XX аср ҳуқуқ фалсафасига яқун ясаб айтиш жоизки, бу даврда яшаган ҳуқуқ фалсафасининг намояндалари ва унинг давомчилари бўлган неокантчилар, неогегелчилар, экзистенциял йўналишдаги мутафаккирлар ҳуқуқ фалсафасининг асоси сифатида Кант ва Гегель таълимотларини оладилар ва уларнинг фалсафий-ҳуқуқий таълимотларини ўз замонларига мослаштиришга ҳаракат қиладилар.

III. ҲУҚУҚНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАВСИФИ

1. Ҳуқуқ тушунчаси ва унинг моҳияти

Ҳуқуқ кўп қиррали тушунча бўлиб, уни тушунишда қарама-қарши икки хил, бир томондан юридик ва иккинчи томондан, легистик қарашлар мавжуд. Ҳуқуқ тушунчасига юридик ёндашишда ҳуқуқнинг ҳодиса сифатида асл маъносини ёритилишга ҳаракат қилинса, легистик тушунишда ҳуқуқни тушунчаси расмий ҳокимият томонидан ўрнатилган қонун тушунчаси билан айнанлаштирилади.

Юридик (табiiй-ҳуқуқий) ҳуқуқ эса - бу расмий ҳокимиятнинг эркин ва субъектив иродасининг оддий ифодаси эмас, аксинча қонун чиқарувчининг иродасига боғлиқ бўлмаган объектив, мустақил, ўз табиатига, моҳиятига, ўз хусусиятига, қолаверса ўз ташкил этувчи тамойилига эга бўлган ижтимоий тузилмадир. Мазкур ижтимоий тузилманинг тартибга солувчиси сифатида ҳуқуқий тенглик тамойили намоён бўлади. Ҳуқуқ айнан шу жиҳати билан бошқа ижтимоий норма ва ҳодисалардан ажралиб туради. Мазкур ҳуқуқий тенгликнинг ташкил этувчилари сифатида индивидларда намоён бўлувчи тенг меъёрга эришилган эркинлик ва умумий адолат ётади. Ҳуқуқий тенглик тамойилининг бу ташкил этувчилари ва ҳуқуқнинг объектив хусусиятларини тавсифловчи жиҳатлари, ҳуқуқнинг қонундан фарқини кўрсатувчи моҳиятини аниқлайди.

Легистик қарашда ҳуқуқни унинг объектив жиҳатлари учун эмас, умуммажбурий бўлганлиги, кучга эгалиги учун тан олиш демакдир. Бу эса ҳокимиятда турли хил зўравонликлар, деспотизмлар пайдо бўлишига олиб келади.

Ҳуқуқнинг «позитивлашиши», унинг қонунга айланиш реал жараёни, ҳуқуқнинг объектив хусусиятлари ва талабларини ҳисобга олувчи зарурият билан бир қаторда бошқа объектив ва субъектив омилларга боғлиқ бўлади. Қонуннинг ҳуқуқ тамойиллари ва талабларига мос келмаслиги, тузумнинг ҳуқуқни инкор этувчи табиатининг оқибати, қонун чиқарувчининг ҳуқуққа қарши позицияси ёки қонун чиқариш фаолиятида ҳуқуқий маданиятнинг етишмаслиги туфайли йўл қўйилган турли хил хатоликлар орқали бўлиши мумкин. Шу сабабли, давлат қурилиши тарихи давомида қонуннинг ҳуқуққа мувофиқлик ҳолатини назорат қилувчи махсус институтлар шаклланди.

Қонуннинг умуммажбурийлигида икки турли хил, лекин ўзаро боғлиқ жиҳатлар бор. Биринчиси, расмий ҳукумат даражасида аниқлаштирилади, муҳофазаланади, умуммажбурийлигини талаб қилади. Иккинчи жиҳатда қонуннинг умуммажбурийлигини, унинг ҳуқуқ сифатида намоён бўлишида кўрилади. Қонун умуммажбурийлиги учун эмас, ҳуқуқий бўлганлиги учун тан олинган бўлиши лозим.

Ҳуқуқни табиатан инсонларга берилган мавжуд объектив эркинлик сифатида баҳолаш билан умуммажбурий қонун сифатида қабул қилиниши ўртасида азалдан баҳс-мунозара юритилади. Жумладан, бу ўринда Рим стоикларининг ёрқин намояндаларидан бири бўлмиш Луций Анней Сенеканинг «умумий фаровонлик» концепциясини келтириш мумкин.

Сенеканинг фикрича, инсонларнинг мавжудлигини, ижтимоий моҳиятини белгиловчи бирламчи ҳуқуқ илоҳиётдан белгилаб берилган «тақдир қонуни» ҳисобланади. Бу қонунда инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари табиатан чекланмаган бўлиб, унинг чегарасини фақат қуёшнинг мангу ҳаракати белгилаши мумкин. Лекин инсонлар бунга қаноат қилмай бир-бирларининг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи қонунлар яратадилар ва шу билан ўзларининг илоҳиётдан табиатан инъом этилган ҳуқуқларидан маҳрум бўладилар деб баҳо беради Сенека. Мутафаккир фикрича, бундай адолатсизликни фақат барчанинг умумий фаровонлигини таъминлаган ғойибдан бизга инъом этилган буюк давлат, Сенека таъбири билан айтганда, «катта давлат»гина бартараф этиши мумкин.

Қадимги юнон мутафаккирларидан бири бўлмиш Демокритда ҳам ҳуқуқни тушунишда икки хил изоҳ учрайди. Демокрит фикрича, инсонга табиий адолат мансубдир ва бундай зиёли инсонлар учун маълум бир тартибга, қонунга бўйсунуш шарт эмас, чунки уларда табиатан адолатлилик тамойиллари шаклланган ва улар ўз ҳаракатларида доимо эркиндирлар. Лекин ўзида бундай эркинликларни шакллантира олмаган кимсалар табиатан инсонга берилган эркинлик тимсолидаги ҳуқуққа эмас, аксинча инсонлар томонидан бир-бирларини назорат қилиш учун яратилган қонунларга бўйсунушлари лозим.

Яна бир машҳур Рим юристи, давлат арбоби Цицерон фикрича, ҳуқуқ асосида адолат ётади. Адолат ўзгармас ва абадий бўлиб, умуман, табиатнинг, қолаверса, инсон табиатининг ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам илоҳиётдан келувчи қонун ҳаққоний

бўлиб, давлат ҳам, ундаги қонун ва мажбуриятлар ҳам унинг воқеий ифодасидир, деб таъкидлайди Цицерон. Бу келтирилган фикрлардан кўриниб турибдики, Цицерон ўз қарашларида инсоннинг объектив ҳуқуқи масаласини қонун тушунчаси билан умумлаштириб юборади. Шарқ мутафаккирлари ҳам ҳуқуқ тушунчасига ўз изоҳларини бериб кетишган. Масалан, Фаробий фикрича, ҳуқуқ мамлакатда тинчликни таъминлаш, хавфсизликни таъмин этиш, тараққиётга шарт-шароит яратиш воситасидир.

Хуллас, фикримизни шу йўсинда давом эттирсак яна бир қанча қизиқарли мисолларга дуч келишимиз мумкин, лекин мақсадимиз ҳуқуқ ҳақидаги умумий концепцияни кўрсатиб беришдан иборат. Модомики шундай экан, у ҳолда азалдан ҳуқуқ икки хил маънода изоҳланиб келинган деб қуйидагича хулоса қилишимиз мумкин, яъни: бир томондан инсонларга табиат инъом этган адолатли эркинлик сифатида бўлса, иккинчи томондан, инсонлар томонидан яратилган қонун маъносига эътироф этилган. Ҳозирга қадар ҳуқуқ тушунчасининг моҳиятини ифодаловчи таърифларни кўздан кечирсак, қуйидаги манзарани кўришимиз мумкин, яъни: Ҳуқуқ – жамиятнинг юридик устқурмасини ташкил этувчи иқтисодий муносабатларнинг махсус шакли. Ҳуқуқ – бу жамият манфаатларига мос келувчи, кишилар ҳуқ-атворининг тенг ва нисбий адолат мезони. Ҳуқуқ - давлат томонидан қўллаб-қувватланишига боғлиқ бўлмаган мавҳум ҳуқуқий муносабатдир. Ҳуқуқ – ироданинг қонун даражасига кўтаришда намоён бўлувчи кишилар ҳуқ-атворининг норматив регулятори. Ҳуқуқ - адолат ва эркинлик ғояларининг ифодачисидир. Ҳуқуқ - бу расмий (формал) тенгликдир. Ҳуқуқ - бу инсонлар ижтимоий муносабатларида намоён бўлувчи эркинликнинг энг умумий ва зарурий шаклидир. Ҳуқуқ – бу энг умумий адолатдир, деган таърифлар ҳуқуқнинг қонундан фарқини ифодаловчи умумий ва объектив жиҳатларини кўрсатади.

Мазкур таърифлар ҳуқуқнинг объектив, қонун чиқарувчининг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлигини акс эттирувчи илк соф таърифлар бўлиб, унинг қонуний тус олишда (позитивлашишида) яна қўшимча хусусиятлар, яъни муайян вақт ва ижтимоий маконда расмий тан олинган ва ўрнатилган қонуннинг умуммажбурийлиги каби белгилар қўшилади. Мавжуд таърифларни таҳлил қилиб, уларда уч ёндашув борлигини эътироф этса бўлади. Булар норматив, социологик ва фалсафий ёндашувлардир.

Ҳуқуқни тушунишда норматив ёндашиш ғоясини XX аср мутафаккирларидан Штаммлер, Новгородцев, Кельзен кабилар илгари сурган. Мазкур назария бўйича ҳуқуқ нормалар тизими бўлиб, унинг энг юқорисида асосий норма бўлади, бу норма қонун чиқарувчи томонидан белгиланади, қуйи нормалар юқоридаги нормалардан келиб чиқади. Ҳуқуқни бундай тушунишнинг ижобий жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади, яъни:

биринчидан, ҳуқуқнинг норматив назариясида ҳуқуқнинг энг муҳим нормативлик характери таъкидланади;

иккинчидан, нормативлик ҳуқуқнинг шаклий аниқлиги билан ҳамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳуқуқий талабларга асосланиш имконини беради;

учинчидан, ҳуқуқнинг бузилиши ҳолатларида давлат мажбурлов чоралари белгиланади;

тўртинчидан, қонунсизлик ва зўравонлик режимига қонунийлик қарама-қарши қўйилади;

бешинчидан, қонуний кучга қараётган ирода адолатли, ахлоқий, илғор бўлиши шарт;

олтинчидан, юридик амалиёт мобайнида ижтимоий муносабатлар қонунга асосланиб чиқарилган ҳужжатлар асосида норматив тарзда тартибга солинади;

еттинчидан, ижтимоий тараққиётга давлат таъсир этишининг кенг имкониятларини тан олади.

Ҳуқуқни норматив тушунишнинг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда салбий жиҳатлари ҳам бор, улар қуйидагилардан иборат:

- шахснинг табиий ҳуқуқларини чеклайди, давлат яратган ҳуқуқларнинг устуворлигига асосланади;

- ҳуқуқни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий омиллардан ажратиб қўяди;

- юридик нормаларнинг устунлигини тан олиш оқибатида эски ҳуқуқ нормаларининг ҳам қўлланишига йўл қўяди;

- одат ҳуқуқи, шартномаларни ҳуқуқ манбаи сифатида етарли инобатга олмайди.

Ҳуқуққа социологик ёндашувга келганда, у XIX асрнинг иккинчи ярмида «эркин ҳуқуқ» мактаби доирасида шаклланган бўлиб, қуйидаги ғояларга асосланади:

1. Ҳуқуқ табиий ҳуқуқларда эмас, қонунларда ҳам эмас, балки қонунларни ҳаётга татбиқ этишда ифодланади.

2. Ҳуқуқ - юридик хатти-харакатлар, юридик амалиёт, ҳуқуқий тартибот, қонунларнинг қўлланишидир. Ҳуқуқ – ҳуқуқнинг субъектлари - жисмоний ва юридик шахсларнинг амалий хулқ-атворларидир.

3. Мазкур ёндашувнинг асосий моҳияти шуки, унда ҳуқуқ ижтимоий муносабатларни тартиблаштириш билан айнанлаштирилади.

Ҳуқуққа социологик ёндашувнинг ижобий жиҳати шуки, биринчидан, ҳуқуқни бундай тушуниш ҳуқуқнинг ҳаётга татбиқ этилишига асосланади;

иккинчидан, ҳуқуқ шаклларига нисбатан ижтимоий муносабатлар устуворлиги тан олинади;

учинчидан, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклашни тан олади, бошқарувни марказлаштирамаслик тарафдори.

Ҳуқуқни социологик тушунишнинг салбий жиҳатлари қуйидагича:

- агар ҳуқуқни қонунларни ҳаётга татбиқ этиш, реал ҳуқуқий тартибот деб тушунсак, ҳуқуқий ва ҳуқуққа хилоф хатти-харакатларни белгилаш мезонлари йўқолади, чунки ҳуқуқни ҳаётга татбиқ этиш қонуний ва ғайриқонуний бўлиши мумкин;

- ҳуқуқ ижодкорлигининг фақат судьялар ва маъмуриятчиларга юклаб қўйилиши айрим мансабдор шахслар томонидан ошкора зўравонлик ва ўз ваколатлари доирасидан четга чиқиш, ишончни суиистеъмол қилиш хавфини кучайтиради.

Ҳуқуқни тушунишга фалсафий ёндашув назария сифатида XVII-XVIII асрларда тўлиқ мантиқий шаклланган бўлиб, уларнинг асосчилари Гоббс, Локк, Радишчев кабилар ҳисобланади.

Ҳуқуққа фалсафий ёндашув қуйидаги ғояларга асосланади:

- ижобий ҳуқуқ, яъни давлат томонидан қабул қилинган қонунлар билан бир қаторда инсонга туғилишиданоқ берилган олий, ҳақиқий, «табиий» ҳуқуқ мавжуд. Ҳар қандай қонун ҳам ҳуқуқий бўлмаслиги мумкин;

-ҳуқуқ ва ахлоқ айнанлаштирилади (мазкур назария намояндларининг фикрига кўра) адолат, ҳақиқат, озодлик, эркинлик, тенглик каби ахлоқий тушунчалар ҳуқуқнинг ўзагини ташкил этади ва ҳуқуқ ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш жараёнини белгилаб беради;

- инсон ҳуқуқларининг манбаи қонунларда эмас, инсон табиатида бўлиб, унга туғилишдан ёхуд худонинг амри билан эга бўлиш мумкин.

Ҳуқуққа фалсафий ёндашувнинг ҳам ўзига хос ижобий ва салбий жиҳатлари бор:

Мазкур ёндашувнинг ижобий томони шундаки, қонунларни инсонларнинг бирламчи табиий ҳуқуқлари даражасига келтиришга ҳаракат қилади. Ўз навбатида инсон ҳуқуқларининг манбаи табиат ёки Оллоҳ деб тан олинади. Шу жиҳатдан давлат тузилмалари ва мансабдорлар томонидан зўравонлик қилишнинг, суиистеъмолларнинг олдини олиш имконини яратади.

Ҳуқуқни бундай фалсафий тушунишнинг салбий хислатлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Ҳуқуқни мавҳум ахлоқий қадрият сифатида тушуниш унинг шаклий юридик хусусиятларини сусайтиради, қонуний ва қонунга хилоф ҳаракатлар мезонини ҳар хил одамда ҳар хил бўладиган эркинлик, адолат, ҳақиқат тўғрисидаги тасаввурларга қараб белгилашда қийинчиликларга олиб келади;

2. Ҳуқуқни бундай тушуниш ҳуқуқ билангина эмас, ҳуқуқий онг билан ҳам кўпроқ боғлиқ. Ҳуқуқий онг эса турли хил одамларда турлича бўлади.

Биз юқорида кўриб чиққан ёндашувлардан ташқари ҳуқуққа тарихий, психологик, интегратив ва бошқа шунга ўхшаш ёндашувлар мавжуддир, лекин биз энг асосий ҳисобланган уч ёндашувга тўхталдик ва шу ўринда бизнинг назаримизда, энг умумийси сифатида қуйидаги таърифни келтириш мумкин, яъни:

Ҳуқуқ бу ўзида мувофиқлаштирувчи муайян ижтимоий муносабатлар билан объектив шартланган, умуммажбурий тузилган муносабатларни тартибга солувчи ғоявий-мафкуравий таъсир ва давлат мажбурлови аппарати билан таъминланганликни ифодаловчи мураккаб иродавий тизимдир.

Юқоридаги барча фикрларга умумий хулоса сифатида ҳуқуққа оддийлаштирилган ҳолдаги қуйидаги таърифни келтирамиз: ҳуқуқ бу давлат томонидан ўрнатилган ёки маъқулланган ва унинг кучи билан ҳимоя қилинадиган умуммажбурий ҳуқ-атвор қоидаларининг тизими.

2. Ижтимоий нормалар тизимида ҳуқуқ

Норматив тизим – бу жамият, қолаверса, муайян бир жамоада кишилар ҳуқ-атвори ва улар ўртасидаги ижтимоий-техник ва табиий атроф муҳит билан бўладиган муносабатларни тартибга солувчи ижтимоий нормалар мажмуасидир. Нормалар тизими икки ташкил этувчи бўлақлар - техникавий ва ижтимоий нормаларга бўлинади.

Техникавий нормалар – «инсон-машина» муносабатларини тартибга солади. Техникавий нормалар табиий ва сунъий объектлар билан муносабатларининг энг самарадор метод ва воситаларини, шунингдек, технологик жараёнларнинг изчиллиги ва мазмунийлик даражасини аниқлаштириб беради. Ижтимоий нормалар муайян соҳа, усул ва жиҳатларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

Ижтимоий нормалар – инсонлар ва уларнинг бирлашмалари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи умумий хулқ-атвор қоидалари бўлиб, «инсон-инсон» муносабатларини тартибга солади.

Ижтимоий нормалар ўрнатилганлик ва таъминланганлик усулларига кўра ҳуқуқ нормалари, урф-одатлар, ижтимоий бирлашмалар нормаларига бўлинади.

Тартиблаштирувчи муносабатлар соҳасининг мазмунига кўра сиёсий, ташкилий, ахлоқий, эстетик ва бошқаларга бўлинади.

Ташкил этиш услубларига кўра стихияли ва онглилик турларига бўлинади.

Ифодаланиш шаклига кўра оғзаки ёки ёзма шаклга бўлинади

Умуман, норма деганда, муайян натижага эришишга йўналтирилган ижтимоий фойдали хулқ-атвор, позитив (ижобий) чорани тушунамиз.

Инсоният тарихида ижтимоий фойдали хулқ-атвор ўрнатилишининг турли хил ижобий чоралари муайян норма сифатида доимо намоён бўлиб бораверган. Шулар қаторида ахлоқ, одат, анъана, дин, маросим ҳуқуқ, сиёсий ва жамоат бирлашмаларининг нормаларини қайд қилиб ўтиш мумкин.

Жумладан, ахлоқ нормалари – эзгулик ва ёвузлик, шаън, қадр-қиммат, адолат ва ноҳақлик, бурч ва масъулият ҳақидаги ахлоқий тушунчаларга мувофиқ жамиятда ўрнатилган хулқ-атвор қоидалари сифатида намоён бўлади.

Одат нормалари – кишилар ўртасидаги муносабатларда кўп маротоба такрорланганлиги учун одатга айланган ва шу тариқа авлоддан-авлодга ўтиб келаётган хулқ-атвор қоидалари.

Анъана нормалари – илғор анъаналарни асраш муносабати билан юзага келган умумлашган ва барқарор хулқ-атвор қоидалари.

Маросим нормалари – кишиларнинг маълум расм-русмларни бажаришдаги хулқ-атвор қоидалари.

Диний нормалар – диндорларнинг худога, мачитга, черковга, бир-бирига муносабатини, диний бирлашмаларни ташкил қилиш ва уларнинг амал қилишини тартибга солувчи хулқ-атвор қоидалари ҳисобланади.

Сиёсий нормалар – алоҳида шахслар ва сиёсий бирлашмаларнинг ҳокимиятга муносабати масалаларини тартибга солувчи ҳуққ-атвор қоидаларидир.

Ижтимоий нормаларнинг яна бир тури ва энг муҳими бу биз бевосита ўрганаётган ҳуқуқ нормасидир.

Ҳуқуқ ижтимоий муносабатларга таъсир этувчи восита сифатида доимо, муайян ҳуққ-атвор қоидаси сифатида ўзини намоён этиб, у тегишли ҳаётий ҳолатларда ҳуқуқ субъектлари томонидан қайта-қайта қўлланишга мўлжалланган. Шу ўринда ҳуқуқ нормаси ҳуқуқ тизимининг энг кичик, бирламчи таркибий элементи (унсури) ҳисобланади. Ҳуқуқ нормаси ҳокимият тепасида турган сиёсий кучларнинг амр-иродасини ифодалайди; давлат томонидан ўрнатилган ёки санкцияланган бўлади; барча ҳуқуқ субъектлари томонидан бажарилиши мажбурий; акс ҳолда давлатнинг мажбурият кучи билан ижроси таъминланади; норматив актлар ва бошқа ҳуқуқ манбаларида ифодаланади.

Ҳуқуқ нормаси – барча субъектлар учун мажбурий бўлган, давлат томонидан ўрнатилган ва санкцияланган хатти-ҳаракат қоидаси, ҳуққ-атвор намунаси бўлиб, унда ижтимоий муносабат қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамланади.

Ҳуқуқ нормасида мустаҳкамланган ҳаракат, ҳуққ-атвор қоидасида жамиятнинг, халқ ҳаётининг моддий шароитлари билан белгиланган эрки, манфаатлари ифодаланади. Ҳуқуқ нормаси шахсларининг бир-бири билан бўладиган ўзаро муносабатида қандай хатти-ҳаракат моделига, намунасига риоя этишлари лозимлигини, яъни ҳаракатларни содир этиш ёки этмаслик мумкинлигини кўрсатади. Шу маънода ҳуқуқ нормаси ҳуқуқий ҳуққ мезони сифатида ўзини кўрсатади. Унинг тартибга солувчи восита сифатидаги аҳамияти шунда кўринадики, бирон-бир ҳуқуқ субъекти ўз ҳаракатида ҳуқуқ нормасида мустаҳкамланган қоидага риоя этади ёки бошқа ҳуқуқ субъектидан ҳуқуқ нормасида белгиланган тегишли хатти-ҳаракатни содир этишни талаб қилади, шунингдек, белгиланган қоиданинг бажарилмаганлиги ҳуқуқбузарга нисбатан таъсир чорасининг қўлланишига олиб келади.

Ҳуқуқ субъекти ҳуқуқ нормасида белгиланган хатти-ҳаракат намунасига риоя қилган ҳолда, ҳуқуқ нормаси ўзининг хатти-ҳаракат доираси ва чегараси сифатида намоён этса, унда белгиланган қоида бузилганда эса, у ҳуқуқ субъектининг ҳаракатига баҳо бериш воситаси сифатида ўзини кўрсатади.

Маълумки, ҳуқуқнинг тартибга солувчилик роли катта тарбиявий аҳамиятга эга, шу боис ҳуқуқ нормаси ҳам бўлиши мумкин бўлган ҳуқуқ бузилиши ҳолларининг олдини олишга хизмат қилади, чунки ҳуқуқ субъекти томонидан белгиланган хатти-ҳаракат қоидасини бузиш, муқаррар равишда унга нисбатан таъсир чораларининг қўлланишига олиб келади.

Ҳуқуқ нормаси ижтимоий нормаларнинг алоҳида бир тури сифатида бошқа нормалардан бир қатор жиҳатлари билан фарқ қилади. Мазкур фарқни биз ҳуқуқ нормасининг ахлоқ билан таққослаш орқали кўрсатиб беришга ҳаракат қиламиз.

Ахлоқ кишининг жамиятдаги хулқини норматив тартибга солувчи усуллардан бири сифатида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари – меҳнат, маиший турмуш, оила, сиёсат ва шу кабиларда намоён бўлади.

Ахлоқнинг алоҳида хусусияти – ахлоқ нормаларига амал қилиш жамоатчилик фикри орқали таъминланади.

Ёзилмаган хулқ-атвор қоидаларнинг мажмуидан иборат бўлган ахлоқдан фарқли равишда ҳуқуқ – маълум юридик шакллар, яъни манбаларда, қонун, фармон, қарор ва ҳуқуқда намоён бўлувчи ижтимоий хулқ-атвор қоидаларининг қатъий ифодаланган тизими. Ҳуқуқ нормалари асосан ёзма бўлади.

Ахлоқдан фарқли равишда ҳуқуқ нормалари умуммажбурий хусусиятга эга бўлиб, уларни бажариш давлатнинг мажбурлаш кучи орқали таъминланади. Ахлоқ эса юқорида айтганимиздек, жамоатчилик фикри орқали таъминланади.

Ҳуқуқ нормалари давлат томонидан белгиланган ва рухсат этилган бўлади, ахлоқ нормалари (эзгулик ва ёвузлик, адолат ва ноҳақлик кабилар) эса давлатнинг ёрдамсиз ўз-ўзидан шаклланади.

Ҳуқуқ нормасида давлат иродаси, ахлоқ нормаларида эса жамоатчилик фикри ифодаланади.

Ахлоқ нормалари ижтимоий муносабатларнинг кенгрок доирасини (дўстлик, яхшилик, шаън, қадр-қиммат ва ҳоказо) ҳуқуқ нормаси эса махсус доирасини ўз ичига олади.

Ҳуқуқда хулқ-атворни белгилаш мезони, қонуний - ноқонуний, ахлоқда эса, яхшилик - ёмонликдан иборат.

Ҳуқуқ нормасининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- Ҳуқуқ нормаси давлат билан ўзаро алоқадор бўлиб,
- давлатнинг(халқнинг) иродасини акс этади;

- давлат томонидан норматив ҳужжатларда шакллантирилади;
- давлат томонидан муҳофаза қилинади, зарур ҳолларда давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланади;
- жамият ва давлат нуқтаи назаридан энг муҳим ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлайди.

Ҳуқуқ нормаси бошқа ижтимоий нормалар сингари жамиятда муайян вазифаларни бажаришни ўз зиммасига олган ва уларни қўйидагиларда кўришимиз мумкин:

Тартибга солувчи функцияси – тегишли ижтимоий алоқалар ҳамда муносабатларни ва у ёки бу субъект фаол хулқ-атворининг мезонини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

Қўриқлаш функцияси – ҳуқуқий муҳофаза ва юридик жавобгарлик чораларини белгилаш, уларни қўллаш ва жавобгарликни ўташ тартибини ўрнатишдан иборат;

Тарбиявий функцияси – турмушда нималарни қилиш мумкин, нималар эса тақиқланади, у ёки бу вазиятда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини белгилашдан иборат. Бунда ҳуқуқ ишонтириш методига таянади, зарур бўлганда мажбурлаш методини, ҳатто жазолаш-ни ҳам назарда тутаяди.

Ҳуқуқ нормасининг ўзининг ички тузилишига келсак, у уч таркибий қисмдан иборат: 1) гипотеза. 2) диспозиция. 3) санкция.

Гипотеза – ҳуқуқ нормасининг таркибий унсури бўлиб, у ушбу ҳуқуқий норманинг қандай шароитларда амалга ошишини белгиловчи ҳаётий шароит ва мавжуд ҳолатларни кўрсатади, яъни ҳуқуқ нормасида белгиланган хатти-ҳаракат қандай шароитларда бажарилиши лозимлигини кўрсатади. Гипотезада ҳуқуқ нормасида белгиланган қоида қай шароитда ва қай ҳолатда ҳамда ким томонидан амалга оширилиши кўрсатилади. Гипотеза ҳуқуқий норманинг бир қисми бўлиб, унда диспозицияда кўрсатилган қоиданинг кучга кириши учун зарур бўлган муайян аниқ ҳаётий ҳолатлар (воқеа, ҳаракат, ҳолатлар) ўз ифодасини топади.

Диспозиция – ҳуқуқ нормасининг таркибий қисми бўлиб, унда ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади ва уларнинг бўлиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлари вариантлари аниқланади. Диспозицияда гипотезада кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганда ҳуқуқ субъектлари риоя этишлари лозим бўлган хатти-ҳаракат қоидаси ифодаланган бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66-моддасига мувофиқ, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида

ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар дейилган, бунда, демак, гипотезада кўрсатилган ҳолатлар, яъни фарзандларнинг вояга етиши ва меҳнатга лаёқатли бўлиши ҳолларининг мавжудлиги диспозициянинг амал қилишига шароит туғдиради, яъни фарзандларда ўз оналарига ғамхўрлик қилиши мажбуриятини вужудга келтиради.

Санкция – юридик норманинг таркибий қисми бўлиб, у ҳуқуқий норма бузилган ҳолда ҳуқуқ бузган шахсга нисбатан қўлланиладиган давлат мажбурлов чорасининг турини белгилайди. Санкцияда диспозицияда кўрсатилган талабларни бажармаганлик учун берилиши мумкин жазонинг тури ва ўлчови ифодаланган бўлади.

Демак, гипотеза – диспозицияда кўрсатилган қонданинг ким ва қачон бажариши лозимлигини кўрсатади; диспозиция эса – бажарилиши лозим бўлган қонданинг нимадан иборатлигини кўрсатади; санкция эса – нормани бажарилиш ва бажарилмаслик оқибатларини кўрсатади.

Ҳуқуқ нормаларини, уларда мустаҳкамланган қоидалар характерига қараб қуйидагича таснифлаш мавжуд:

1) ҳуқуқ ва ваколат берувчи нормалар – яъни ҳуқуқ субъектига қандай ҳаракатларни содир этиш мумкинлигини кўрсатувчи нормалар;

2) мажбурият юқловчи нормалар – яъни қандай ҳаракатларни содир этиш лозимлигини кўрсатувчи нормалар;

3) ман қилувчи нормалар – яъни ҳуқуқ субъектига муайян хатти-ҳаракатларни содир этишни тақиқловчи нормалар;

4) моддий ва процессуал ҳуқуқий нормалар;

5) абстракт ва казуистик ҳуқуқий нормалар;

6) умумий ва махсус ҳуқуқий нормалар ва шу каби яна бошқа бир қанча турларга бўлиш мумкин.

Шундай қилиб, биз мазкур саволни ёритиш давомида ҳуқуқ нормасининг ижтимоий нормалар тизимидаги ўзига хос бир қанча муҳим сифатларини ўзимиз учун аниқлаб олдик.

3. Ҳуқуқ ривожланишининг асосий манбалари

Ҳуқуқнинг манбалари деганда, энг умумий маънода ҳуқуқнинг ифода этилтш шакли тушунилади. Ҳуқуқнинг манбалари (шакллари) тушунча сифатида ҳуқуқнинг давлат билан боғлиқлигини бевосита ифодалайди. Агар ҳуқуқнинг мазмуни бўлиб умумий юриш-туриш қоидалари йиғиндиси ҳисобланса, унинг ички шакли ҳар бир

алоҳида ҳуқуқ нормасининг ташкил топиш усуллари ва барча ҳуқуқ нормаларининг бир тизимга бирлашишидир. Унинг ташқи шакли ёки манбаи эса, давлат эркини ўзига хос ҳужжатлаштириш, шакллантириш усуллари йиғиндисидир. Ҳуқуқнинг манбаи тушунчасини уни ташқи ифодалаш шакли нуқтаи назаридан таҳлил қилганда, нормалар ҳокимият тепасида турган, халқнинг, бирор-бир синфнинг ёки гуруҳнинг манфаатларини ифодаловчи маълум бир сиёсий кучнинг эркининг қонун даражасига кўтарилган ифодасидир. Давлат ҳокимиятини ташкил қиладиган ва ҳуқуқни яратадиган куч сифатида майдонга чиқадиган жамиятнинг моддий шарт-шароити, моддий маънода ҳуқуқнинг манбаи тушунчасини англатади.

Бизни биринчи ўринда ҳуқуқнинг манбаи сифатида шаклан ҳуқуқий одат, ҳуқуқий прецедент, норматив-ҳуқуқий акт, норматив шартномалар қизиқтиради. Шу ўринда кўпгина юридик адабиётларда таъкидланган ҳуқуқ шакллариининг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапириш мумкин:

- ҳуқуқ манбалари фуқаролар эркини норматив мустаҳкамлаши зарур;

- мавжуд ижтимоий-иқтисодий базис билан белгиланади;

- халқнинг манфаатларига хизмат қилувчи сиёсий ҳокимиятни таъминлаши зарур;

- манфаатларни ифодалашнинг энг демократик шакли сифатида қонунлар аҳамиятини тасдиқлаши керак.

Тарихан ҳуқуқнинг дастлабки манбаи (шакли) бўлиб, ҳуқуқий одат ҳисобланади. Ҳуқуқий одат – узоқ давр мобайнида амалда бўлиш натижасида шаклланган ва давлат томонидан умуммажбурий қоида сифатида тан олинган юриш-туриш қоидасидир.

Ҳар қандай одат ҳам ҳуқуқий одатга айлана олмайди, балки маълум бир гуруҳ, синф ёки бутун жамиятнинг манфаатларига жавоб бера оладиган ва давлат томонидан санкцияланган одатгина ҳуқуқий одат бўлиши мумкин.

Ҳуқуқнинг манбалари тизимида ҳуқуқий одатнинг роли ва ўрни турли давлатларда турлича бўлган. Ҳозирги даврда ҳуқуқий одатнинг роли ва аҳамияти унча катта эмас ва у камдан-кам ҳолатлардагина қўлланилади.

Қуйидаги ҳуқуқий ёдгорликларни ҳуқуқий одатга мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин:

Ҳаммурапи қонунлари, Ману қонунлари, XXII жадвал қонунлари ва бошқалар.

Ҳуқуқнинг кейинги манбаи деб, ҳуқуқий прецедентни тан олинади. Ҳуқуқий прецедент – лотинча «аввалгиси, олдингиси» деган маъноларни англатади.

Суд ёки маъмурий органнинг ёзма ёки оғзаки қарори, келгусида барча шунга ўхшаш ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун асос бўладиган намуна, эталон, норма сифатида қабул қилинса, у прецедент бўлади.

Шундай қилиб, маълум бир иш бўйича қабул қилинган қарор ҳуқуқий норма сифатида тан олинади. Ҳуқуқий прецедент умумий (англо-саксон) ҳуқуқий тизими амалда бўлган – Англия, Австралия, Канада каби давлатларда кенг қўлланилади, лекин шу давлатларда ҳуқуқий прецедент турлича қўлланилиши мумкин. Масалан, Англияда ҳуқуқий прецедент қуйидаги қоидаларга боғлиқ бўлади:

Лордлар палатаси қабул қилган қарор ҳамма судлар учун мажбурийдир.

Апелляция судининг қарори барча қуйи турувчи судлар учун ҳам ва шу суднинг ўзи учун ҳам (жиноят ҳуқуқидан ташқари) мажбурий аҳамиятга эга.

Норматив ҳуқуқий акт – давлат ваколати органлари томонидан ўрнатиладиган ёки маъқулланадиган ҳуқуқий актдир. Норматив ҳуқуқий акт деганда, давлат ваколатли органининг ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган, умумий мажбурий тусдаги қоидаларни ўрнатувчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи ҳуқуқ ижодкорлик акти тушунилади.

Маълумки, давлат органлари ҳуқуқий актларни чиқарадилар, лекин барча ҳуқуқий актлар ҳам норматив ҳуқуқий акт бўла олмайди. Фақатгина умумий ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўрнатувчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи актларгина норматив ҳуқуқий акт бўла олади. Норматив ҳуқуқий актларда янги ҳуқуқий нормалар белгиланади, амалдаги нормалар ўзгартирилади ёки бекор қилинади. Демак, норматив ҳуқуқий актлар қуйидаги хусусиятларга эга:

– умумий мажбурий қоидаларни ўрнатади, ўзгартиради ва бекор қилади;

– нормалар билан белгиланган ҳуқуқ ва бурчлар ифода этилади;

– уларда ўрнатилган нормаларнинг мажбурийлиги ва бажарилмаган тақдирда келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида норматив-ҳуқуқий актларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- 1) Конституция, қонунлар конституциявий қонунлар ва жорий қонунлар;
- 2) Президент Фармонлари, қарор ва фармойишлар;
- 3) Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва фармойишлари;
- 4) давлат ва бошқарув органининг қарор, буйруқ ва йўриқ-номалари;
- 5) маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг қарорлари.

Норматив шартномалар ҳам ҳуқуқнинг манбаи (шакли) ҳисобланади. Норматив шартномада бир қанча субъектларнинг иродаси мужассамланган бўлиб, у ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш асоси сифатида хизмат қилади. Норматив шартномалар айниқса халқаро ҳуқуқда катта аҳамиятга эга. Бу ўринда халқаро шартномаларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидласа бўлади.

Халқаро шартнома – икки ёки ундан ортиқ давлатлар ўртасида тузиладиган, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрнатадиган, ўзгартирадиган ёки бекор қиладиган битимдир. Шартномалар – норма ўрнатадиган ёки таъсис қилувчи бўлиши мумкин.

Ҳуқуқнинг тарихий ривожланиш даврида ҳуқуқий доктрина ва ғоялар ҳам ҳуқуқнинг манбаи бўлиб ҳисобланган. Мусулмон ҳуқуқида диний матнлар, ақидалар ҳуқуқнинг манбаи ҳисобланган. Мусулмон ҳуқуқининг қуйидаги тўрт асосий манбаи бўлиб Қуръон, Сунна, ижмоъ, қиёс ҳисобланади.

Демак, хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳуқуқ ўзининг ривожланишида жуда ҳам мураккаб ва кенг қамровли яхлит тизимга эга бўлган ва ҳозирги кунда янги шакл ва усуллари билан янада такомиллашиб бормоқда десак, муболоға қилмаган бўламиз.

IV . ФАЛСАФИЙ ЮРИДИК ҚОНУНЛАР МУНОСАБАТИ

1. Қонун тушунчаси, унинг моҳияти ва фалсафий талқини

Оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг ҳаракати, ўзгариши, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб туриши, ривожланиши, улар ўртасидаги алоқадорлик ва ўзаро таъсир каби масалалар қадимданок мутафаккирлар, олимлар, файласуфлар ўртасида турли баҳс-мунозара, тортишувларга сабаб бўлган. Чунки улар тўғрисида аниқ билимга эга бўлмай туриб, олам ва унинг тараққиёти, ривожланиш манбаи, ҳаракатлантирувчи кучлари ҳамда энг асосийси, келажак ҳақида илмий тасаввурга эга бўлиш қийин.

Атрофдаги жамики нарса-ҳодисалар, яъни энг майда заррачалардан Ер, Қуёш, Коинотгача барчаси, шу жумладан, кишилиқ жамияти ҳам, доимо ҳаракат, ўзгариш ва ривожланишдадир. Улар ўртасида абадий ўзаро боғлиқлик, ўзаро таъсир ва алоқадорлик мавжуд. Оламда тасодифий равишда ҳеч қандай ҳаракат ҳам, ўзгариш ҳам ўз-ўзидан юз бермайди. Биз нарса ва ҳодисаларнинг ҳаракати, ўзгариши ва ривожланишига улар ўртасидаги боғланиш ва алоқадорлик, таъсир ва акс таъсир асос бўлади, деймиз. Албатта, оламдаги ҳар қандай боғланиш ҳам ривожланишга сабаб бўлавермайди. Чунки бу боғланишларнинг кўлами, моҳияти, таъсир кучи ва

доираси турлича. Боғланишларнинг ана шу хусусиятларига қараб, зарурий ва тасодифий, ички ва ташқи, бевосита ва билвосита, муҳим ва муҳим бўлмаган ҳамда боғланишларга ажратиш мумкин.

Шунингдек, оламда бошқа воқеа ёки ҳодисалардан алоҳида, улар билан боғлиқ, ўзаро алоқадорликда ва таъсирда бўлмаган бирорта ҳам воқеа ёки ҳодиса мавжуд эмас. Демак, ўзаро боғланиш ва таъсир натижасида нарса-ҳодисаларда ўзгариш содир бўлади.

Дунёнинг мавжудлиги ана шундай ўзгаришларнинг абадий такрорланиб туришидан иборат. Бу такрорланишлар эса ўз моҳияти ва хусусиятларини сақлаб қолганликларидан қонун ва қонуният тусини олган. Масалан, биз Ньютон томонидан кашф этилган бутун олам тортишиш қонунини ўрганганимизда ана шундай ҳолни идрок этганмиз. Бу қонуннинг асосий моҳияти бутун оламдаги нарсаларнинг бир-бири билан алоқадорлиги тамойилининг доимий

такрорланиши, ҳар сония ва ҳар дақиқада бу ҳолатнинг содир бўлиб туришини исботлайди.

Маълумки, оламдаги барча нарса — табиат, жамият ва инсон тараққиёти маълум қонунлар асосида амалга ошади. Инсонлар эса ўз навбатида, бу қонунларни кашф қилиб, улардан тараққиёт йўлида фойдаланишга ҳаракат қилади. Демак, инсоннинг доимо олдинга қараб олға босиб боришининг муҳим шarti – бу унинг қонунларни нечоғлик билиши ва шу орқали ўз ҳаракатини тўғри бошқара олиши билан боғлиқ. Масалан, тадбиркорлик фаолиятини янги бошлаган фуқаро ўз ҳаракатларини тартибга солувчи юридик қонунларни билмаса, кўпгина хатоликларга, ҳатто қонунга ҳилоф ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин. Лекин бу ҳолатда фуқаронинг қонунларни билмаслиги уни жавобгарликдан озод қилмайдику. Табиат қонунлари ҳам ҳудди шундай, яъни инсоният унга ҳилоф ҳаракат қилса, албатта жазо муқаррардир. Чунончи, табиат инъомларидан эртани ўйламасдан ваҳшиёна фойдаланиш экологик муаммонинг пайдо бўлишига сабаб бўлди ва бунинг учун инсоният ўзининг соғлиғини «ишдан чиқариш» эвазига «товон пули» тўлаб келмоқда. Шунинг учун ҳам қонун ва қонуниятларни билиш, унга кўра ҳаракатларни тўғри тартиблаштириш инсоният келажагининг кафолатидир. Шу маънода табиат, жамият, инсон тафаккури ривожланишининг умумий қонуниятларини билиш ҳаёт ва келажак учун доимо ўта муҳим аҳамият касб этиб бораверади.

Қонун - муайян шарт-шароитда нарсалар, воқеалар ривожининг хусусияти ва йўналишини белгилайдиган, маълум бир қатъий натижани тақоза этадиган объектив дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий, нисбий, барқарор муносабатларидир.

Келтирилган таърифдан маълумки, қонун оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий ва такрорланиб турувчи боғланишлари, ўзаро алоқалари ва муносабатларининг намоён бўлишини ифодалар экан ва шу ўринда у қуйидаги хусусиятларга эга бўлади:

– қонун турли-туман алоқадорликлар, боғланишлардан фақат муҳимларини, яъни шундай боғланишларни ифодалайдики, булар оламнинг мавжудлиги, ўзгаришлари ва ундаги нарса ҳамда ҳодисаларнинг моҳиятидан келиб чиққан бўлади;

– қонун зарурий боғланишларни ифодалайди, яъни тасодифий боғланишлар, гоҳ пайдо бўлиб, гоҳ йўқолиб кетадиган боғланишларга асосланмайди;

– қонун нарса ва ҳодисаларнинг умумий боғланишларини ифодалайди;

– қонун нисбатан барқарор, такрорланиб турувчи боғланишларни (муносабатларни) ифодалайди;

қонун зарурийлик ва мажбурийликни тақозо қилади.

Қонунлар амал қилиш доирасига кўра уч гуруҳга бўлинади:

1. *Энг умумий қонунлар* – табиат, жамият, тафаккурнинг истисносиз барча объектларига хос бўлган универсал, фалсафий қонунлар. Улар табиат, жамият тараққиётининг умумий ҳамма ерда, доим мавжуд бўлган хоссалари, майллари ўртасидаги умумий, зарурий, барқарор ички такрорланиб турувчи, муҳим объектив боғланишларини ифодалайди.

2. *Умумий қонунлар* - моддаларнинг сақланиш ва айланиш қонуни; бутун олам тортишиш қонуни ва ҳоказолар.

3. *Хусусий қонунлар* - физикада кулон қонуни, Менделеевнинг кимёвий элементларининг даврий тизими, ҳуқуқшуносликда фуқаролик қонуни, сайловлар ҳақидаги қонун, Жиноят кодекси ва бошқалар. *Намоён бўлишига кўра қонунлар икки гуруҳга бўлинади:*

1. Динамикқонунлар-мутлақмаънодаги сабабий, зарурий боғланишларни ифодалайди.

2. Статистик қонунлар – мутлақ маънодаги зарурий қонунлар эмас, улар эҳтимоллик сабабига мувофиқ боғланишларни ифодалайди. Масалан: нишонга отилган ўқнинг мўлжалга тегиш эҳтимоли ва ҳоказо.

Қонуният - қонуннинг тасодифий шароитлар қамровида муайян ходиса, жараёнларда ифодаланиши. Масалан, организм тузилиши ва бирон-бир бадий асарнинг яратилиши, хар бири учун умумий бўлган биологик ёки эстетик қонунлар асосида намоён бўлади. Лекин шу билан бирга хар бир ходиса бу умумий қонунлардан ташқари хусусий қонунларга ҳам эгадир. Шу тасодифий қонунларнинг такрорланиш эҳтимоли қонуниятда ифодаланади.

Ҳар қандай фаннинг асосини унинг қонунлари ташкил этади. Жумладан, фалсафа фанининг қонунлари, энг умумий қонунлар сифатида табиат, жамият ва инсон тафаккурининг умумий боғланишларини ўзида ифодалайди. Фалсафанинг уч қонуни мавжуд: 1) микдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўзаро ўтиш қонуни; 2) қарама - қаршилиқлар бирлиги ва кураши қонуни; 3) инкорни инкор қонуни. Бу қонунлар ҳақида фикрларимизни қуйида батафсилроқ давом эттирамиз.

Ҳозир эса фалсафий қонунлар билан соҳавий қонунларни тушунишдаги фарқини ҳуқуқий қонунлар мисолида кўрсатиб беришга ҳаракат қиламиз. Шу ўринда ҳуқуқшунослик фани ва амалиётида қонун тушунчасига қандай ёндашилиши ҳақида бир оз тўхтаб ўтсак. Ҳуқуқшуносликда амал қиладиган қонунлар жамиятда мавжуд ҳуқуқий муносабатларни шакллантириш ва кишиларнинг бу жараёнда хатти – ҳаракатларини тартибга солишга қаратилган бўлади. Бошқача айтганда, ҳуқуқшунослик қонунлари фуқароларнинг маълум бир жамиятдаги хатти-ҳаракатларини бошқариб туриш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб бериш учун мавжуд ҳокимият қарори билан таъсис этилади.

Ҳуқуқ нуқтаи назаридан қонун – бу олий юридик кучга эга бўлган, давлатнинг қонун чиқарувчи органи ёки аҳоли томонидан тўғридан-тўғри, референдум ўтказиш талабларига мувофиқ қабул қилинган ва ўзида қонуннинг амал қилиш ҳудуди, муддати ва шахслар доирасида ҳуқуқий муносабатлар субъектлари фаолиятининг умумий намунасини мужассамлаштирган норматив-ҳуқуқий ҳужжат¹.

Ҳуқуқшуносликда қонунларни бир неча мезон ва усулларга кўра таснифланади. Давлат тузилишига кўра, мавжуд нормалар хусусияти ва қабул қилиниш тартибига кўра, тармоқларга кўра, қонун шаклига кўра, ҳуқуқий тартибга солиш механизмига кўра, ҳуқуқий тартибга солиш предметига кўра ва ҳоказо. Жумладан, моҳияти ва юридик кучига кўра қонунлар – конституциявий ва оддий қонунлар. Улар, ўз навбатида, жорий ва кодификация қилинган қонунларга бўлинади. Яна битта катта гуруҳ қонунлар туркумига тартибга солиш кўлами ва объекти бўйича таснифланган умумий ва махсус қонунлар киради. Умумий қонунлар ижтимоий муносабатларнинг кенг соҳасини тартибга солади, уларга кодекслар киради. Махсус қонунлар эса ижтимоий муносабатларнинг чекланган миқдорини тартибга солади (Гаров тўғрисидаги қонун, Банклар ва банк тизими ҳақидаги қонунлар). Бундан ташқари, даврий қонунларга бюджет қонунлари, фавқулодда қонунларга ҳарбий қонунлар киради.

Ҳуқуқшуносликда қонун тушунчасидан ташқари қонун ости ҳужжатлар деган тушунча ҳам юритилади. Қонун ости ҳужжатлар ўз навбатида:

¹ Юридик энциклопедия /проф.У.Таджиханов тахририда. – Т., 2001. – Б. 610-611.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари;
- Ўзбекистон ҳукуматининг қарорлари;
- Бошқа ижроия ҳокимият органларининг ҳужжатлари;
- Маҳаллий давлат ҳокимиятининг норматив ҳужжатларига бўлинади.

Биз бу йўсиндаги таҳлилни янада чуқурроқ давом эттиришимиз мумкин. Лекин бизнинг мақсадимиз ҳуқуқшунослик қонунлари мисолида энг умумий бўлган фалсафий қонунлар билан хусусий қонунлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик масаласини кўрсатиш эди. Айнан шу маънода таҳлилдан аён бўлганидек, қонунлар ўртасида фақат амал қилиш доирасига кўра фарқ бўлиши мумкин. Лекин шу ўринда ҳар қандай қонун учун энг муҳим белгиларнинг акс этиши, умумий муносабатларни ифодалаш, зарурийлик, мажбурийлик, барқарорлик ва такрорланувчанлик каби умумий тамойиллар ҳам хос бўлиши муқаррар эканлигига амин бўлдик.

2. Фалсафий қонунларнинг ҳуқуқшунослик фани ва амалиёти учун методологик аҳамияти

а) Воқелик ва ўзгариш жараёнида айният ва зиддият диалектикаси.

Оламдаги ҳар бир нарса ва ҳодиса бир-бирини тақоза қиладиган ва шу билан бирга, бир-бирини истисно қиладиган қарама-қарши томонлар бирлигидан иборат.

Демак, воқелик ва ўзгариш жараёнида айният ва зиддиятнинг бўлиши ҳам одатий ҳол. Масалан, иссиқ ва совуқ, оқ ва қора, кеча ва кундуз, электрнинг мусбат ва манфий зарядлари, яхшилик ва ёмонлик, адолат ва жаҳолат ва ҳоказо. Қарама-қарши томонлар бир-бирини инкор этади ва шу билан бирга бири иккинчисини тақозо этади, бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмайди. Фараз қилайлик, магнитнинг манфий заряди бўлмаса, у ҳолда ушбу нарса магнит бўлолмайди. Борлиқ нарса, воқеа-ҳодисаларнинг турли-туманлигидан иборат. Лекин нарсалар қанчалик хилма-хил, турли-туман бўлмасин, улар ўртасида яқинлик, айнанлик мавжуддир. Масалан, стол ва стул сифат жиҳатидан турли нарсалар. Лекин бари-бир улар ўртасида ўхшаш томонлар, белгилар бор. Айтайлик, уларнинг ё ранги ёки бир хил материалдан ясалганлиги ёки вазни ўхшаш бўлиши мумкин ва ҳоказо. Айният тушунчаси нарса ва ҳодисалар

ўртасидаги ўхшаш томонларни ифодалайди. Шу билан бирга нарса-ходисалар бир-биридан фарқ қиладиган томонлар, хусусиятлар, белгиларга ҳам эгадир. Айнан бир хил бўлган нарсанинг ўзи йўқ. Ҳатто дарахтнинг бир шоҳида ёнма-ён турган 2 барг ҳам бир-биридан фарқ қилувчи баъзи жиҳатларга эга. Ҳеч бўлмаса, улар бир-биридан макондаги ўрни билан фарқ қилади. Ҳаётдан мисол келтирадиган бўлсак, бир-бирига ташқи томондан тамомила ўхшаш бўлган Хасан ва Хусанларда ҳам жуда кўп фарқ қилувчи хусусиятлар бор. Масалан, уларда феъл-атвор, қизиқиш тури, дунёқарашлар ҳар хил бўлиши, яъни уларнинг ички дунёси ўзаро фарқ қилиши мумкин. Демак, тафовут нарса ва ходисаларнинг фарқ қилувчи томонларини ифодаловчи тушунчадир.

Қарама-қаршилик деб эса, нарса, воқеа-ходисаларнинг бир-бирини тақозо этувчи ва аксинча бир-бирини инкор этувчи томонлари, кучларининг ўзаро муносабатига айтилади. Қарама-қаршиликлар ўртасидаги муносабатни зиддият деган тушунча ифодалайди. Кўп ҳолларда айният ва тафовутнинг зидлиги ва уларнинг бир махражга келиши, меъёрий ўзгаришлар туфайли ривожланиш, тараққиёт, янгилиниш жараёнлари амалга ошади. Тараққиёт шу маънода айният, тафовут ва зиддиятларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ҳал қилинишидан иборат бўлган абадий ва азалий мураккаб жараёндир. Собиқ Иттифоқнинг мафкураси даражасига кўтарилган марксизмда асосан зиддиятга кўпроқ эътибор берилар эди. У мутлақлаштирилар ва жамиятга кўчирилиб, асосан, антогонистик зиддиятлар тўғрисида сўз юритилар ва уларнинг ҳал этилишини бахтли ҳаётга олиб боради, дея ҳаёл қилинар эди. Ҳолбуки, инсоният пайдо бўлибдики, унинг ҳаётида айният ва тафовут ҳам, зиддият ва қарама-қаршиликлар ҳам мавжуд бўлиб келмоқда. Одамзод зиддиятлар камроқ бўлган, кишиларнинг хилма-хил интилиш ва мақсадлари, бир-биридан фарқ қиладиган ғоялари уйғунлашган, барқарорлик устувор бўлган жамиятни қуриш учун бош қотириб келмоқда.

Шундай интилишлар фанда «Конфликтология» (конфликт — зиддият, логос- таълимот) деб аталадиган фалсафий йўналиш пайдо бўлишига олиб келган. Бу соҳа билан шуғулланадиган олим ва мутахассислар конфликтологлар деб аталади. Улар конфликтларни келтириб чиқариш эмас, балки уларнинг олдини олиш ва жамият учун фойдали тарзда ҳал қилиш йўллари ва усуллари устида бош қотирадилар.

Ҳар бир зиддиятнинг аниқланиши, ҳал қилиниши ўзгаришга, янгиланишга, бир сифатдан иккинчи сифатга, эскидан янгига ўтишга сабаб бўлади. Олам турли-туман бўлганлиги учун зиддиятлар ҳам хилма-хилдир.

Масалан, ички ва ташқи зиддиятлар, асосий ва асосий бўлмаган зиддиятлар мавжуд. Улар ўртасида фарқ бўлгани билан бирга, мутлақ чегара ҳам йўқ. Чунки амалда, ҳаётда улар бир-бирига ўтиши, биргалашиб кетиши ва тараққиётда турли хил ўрин тутишлари мумкин.

б) Оламнинг мавжудлиги — миқдор ва сифат воқелиги тарзида. Тараққиётда тадрижийлик тамойили.

Оламнинг мавжудлиги — миқдор ва сифат воқелиги тарзида ҳам намоён бўлади. Бунинг моҳияти шундаки, нарса ва ҳодисалардаги сезиларли бўлмаган миқдорий ўзгаришлар аста-секин тўплана бориб, тараққиётнинг маълум бир босқичида меъёрни бузади ва сакраш йўли билан туб сифат ўзгаришларига олиб келади.

Моддий оламдаги хилма-хил нарса ва ҳодисалар бир-биридан ўз сифати билан ажралиб туради. Сифат — нарсаларнинг ички ва ташқи муайянлиги бўлиб, унинг қатор хосса, белги, хусусиятлари бирлигини ифодалайди. Сифат нарса қандай бўлса, уни шундайлигича кўрсатиб беради, жисмнинг барча ташқи хоссаларини боғлиқликда намоён қилади.

Демак, сифат нарсанинг умумийлиги, яхлитлиги, унинг нисбий барқарорлиги, бир-бирига ўхшашлиги ёки ўхшамаслигини ифодалайди. У кенг маънода нарсаларнинг турли-туман хоссалари йиғиндисидир. Лекин сифат ва хосса айнан бир хил маънодаги тушунчалар эмас. Сифатнинг ўзгариши, муқаррар суръатда, хоссанинг ўзгаришига олиб келади. Бироқ хоссанинг ўзгариши ҳар доим сифатнинг ўзгаришига таъсир этавермайди, айрим хоссалар нарсаларнинг сифатига таъсир этмасдан йўқ бўлиб кетиши мумкин. Сифат предметнинг доимийлигини, нисбий барқарорлигини ифода этади.

Нарсалар сифат муайянлигидан ташқари, бир-биридан миқдорий томонлари билан ҳам фарқ қилади. Миқдор предметнинг ҳажми, ўлчови, оғирлиги, ҳаракат тезлиги ва шу кабилар билан тавсифланади. Табиат ҳодисалари каби ижтимоий ҳодисалар ҳам миқдорий томонга эга. Чунончи, сув ўз солиштирма оғирлигига, қайнаш ва музлаш даражасига эга. Бир ижтимоий тузум бошқасидан хусусияти жиҳатидангина эмас, балки ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти, меҳнат унумдорлиги, маданияти ва ҳоказолар билан ҳам

фарқ қилади. Ҳар қандай нарса миқдор ва сифат бирлигига эга. Табиатда фақат миқдорга ёки сифатга эга бўлган, яъни сифати бўлиб миқдори, миқдори бўлиб аксинча, сифати бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ. Миқдор ва сифатнинг бирлиги, ўзаро боғлиқлиги меъёр тушунчасида ифодаланади. Меъёрнинг бузилиши предмет мавжудлиги мумкин бўлмаган ҳолатга олиб келади.

Ҳар қандай нарса ва ҳодисага миқдор ва сифат ўзгаришлари хосдир. Миқдор ўзгаришлари билан сифат ўзгаришлари ўртасида қатъий қонуният бўлиб, бу қонуният қуйидагича ифодаланади: миқдорий ўзгаришлар сифат ўзгаришларини тайёрлаб, ҳар бир аниқ ҳолатда муайян туб сифат ўзгаришларини келтириб чиқаради ва шу ҳолатда миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши содир бўлади. Оламдаги барча ўзгаришлар аста-секин содир бўладиган миқдор ўзгаришларидан бошланади. Миқдор ўзгаришлари муайян чегарада сифатнинг барқарорлигига таъсир этмайди. Миқдорий ўзгаришлар чегарадан чиқиши билан барқарорлиги бузилади. Натижада сифат йўқолиб, янги сифат юзага келади. Тараққиёт жараёнида миқдор ўзгаришлари туб сифат ўзгаришларига ўтиши билан бирга сифат ўзгаришлари ҳам миқдор ўзгаришларига ҳам ўтади. Миқдор ўзгаришлари билан сифат ўзгаришлари ўзаро чамбарчас боғланган бўлишига қарамай, улар айрим ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Чунончи:

- *биринчидан*, миқдор ўзгаришлари доимо юз бериб туради. Ҳатто ҳодисалар сифатининг нисбий барқарорлиги даврида ҳам миқдорий ўзгаришлар аста-секин юз беради. Сифат ўзгаришларига ўтиш фақат маълум бир даврда бошланади;

- *иккинчидан*, миқдор ўзгаришлари маълум вақтгача нарсаларга муҳим таъсир кўрсатмайди. Сув нормал атмосфера босимида 100° гача суюқлик ҳолатини йўқотмайди, кейин эса буғга айланади, сифатини ўзгартиради. Демак, сифат ўзгаришлари ҳодисаларни тубдан ўзгартириб, унинг бошқа ҳодисага айланишини тақозо қилади;

- *учинчидан*, миқдор ўзгаришлари аста-секин амалга ошади ва кўп ҳолларда сезилмасдан ўтади. Сифат ўзгаришлари эса анча тез, айрим ҳолатда тўсатдан содир бўлади;

- *тўртинчидан*, сифат ўзгаришлари миқдор ўзгаришларига қараганда туб ўзгариш бўлиб ҳисобланади.

Сакраш нима? Сакраш табиат ва жамиятда содир бўладиган сифат ўзгаришларини англатадиган фалсафий тушунча бўлиб,

тараққиётнинг узлуксиз кўринишига қараганда анча тез ўтадиган жараёндир.

Сакраш миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтишда узлуксизликнинг узилишини билдиради. Сакраш нарса ва ҳодисаларнинг узлуксиз ривожланиши давомида тайёрланиб, шу узлуксиз ривожланиш вақти тугаб, узилиш содир бўлиши билан зарурий равишда юз беради. Сакраш бирданига, тўсатдан бўладиган ҳолатгина эмас, балки янги сифат элементлари кўпайиши орқали юз берадиган тадрижий жараён ҳамдир.

Сакрашнинг турлари ўз характериға кўра табиат ва жамиятда хилма-хил бўлиб, улар бир-бирларидан фарқ қилади. Жамият тараққиётидаги сакрашларнинг ўзига хос томони шуки, бу сакрашлар эски ижтимоий тузумни йўқ қилиш ва янги ижтимоий тузумни ўрнатадиган ижтимоий жараёнлар, тадрижий ривожланиш орқали амалга ошади. Бундай сакрашларни икки турга бўлиш мумкин: биринчиси — портлаш йўли билан бўладиган сакрашлар, иккинчиси секин-аста, тадрижий йўл билан бўладиган сакрашлар. Биринчи тур сакрашларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бунда нарса ва ҳодисаларнинг янги сифатга ўтиши ниҳоятда тезлик билан юз беради ва қутилмаган натижаларни, тасодифий жараёнларни бошлаб юбориши, ҳатто салбий ҳолатларни келтириб чиқариши ҳам мумкин.

Сакрашнинг иккинчи турида эса, эски сифат элементларининг аста-секин йўқолиб бориши ва янги сифат элементларининг аста-секин тўпланиши натижасида янги сифат пайдо бўлади. Шундай қилиб сакраш қуйидаги жиҳатларга эга:

- биринчидан, сакраш тараққиёт натижасида амалга ошадиган объектив ва қонуний жараёндир;
- иккинчидан, сакраш тадрижийликнинг узилиб, миқдор ўзгаришларидан туб сифат ўзгаришларига ўтишидир;
- учинчидан, сакраш эскини тугатиш ва янги сифатга мос келадиган ҳолатларнинг вужудга келиши туфайли пайдо бўладиган зиддиятларни ҳал қилишдир;
- тўртинчидан, сакраш оламнинг ривожланиб, илгарилаб боришидир.

Ҳодисаларнинг сифат хусусиятларига ва уларнинг ривожланиш шароитига боғлиқ равишда эски сифатдан янги сифатга ўтиш турли шаклларда содир бўлади. Ҳар бир нарса, ҳодиса ўзининг аниқ инкор қилиш усулига, ўз навбатида аниқ сакраш шаклига эгадир.

Демак, ҳар қандай ўзгариш, ҳар қандай ривожланиш миқдор ва сифат ўзгаришларининг ўзаро бир-бирига ўтиши орқали содир бўладиган жараёнлардан иборат.

в) Ўзгариш ва ривожланиш жараёнида ўз-ўзини инкор этиш тамойили. Ворислик ва янгилиниши.

Борлиқнинг ҳамма соҳасида доимо эски, умри тугаётган нарса ва ҳодисаларнинг барҳам топиши, янги нарса ва ҳодисаларнинг вужудга келиш жараёни содир бўлиб туради. Бундаги эскининг янги билан алмашилиши инкор деб аталади.

Ўзгариш ва ривожланиш жараёнида ўз-ўзини инкор этиш тамойили ниҳоятда муҳим. Бунда ворислик – эскининг инкори ва янгиликнинг шаклланиши сифатида намоён бўлади. Ана шу жараёнларнинг доимий такрорланиши инкорни инкор қонунининг моҳиятини билдиради.

Мазкур қонунга мувофиқ объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиши жараёнида эскининг янги томонидан инкор қилиниши рўй беради. Бироқ, аксарият ҳолларда, эскилик бутунлигича инкор қилинмайди, ундаги ижобий томонлар сақланиб қолади. Инкор тушунчаси кундалик онгда «йўқ», сўзи билан қўшилиб кетади, инкор қилмоқ — «йўқ» демакдир, бирор арсани рад этмоқдир. Лекин диалектикада инкор кундалик онгда ишлатиладиган тушунчадан фарқ қилади. Диалектикада инкор қилиш тўғридан-тўғри «йўқ» дегани эмас, яъни нарсани мавжуд эмас, деб эълон қилмоқ ёки уни ҳар қандай усул билан йўқотиб ташламоқ эмас. Инкорни диалектик тушуниш янгининг эски билан оддий алмашуви бўлмасдан, балки эскининг бағрида вужудга келиб, ундан фойдаланиб, қарор топишини тан олишдир. Диалектик инкорнинг муҳим икки жиҳати мавжуд: биринчиси, эскининг ўрнига янгининг келиши табиий-тарихий жараён бўлганлиги учун тараққиётнинг муҳим шарти ҳисобланса; иккинчиси, у янгини эски билан ворисий боғлиқ эканлигини ҳам ифодалайди. Инкорни инкор қонунини тушуниш учун уни нега шундай деб аталишини изоҳламоқ лозим. Фалсафанинг бу таълимотини икки марта такрорланувчи инкорда ифодаланиши оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг доимий равишда ўзгариб, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб бориши ва оқибатда, ривожланиш узлуксиз эканлигидан келиб чиқади.

Бу қонунга кўра, ҳар бир мавжуд бўлган нарса ва ҳодиса ўзигача бўлган сифат ва миқдор инкор этилишининг маҳсули, шу билан бирга, ана шу нарса ва ҳодисаларнинг ўзи ҳам шароитнинг

Ўзгариши, вақтнинг ўтиши билан инкор этилишга маҳкумдир. Демак, ҳар бир нарса ва ҳодисанинг ўзгариши ва ривожланиши ҳамيشа икки ва ундан кўпроқ инкор этишлар билан амалга ошади. Инсоният тарихи – авлодлар алмашинуви тарихидир, дейилганида ҳам ана шундай ҳол назарда тутилади.

Инкорни инкорнинг яна бир муҳим белгиси шуки, тараққиётдаги даврийликнинг муайян ҳалқасида, яъни навбатдаги инкор босқичида унинг олдинги босқичидаги баъзи белгилар такрорланади. Масалан, дон ўсимликдан яна донларга айланади, кейинроқ яна ўсимликка ва ҳоказо.

Инкорни инкорнинг амал қилиши туфайли тараққиёт тўғри чизик шаклида эмас, доира шаклида бўлади, унинг охириги нуқтаси бошланғич нуқтага яқинлашади. Лекин бу яқинлашув унинг охириги нуқта билан туташishi бўлмасдан, балки юқори босқичда содир бўлиши сабабли тараққиёт спирал шаклга эга бўлади. Бу спиралнинг ҳар бир янги ўрама олдинги ўрамага нисбатан юқорироқ босқичда юзага келади.

Диалектик инкор янги билан эски ўртасидаги боғланишни буткул рад қилади, деб тушунмаслик керак. Янги қанчалик илғор бўлмасин, у йўқ жойдан пайдо бўлмайди, балки эскининг қобиғида аста-секин шаклланади.

Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда эскидан янгига ўтилаётганда эски бутунлай ташлаб юборилмайди, балки унинг ижобий томонлари сақланиб қолади ва ривожланиш давом эттирилади. Демак, янги билан эски ўртасида ворислик мавжуддир. Инкорни инкор қонуни тараққиётда ворислик ва қайтарилувчанликнинг бирлигини тавсифлайди. Диалектик инкорнинг муҳим хусусияти ана шундан иборат.

Инкорни инкор қонуни мустақиллик ва бозор иқтисодиёти жараёнида рўй бераётган ҳодисалар моҳиятини илмий англашда катта аҳамият касб этади. Янги жамиятни барпо этишга қаратилган ўзгаришлар ҳамма нарсани бутунлай йўқ қилишни билдирмайди. Аксинча, бу — халқимиз тараққиёти жараёнида эришилган ижтимоий- иқтисодий, маданий, маънавий ютуқларни сақлаб қолиб, уларни янада бойитиб, ривожлантиришдан иборатдир.

Мазкур жараённинг асосий тамойили Ислом Каримовнинг янги уй қурмасдан, эскини бузмаслик лозимлиги тўғрисидаги хулосасида яққол ўз ифодасини топган.

Биз юқорида кўриб чиққан фалсафанинг қонунлари фақат бир бутунликдагина ривожланиш концепциясини тўлиқ очиб бера олади. Хулоса ўрнида қуйидаги тавсифномани келтиришни ўринли деб билдик:

1) миқдор ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни ривожланиш фақат оддий миқдорий ўзгаришлардангина иборат бўлмай, балки миқдор ўзгаришларининг туб сифат ўзгаришларига сакраш орқали ўтиб туришдан иборат эканлигини очиб беради;

2) қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураши қонуни ривожланишнинг ички манбаини очиб беради;

3) инкорни инкор қонуни - ривожланишнинг тараққийпарварлигини, яъни олға қараб ривожланишидан иборат эканлигини, янгининг эскига муносабатини очиб беради. Унга кўра, эскининг янги томонидан инкор этилиши - кишиларнинг онги ва иродасига боғлиқ бўлмаган объектив жараён бўлиб, хар бир нарса ва ходиса учун инкорнинг аниқ тури мавжудлигини англатади. Диалектик инкор тўлиқ инкор бўлмасдан, балки эскини янги билан боғлаб турувчи жиҳатдир.

Диалектик инкор тараққиётнинг оддийдан мураккабга, қуйидан юқorigа боришини, бир сифатдан бошқа сифатга ўтишни тавсифлайди.

V. ФАЛСАФА КАТЕГОРИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАТЕГОРИЯЛАР БИЛАН ЎЗARO АЛОҚАДОРЛИГИ

1. Категория тушунчаси. фалсафа категориялари ва уларнинг билишдаги роли

Ҳар қандай фаннинг ўзига хос қонунлари ва асосий тушунчалари бўлади. Масалан, физикада физик қонунлар, оғирлик, тезлик, куч каби тушунчаларга жуда кўп дуч келиш мумкин. Уларнинг аксарияти бу фан тарихида чуқур из қолдирган машҳур олимларнинг номи билан боғланган. Масалан, физикада Ньютон, Фарадей, Авагадро ва ҳоказо. Математикани эса Пифагор, ал-Хоразмий, Карл Гауснинг қонунларисиз тасаввур қилиш қийин. Худди шундай фалсафанинг фан сифатидаги мақомини белгилайдиган асосий тамойиллар, қонунлар ва категориялар тизими ҳам бор. Уларни ўрганишдан аввал, қонун ва категория тушунчаларининг мазмунини аниқлаб олиш зарур. Анъанавий тавсифларга кўра, «Қонун» фалсафий категория сифатида нарса ва ҳодисалар ривожланиши жараёнидаги энг муҳим, зарурий, нисбатан барқарор, доимий такрорланиб турувчи, ички ўзаро боғланишлар, алоқалар, муносабатларнинг мантикий ифодаси эканлигини кўриб ўтдик. Энди категорияларнинг моҳияти ва мазмуни билан қисқача танишамиз.

Категория ўзи нима? Бу сўз қадимги юнон тилида «изоҳлаш», «тушунтириш», «кўрсатиш», деган маъноларни англатади. Унинг мазмунидаги бундай хилма-хиллик қадимги даврларданок илмий тадқиқот йўналишига айланган. Фалсафа тарихида уларни биринчи бўлиб, Арасту таърифлаб берган. У ўзининг «Категориялар» деган асарида уларни объектив воқеликнинг умумлашган инъикоси сифатида қараб, туркумлаштиришга ҳаракат қилган. Хусусан, унинг назарида қуйидаги категориялар мавжуд: «моҳият» (субстанция), «миқдор», «сифат», «муносабат», «ўрин», «вақт», «ҳолат», «мавқе», «ҳаракат», «азоб-уқубат». Бу туркумлаштириш, ўз вақтида илмий билишда жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Кейинчалик Арасту «Метафизика» асарида «моҳият», «ҳолат» ва «муносабат» категорияларини ҳам изоҳлаган.

Умуман, категорияларни фалсафа тарихида илмий мавзу сифатида ўрганишни айнан Арасту бошлаб берганлиги эътироф

қилинади. Маълумки, унгача Юнонистонда кўпроқ политика ва риторика (нотиклик санъати) фанлари тизимлашган, яъни фан сифатида тизимга туширилган эди. Чунки ўша даврда кўшинни, мамлакат ва одамларни бошқариш учун сиёсат ва нутқ маданияти сирларини билиш катта аҳамиятга эга бўлган. Аммо ўша даврларда фалсафанинг қонунлари, категориялари ва асосий таянч тушунчалари муайян тизимга туширилмаган, изчил баён қилинган билимлар тизимси сифатида шакллантирилмаган эди. Ҳатто Юнонистоннинг машҳур олими ва мутафаккири Сукротни ҳам ана шундай, ҳали гўёки шаклланмаган фан билан шуғуллангани ва ёшларни бу илм йўлига бошлаб, уларнинг нотўғри тарбиясига сабаб бўлганликда айблаган ҳам эдилар. Бу ҳол Сукротнинг буюк шогирди Арастунинг мазкур фанни аниқ тизим тарзида ифодалашга киришиши учун туртки бўлган. Олим фалсафанинг қонун ва категорияларини биринчи марта тизимлаштирган, таърифлаган ва фалсафани фан даражасига кўтарган. Ўша даврдан бошлаб фалсафа ўз қонунлари, тамойиллари, категориал тушунчаларига эга бўлган фанга айланган. Шарқда бу масалага Фаробий, Беруний ва Ибн Синолар ҳам катта аҳамият берганлар.

XVII-XIX асрларга келиб, фалсафий категориялар таҳлилида янги давр вужудга келди. Хусусан, И. Кант қарашларида категориялар «сифат» (реаллик, инкор, чегаралаш), «миқдор» (бирлик, кўплик, яхлитлик), «муносабат» (субстанция ва хусусият, сабаб ва ҳаракат, ўзаро таъсир), «модаллик» (имконият ва имкониятсизлик, воқелик ва новоқелик, зарурият ва тасодиф) тарзида изоҳланган. Кантдан фарқли ўлароқ, Ҳегел эса мантиқий категорияларни: «борлик» (сифат, миқдор, меъёр), «моҳият» (асос, ҳодиса, мавжудлик), «тушунча» (объектив, субъектив, абсолют ғоя) тарзида изоҳлаган.

Фалсафа фанининг категориялари ҳақидаги турли қарашларни умумлаштириб айтганда, уларнинг мантиқий тушунчалар сифатидаги қуйидаги тавсифлари бор: 1) объектив воқеликнинг инъикоси; 2) нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғланиши ва алоқадорлигини мантиқий умумлаштирувчи билиш усули; 3) нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиши билан ўзгариб турувчи мантиқий тушунча; 4) борлиқнинг мавжудлигидан келиб чиқадиган тарихий-мантиқий билиш даражаларидан бири. Кўпчилик мутахассислар категориялар олам, ундаги нарса ва воқеалар, уларнинг асосий ва такрорланиб турувчи алоқадорлигини ифодаладиган кенг мазмундаги

тушунчалардир, деган фикрга кўшиладилар. Бу маънода борлик, воқелик, ҳаракат, макон, замон, миқдор, сифат ва бошқалар фалсафанинг ана шундай категорияларидир.

2. Воқеликнинг тузилиши ва умумий алоқадорлигини акс эттирувчи категориялар

Фалсафада ўз хусусиятларига кўра, «жуфт категориялар» деб аталадиган; умумий боғланиш ва алоқадорлик муносабатларини ифодаловчи тушунчалар ҳам бор. Улар нарса ва ҳодисаларнинг муайян йўналишдаги энг муҳим, зарурий, нисбатан барқарор, даврий такрорланиб турувчи боғланиш ва алоқадорлик муносабатларини ифодалайди. Фалсафа категориялари мазмунидаги ички бирлик, боғланиш, алоқадорлик ва муносабатларнинг яхлитлиги билиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайдиган умумий қонуният тарзида вужудга келган. Алоҳидалик, хусусийлик, умумийлик. Улар нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш жараёнидаги макон-замон муносабатларини аниқ-муайян тарзда намоён қилади. Умумийлик – оламдаги алоҳида, индивидуал тарзда намоён бўлаётган нарса – ҳодисаларнинг турфа, хилма-хил умумлаштирувчи хосса ҳамда хусусиятларнинг муштараклашган ҳолда намоён бўлишидир. Алоҳидалик ва умумийлик ўртасидаги боғланиш, алоқадорлик ва муносабат «хусусийлик» категорияси орқали ифодаланади. Биринчидан, бу категорияларнинг мазмуни оламнинг бирлиги, уларнинг мантиқий ифодаси конкретлик бўлиб ҳисобланади. Иккинчидан, «алоҳидалик», «хусусийлик», «умумийлик» нарса ва ҳодисаларнинг макон-замон конкретлигини ифодалайдиган, нисбатан мустақил мантиқий тушунчалар тарзидагина намоён бўлиши мумкин. Зеро, уларнинг нисбатан мустақиллиги, ички бирлигининг намоён бўлиш шаклидир. Фалсафий адабиётларда, билишнинг умумий тенденциясини алоҳидаликдан хусусийликка ва шу босқич орқали умумийликка ўтиш тарзида ёки аксинча, изохлаш кенг тарқалган. Ваҳоланки, фалсафий билишнинг асосий хусусияти ва мақсади ҳар қандай алоҳидаликнинг индивидуал хусусиятларини умумийликдан фарқлашдан иборатдир. Масалан, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жамият тараққиётининг умумий қонунияти бўлса ҳам, бу жараён турли ижтимоий-тарихий макон ва замонда ҳар бир давлат учун ўзига хос бўлган моделни тақозо қилади. Алоҳидаликнинг умумийликдан фарқини аниқлаш асосида, махсус

усул ва воситаларини қўллаш бозор стратегияси ва тактикасининг миллий хусусиятларини белгилашга ёрдам беради. Алоҳидалик ёки, баъзи фалсафий адабиётларда кўрсатилганидек, яққаликни муайян хосса ҳамда хусусиятга эга бўлган нарса ва ҳодисаларнинг макон ва замондаги чегараланган конкрет ҳолати, бошқача айтганда, ҳар қандай ҳодиса ва нарсанинг ички сифат муайянлиги, индивидуаллиги дейиш мумкин.

Антик фалсафада алоҳидалик категориясининг мазмунига муайян турғунликка эга бўлган бирлик сифатида қаралган (Афлотун, Арасту). Ҳегел, алоҳидаликка воқеаларнинг зарурий шакли, макон ва замондаги тафовутларнинг намоён бўлиш вақти сифатида қарайди. Фалсафада миллийлик ва умуминсонийлик масаласида алоҳидаликнинг умумийликдан фарқини мутлақлаштириш натижасида муайян қарашлар вужудга келиши мумкин (Бу ҳақда «Осиёцентризм» ва «Европацентризм» тўғрисида эслаш кифоя). Ваҳоланки, умуминсоният цивилизациясининг тадрижий ривожланишида муайян ички бирлик мавжуд бўлиб, маданият тарихида ҳар бир халқ, миллат ўз ўрни ва аҳамиятини намоён қилади. Шунинг учун умуминсоният цивилизацияси таркибидаги миллий маданиятни мутлақлаштириш, муайян сиёсий манфаатларга асосланган бўлиб, буюк давлатчилик, шовинистик қарашлардан бошқа нарса эмас. Бу XX асрнинг 30-йилларида фашизм мафкурасини шакллантирган асосий сабаблардан бири эди.

Алоҳидаликни, умумий қонуниятлар таркибидаги элементларнинг индивидуал ривожланиш жараёни сифатида олиб қараш керак. Чунки ҳар қандай умумийлик, дастлаб воқеликнинг алоҳидалиги тарзида вужудга келади. Шунга кўра, ҳар қандай тизим ўз таркибидаги нисбатан янги, алоҳида ҳодисаларнинг индивидуал ривожланишисиз содир бўла олмайди. Шундай қилиб, алоҳидалик воқелик ривожланишининг хилма-хил шакллари вужудга келтиради.

Нарса ва ҳодисаларда алоҳидаликларнинг конкрет хусусиятлари ўртасидаги боғланишлар, бир томондан, умумийликни намоён қилиш билан бир қаторда, уларнинг муайянлиги ва мазмуни ҳам белгилайди. Иккинчи томондан эса, умумийликнинг конкретлиги алоҳидаликлар тизими тарзида намоён бўлади. Бу тизимга структурали ёндашиш билишнинг нисбатан тўлақонли бўлишини таъминлайди. Масалан, муайян жамиятдаги кишиларнинг ижтимоий муносабатлари ўзига хос бўлган йўналишларини вужудга келтирган.

Яъни, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, диний экологик ва бошқа шу каби ижтимоий муносабатлар умумий маданият таркибида «иқтисодий маданият», «ҳуқуқий маданият», «сиёсий маданият», «экологик маданият» ва бошқа нисбатан мустақил йўналишларга асос бўлган. Бу маданият йўналишлари нисбатан мустақил бўлса ҳам, бир-бирини тақозо қилади. Уларнинг ички бирлиги ва ривожланиш тенденцияси умуминсоният цивилизацияси манфаатларидан келиб чиққан бўлиб, умумий тараққиёт даражасига мос келади.

Фалсафанинг бу категорияси билан «бутун», «қисм» «структура (тузилиш)», «тизим(тизим)», «элемент(унсур)», категориялари ўрта-сида узвий боғлиқлик ва муайян фарқлар мавжуд. Яъни «алоҳидалик», «хусусийлик», «умумийлик» нарса ва ҳодисалар ривожланиш жараёнидаги боғланиш, алоқадорлик муносабатларининг яхлитлигини нисбатан мустақил ифодалаш бўлса, «бутун», «қисм», «структура», «тизим», «элемент», категориялари эса, уларнинг макон ва замондаги боғланиш муносабатларини жараён тарзида ифодалашдир. Шу нуқтаи назардан, бутунни – умумийлик, қисмни ёки элементни – алоҳидалик тарзида олиб қараш ҳолатлари учрайди. Шунингдек, муайян ўхшашлик бўлишига қарамасдан, тизимни умумийлик тарзида қабул қилиш мумкин эмас. Бунда тизим турли даражадаги умумийликларнинг мажмуи ҳам бўлиши мумкин. Умуман, нарса ва ҳодисаларни таркибий жиҳатдан «бутун», «қисм», «элемент»ларга ажратиш билишга хос нисбий ҳодиса бўлиб, унинг самарадорлигини таъминлайдиган зарурий шартдир. Шунга кўра, юқорида айтилган ҳар иккала категориялар тизими билишнинг босқичи сифатида эмас, балки усули сифатида олиб қаралиши керак.

Тизим, структура, элемент фалсафанинг муҳим категорияларидан бўлиб ҳисобланади. Тизим – грекча сўз бўлиб, мантиқий маъноси бутунлик, яхлитлик, элементлардан ташкил топган бирикма, деган маъноларни англатади.

Тизим категориясининг мазмуни, уни ташкил қилган элементларнинг структуравий муносабатларига мос келади. Шу нуқтаи назардан, билиш жараёнидаги тизимлаштириш, назарий фаолият сифатида, уларнинг ташкил қилинган таркибий элементларини тарихий-мантиқий изчил тартибга келтириш билан изоҳланади.

Хусусан, бу элементларнинг функционал фаолиятини, аҳамиятига кўра туркумлаштириш муҳим методологик аҳамиятга эга, чунки инсоннинг борлиқни билиш фаолияти тизим таркибидаги

элементларнинг мавжудлик ҳолати ва ривожланиши объектив қонуниятларни ўрганиш асосида, уларни мақсадга мувофиқ ташкил қилишга қаратилган. Яъни, инсоннинг объектив воқеликни назарий билишга асосланган, ташкиллаштириш, бошқариш, назорат қилиш фаолиятлари самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлиги турли категориялардан унумли фойдаланиши билан характерланади.

Тизим — нарса ва ҳодисаларнинг боғланишлари, алоқадорлиги ва муносабатининг тартибли тадрижий ривожланишини ифодалайди. Структура эса, нарса ҳодисалар боғланиши, алоқадорлиги ва муносабатлари тизимининг макон ва замондаги бирлигини таъминлайдиган тизимнинг мавжудлик ҳолатидир. Умуман, структура (лотин тилида тузилиш, тартиб деган маънони англатиб), тизимни ташкил қилган элементларнинг нисбатан турғун боғланиш, алоқадорлиги ва муносабатидир. Ҳозирги мавжуд фалсафий қарашларда структурани тизимнинг жиҳати сифатида қараш устувордир. Тизимни ташкил қилган элементларнинг таркибий тузилиши унинг мавжудлик ҳолатини ҳамда ривожланиш истиқболларини белгилаб туради.

Масалан, табиатдаги атомларнинг таркибий тузилишлари хусусиятларига қараб, моддий оламнинг хилма-хил кўринишлари, ДНК ёки РНКларнинг ўзаро ички муносабатлари, хромосомалар хилма-хиллиги, тирик организмлар турли-туманлиги аниқланган. Улар умумлашган ҳолда, моддий оламнинг объектив воқелиги тарзида мавжуд бўлса ҳам, моддийликнинг муайян тузилишига эга бўлган тизимлардир. Борлиқни ташкил қилган элементларнинг муносабатларига, макон ва замон хусусиятларига қараб, уларни «ички структура» ва «ташқи структура» га ажратиш мумкин.

Элемент тизимни ташкил қилган структуранинг ўзаро боғланиш, алоқадорлик, муносабат жиҳатларини таъминлайдиган нисбатан мустақил таркибий қисмидир. Жамиятда элемент ижтимоий муносабатларнинг муайян кўринишлари тарзида намоён бўлади. Масалан, жамиятни яхлит тизим деб оладиган бўлсак, ундаги элемент алоҳида индивидлар, ижтимоий қатламлар, табақаларнинг онгли муносабатлари тарзида кўзга ташланади. Яъни, жамиятнинг ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа муносабатлари таркибий тузилишни ташкил қилган. Ўз навбатида, тизимни тўлалигича билиш, унинг таркибий тузилишидаги ҳар бир элементнинг функционал фаолиятини алоҳида таҳлил қилишни тақозо этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, инсонларнинг нарса ва ҳодисаларга муайян манфаатлари ва эҳтиёжларига кўра ёндашишига

қараб, ҳар бир элементни нисбатан мустақил тизим сифатида олиб қараш мумкин. Масалан, маънавий жамият тузилишида, уни ташкил қилувчи муҳим элементларнинг бири ҳисобланади, лекин маънавийни, махсус ижтимоий ҳодиса сифатида алоҳида олиб таҳлил қиладиган бўлсак, унинг ички элементлардан иборат мустақил тизимлигини кўрамиз. Шунга кўра, тизим, структура ва элемент нисбий тушунчалар бўлиб, категориялар сифатида, унга бўлган муносабат доирасида аниқлашади.

Шунинг учун «tizim», «структура», «элемент» каби фалсафий категориялар нарса ва ҳодисаларни билишга тизимли ёндашиш, таркибий таҳлил усулларининг умумметодологик асоси бўлиб ҳисобланади.

Элементларни тизимни ташкил қилишдаги структуравий аҳамиятига кўра: муҳим ва муҳим бўлмаган, асосий ва асосий бўлмаган элементларга ажратиб ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ҳар қандай конкрет элемент, муайян тизимда макон-замон хусусиятларига кўра, ўз аҳамиятига эга бўлади. Бироқ, уларнинг аҳамиятини, юқорида кўрсатилганидек, туркумлаштириш мутлақо нисбий ҳамда шартли характерга эга бўлиб, муайян манфаатлар ва эҳтиёжлар асосида ёндашишдан келиб чиқади. Шунга кўра, конкрет макон ва замонда тизимни ташкил қилишдаги элементларнинг аҳамияти структуравий функциясида муқобилликлар вужудга келиб туриши билан изоҳланади. Яъни, тизимдаги унинг характерини белгилаб турган муҳим элемент, маълум вақтга келиб муҳим бўлмаган элементга айланиши ёки аксинча бўлиши мумкин.

Умуман, фалсафанинг тизим, структура, элемент категориялари нарса ва ҳодисаларнинг мазмунини, шаклини очиб беришда методологик асос бўлади.

3. Детерминизмнинг умумий алоқадорликларини ифодалловчи категориялар

Фалсафа фанидаги анъанавий тарзда ёзилган дарсликлар, ўқув кўлланмаларидан фарқли ўлароқ, бу категорияларни қиёсий таҳлил қилишимиздан мақсад, бошқа жуфт категорияларнинг мазмунини очиб бериш имкониятини яратишдир. Чунки, «моҳият ва ҳодиса», «мазмун ва шакл», «сабаб» ва оқибат», «зарурият ва тасодиф», «имконият ва воқелик» категорияларининг мазмуни, юқорида кўрсатилган «алоҳидалик», «хусусийлик» «умумийлик», «бутун», «қисм», «структура», «элемент», категориялари мазмуни билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун биз фалсафа категорияларини бир-

бирини тақозо қилувчи, нисбатан мустақил билиш усулларининг яхлит тизими тарзида олиб қарашни лозим топдик. Лекин, бунинг учун ҳар бир категориянинг мазмунини алоҳида таҳлил қилиш зарур.

«Моҳият ва ҳодиса» категориясини олиб кўрайлик. Моҳият-ўзида алоҳидалик, махсуслик, умумийликнинг мазмуни, сабаби, зарурияти, имкониятини, бутун, қисм, тизим, структура, элемент тарзида намоён қилади. Ҳодиса эса, уларнинг боғланиши, алоқадорлик ва муносабатларининг намоён бўлишидир. Моҳиятни алоҳидалик, махсуслик, умумийлик, бутун, қисмга мос келишига қараб, туркумлаштириб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, субъект назарида аҳамиятига ва функциясига кўра, асосий ва асосий бўлмаган, нисбатан барқарор ёки ўзгарувчан моҳиятларга ажратиб, уларнинг ривожланиши жараёнида ўрнини алмаштириб туришларини эътиборга олиш зарур.

Нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини билиш уларнинг инсон эҳтиёжларини қондириш вазифаси ва мақсадларини конкретлаштиришдан иборат. Масалан, жамият усткурмасининг сиёсий элементи бўлган давлатнинг мақсади ва вазифаси, уларни амалга ошириш усул ҳамда воситалари мамлакат ҳудудида яшаётган кишиларнинг муайян ҳаёт шароитларини таъминлашдан иборат бўлиб, унинг моҳиятини ташкил қилади.

Шунга кўра, ҳар қандай моҳиятни одамларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларига, цивилизация келажагига боғлаб таҳлил қилгандагина, у аҳамиятга эга бўлади.

Нарса ва ҳодисаларни билиш ҳамда ўзгартиришга инсон муайян эҳтиёжлар асосида ёндашади. Бу ёндашиш субъектив характерга эга бўлиб, унинг конкрет эҳтиёжлари ва манфаатлари нуқтаи назаридан баҳоланади.

Масалан, чанқаган киши учун сув унинг чанқоғини қондириш, физик учун-агрегат ҳолати, электр токини ўтказиши ёки оптик хусусиятлари, химик учун, унинг H_2O кимёвий бирикма сифати, тегирмончи учун- тегирмон паррагини айлантириш хусусиятлари асосий моҳият ҳисобланади.

Нарса ва ҳодисалар доимий ривожланиб туриши жараёнида, уларнинг моҳияти ҳам, шунга мос тарзда ҳодиса ҳам ўзгариб туради. Моҳиятдаги ҳар қандай жузъий ўзгариш ҳам, унинг муқаррар ўзгарган ҳодисасида ифодаланади. Масалан, сувнинг электр токини ўтказиш хусусияти, унинг ҳароратига боғлиқлиги аниқланган. Агар биз сувнинг ҳароратини маълум даражада кўтарсак, унинг электр токини ўтказиш хусусиятини ўлчайдиган асбоблар бу ўзгаришларни

қайд қилмаслиги мумкин. Лекин, бундан сувнинг моҳиятини ифодаладиган электр токини ўтказувчанлик хусусияти йўқолган, деган хулоса келиб чиқмайди.

Нарса ва ҳодисаларнинг моҳият ва ҳодиса тарзида боғланишлари макон ва замондаги муайян конкретлиги билан ажралиб туради. Моҳият ва ҳодиса ўз хусусиятларига кўра тизим, структура ва элементларда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Шунинг учун ҳар қандай ҳодисани ва моҳиятни таҳлил қилишда аниқ тамойилларга асосланиш лозим.

Мазмун ва шакл. Фалсафада мазмун ва шакл категорияси нарсa, ҳодисаларнинг мавжудлиги ва ривожланиш жараёнини билиш усули сифатида муҳим аҳамиятга эга. Мазмун - нарсa ва ҳодисаларнинг ривожланиш жараёнидаги тизимни ташкил қилган элементларнинг структуравий боғланиши бўлиб, уни бошқа тизимлардан фарқини белгиладиган алоқадорликлар ва муносабатларини ифодалайди.

Шакл эса – тизимни ташкил қилган элементларнинг структуравий боғланишлари, алоқадорликлари, муносабатларининг ифодаланишидир. Ҳозиргача фалсафий адабиётларда мазмун ва шакл ўртасидаги боғланишларни бир-биридан ажратиб таҳлил қилиш анъанавий характерга эга. Яъни, мазмуннинг ўзгариши шаклнинг ўзгаришига олиб келади, деган хулоса устувор бўлган. Ваҳоланки, тизимнинг элементлари структуравий боғланишларсиз, алоқадорликларсиз мавжуд бўлиш мумкин бўлмаганлигидек, мазмун ва шакл ҳам бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди. Биз фақат нисбатан мустақил бўлган мазмун ва шаклни билиш хусусиятига қараб, шундай мантиқий хулосага келишимиз мумкин. Бошқача айтганда, мазмун ва шаклдаги ҳар қандай жузъий ўзгариш ҳам бир-биридаги ўзгаришларни тақозо қилади, фақатгина биз уларни билиб олган ёки билмаган бўлишимиз мумкин. Масалан, сувнинг агрегат ҳолати, шакли ўзгариши билан унинг мазмуни ҳам ўзгаради. Яъни, сув буғ ҳолатида чанқоқни қондирмайди, ўсимликларни суғориш учун ярамайди.

Бундан ташқари, элементларнинг структуравий боғланишлари тизимнинг характерини белгилашдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, структуравий боғланишлар шакл сифатида тизимнинг мазмунини ҳам белгилаб туради. Шунга кўра, шаклни мазмунга нисбатан «иккиламчи» дейиш ноўриндир. Бунга ижтимоий ҳаётдан мисол келтирадиган бўлсак, демократия бошқаришнинг шакли сифатида жамиятнинг мазмунини белгилаб туради.

Фалсафада мазмун ва шакл категориясини бошқа категориялар тизимидан ажратиб олиб, нисбатан мустақил таҳлил қилганда, унга

инсонларнинг муайян манфаатлар ва эҳтиёжлар асосида ёндашишларини алоҳида эътиборга олиш керак. Бу умуман мазмун ва шаклнинг объектив характериға путур етказа олмаса ҳам, уларни баҳолашдаги субъектив, муқобил қарашларда ўз ифодасини топади.

Сабаб ва оқибат. Нарса ва ҳодисаларнинг ички бирлиги, яхлитлиги ва тарихий-тадрижий ривожланиш тамойилиға кўра, уларнинг мазмуни ва шакли ўзгариб туради. Ўз навбатида, ҳар қандай тизимнинг элементлари ўртасидаги структуравий боғланиш конкрет мазмунға эға бўлиб, унға мос мазмунларда ўз ифодасини топади.

Бошқача айтганда, мазмун ва шакл ўртасидаги алоқадорлик, боғланиш, муносабатнинг характери муайян сабабға асосланади. Яъни, нарса ва ҳодисаларнинг тизим шаклида намоён бўлиши, муайян сабаб оқибатидир.

Демак, нарса ва ҳодисаларнинг тадрижий ривожланиши сабаб-оқибат муносабатлари тарзида намоён бўлади. Шунға кўра, сабаб – бирор нарса ва ҳодиса ривожланиш жараёнининг оқибатидир. Нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиши жараёнидаги сабаб ва оқибат муносабатларини билишда, уларнинг макон ва замондаги тарихий ва мантикий изчиллиги муҳимдир. Бошқача айтганда, бир томондан, ҳар қандай сабаб аввалги ҳодисалар ёки уларнинг ривожланиш оқибати тарзида намоён бўлади. Иккинчи томондан эса, бу оқибат кейинги ривожланишнинг сабаби бўлиб ҳисобланади.

Нарса ва ҳодисаларнинг ривожланишиға асос бўлган сабаблар тизими мавжуд. Уларни шартли равишда: асосий ва асосий бўлмаган, муҳим ва муҳим бўлмаган сабабларға ажратиш мумкин.

Сабабнинг моҳияти аввалги ҳодисаларнинг оқибати сифатида вужудға келаётган ҳодисалар учун сабаблиғидадир. Шунға кўра, сабабға бир вақтнинг ўзида оқибат тарзида қараш мумкин. Аниқроқ айтадиган бўлсак, ҳар қандай оқибат сабаб тарзида намоён бўлади. Шу билан бирға, сабабни нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш жараёнидаги макон ва замондаги даврий такрорланишдан фарқлаш керак. Чунки, сабаб мавжудликнинг генетик боғланишларини, алоқадорликларини ифодалаши билан бирғаликда, уларнинг истиқболларини ҳам белгилаб беради. Гегель тили билан айтганда, сабаб-моҳиятнинг ҳаракатдаги мавжудлик ҳолатидир. Сабаб фалсафий категория сифатида қуйидаги хусусиятларға эға:

1) унинг *объектив характери* нарса ва ҳодисаларнинг ички, таркибий элементлари муносабатларига хос бўлиб, моҳиятнинг реал мавжудлик ҳолатини ифодалайди;

2) *сабабнинг конкретлиги* нарса-ҳодисаларнинг хусусиятларидан келиб чиқади ҳамда унинг индивидуаллигини таъминлайди;

3) *сабаб умумий характерга эга* бўлиб, ҳеч қандай нарса ва ҳодисанинг ривожланиши сабабсиз содир бўлмайди;

4) *сабаб зарурий* бўлиб, муқаррар равишда, муайян оқибатларни келтириб чиқаради;

5) *сабабнинг узлуксизлиги*, бир томондан, турли сабабларнинг изчил боғланишларини, муносабатларини, иккинчи томондан, ҳар бир сабабнинг оқибат тарзида олдинги сабаб билан боғлиқлигини характерлайди.

Зарурият ва тасодиф. Объектив оламни билишда зарурият ва тасодиф категорияси муҳим фалсафий-методологик аҳамиятга эга. Зарурият – нарса ва ҳодисаларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишини таъминлайдиган шарт-шароитлар, муносабатлар мажмуасидир. Тасодиф эса – заруриятнинг намоён бўлиш шаклидир.

Зарурият ва тасодиф категорияси оламни фалсафий билишнинг муштараклиги ва самарадорлигини таъминлайди. Шу нуқтаи назардан, заруриятни туркумлаштирганда, унинг макон ва замондаги структуравий тузилишини ташкил қилган элементларини тизимли-структурали таҳлил қилиш лозим. Шунингдек, заруриятни сабаб-оқибат муносабатлари тарзида тушуниш лозим. Зарурият нарса ва ҳодисаларнинг муқаррар ривожланиш қонуниятдан келиб чиқади ҳамда объектив сабаблар тизимига асосланади. Масалан, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиши тарихий объектив заруриятдир, унинг «ўзбек модели» асосида амалга оширилиши заруриятнинг конкрет намоён бўлишидир. Бунда тасодиф «субъективлаштирилган» жараён сифатида кўзга ташланса ҳам, объектив ҳодисадир. Чунки, Ўзбекистоннинг тарихий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланишининг миллий хусусиятлари, бозор муносабатларига ўтишнинг характерини белгилаб беради.

Заруриятлар табиий-тарихий ривожланишнинг объектив қонуниятларидан келиб чиқиб, доимий ўзгариб туради. Заруриятларнинг тасодифлар тарзида намоён бўлиши, ўз навбатида, бошқа ҳодисалар учун зарурият мақомига эга бўлади. Бундан кўриниб турибдики, зарурият ва тасодиф ўртасидаги боғланишлар сабаб-оқибат муносабатлари характерига мос келади.

Зарурият ва тасодиф, категориясига бошқа категориялар каби, уни аниқлаш ва баҳолашга муайян субъект эҳтиёжлари, манфаатлари

нуқтаи назаридан ёндашиладиган бўлса, муқобил қарашлар вужудга келади.

Масалан, собиқ Иттифоқнинг парчаланиб, мустақил давлатларнинг вужудга келиши, айрим назариётчилар томонидан тасодифий ходиса деб баҳоланиб, унинг зарурий, объектив қонуний характери инкор этилмоқда.

Ваҳоланки, жамият тараққиётида ҳеч қандай империянинг абадий бўлмаслигини тарихий тажрибалар доимий исботлаб келган. Демак, бунда биз заруриятни кўриб турибмиз.

Зарурият ва тасодифнинг алоқадорлиги, боғланиши шундаки, улар бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди, яъни заруриятнинг муқаррарлиги тасодифга ҳам хосдир. Шунинг учун фалсафий адабиётларда тасодифларнинг муқаррарлиги, тарихийлиги, сабабийлиги, қонунийлигини инкор қилувчи қарашлар ғайриилмийдир.

Имконият ва воқелик – фалсафанинг муҳим категорияларидир. Имконият нарса ва ходисаларнинг макон ва замондаги ривожланиш тенденциясини таъминлайдиган, муайян қонуниятларга асосланади. Воқелик эса, шу қонуниятларга асосланган ривожланишнинг намоён бўлишидир. Имконият ва воқелик категориясини ҳам, билишнинг умумий мантиқий тамойилларига кўра, бошқа категориялар билан боғлиқликда таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Имконият нарса ва ходисалар ривожланиш жараёнининг ички бирлигини ифодалайди ва уларнинг ривожланиш шарт-шароитларини, сабабларини, зарурий қонуниятларини, моҳиятини ўзида мужассамлаштирган.

Имкониятнинг воқеликка айланиши қонуний ходисадир. Унинг реал, формал, мавҳум имконият деб аталадиган шакллари бор. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин демократик ҳуқуқий жамият қуриш учун реал имкониятлар вужудга келди. Бундай имкониятлар И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида кўрсатиб берилди.

Имконият категориясини, унинг шарт-шароити билан аралаштирмаслик керак. Шарт-шароитлар оқибат, тасодиф, ходиса сифатидагина имкониятга таъсир қиладиган омиллар мажмуасидан иборат. Мавжуд воқелик тарихий генезисига кўра, ўзида бошқа воқеликнинг имкониятларини мужассамлаштирган бўлади. Масалан, бозор иқтисодиётининг ҳозирги босқичи реал воқелик сифатида, унинг кейинги ривожланиш имкониятларини намоён қилади ва ҳоказо.

VI. ҲУҚУҚИЙ ОНТОЛОГИЯ, ГНОСЕОЛОГИЯ ВА АКСИОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ

1. Ҳуқуқий онтология тушунчаси ва унинг моҳияти

Ҳуқуқий онтология тўғрисида сўз юритишдан олдин онтология тушунчаси ва унинг мазмун ва моҳияти тўғрисида тасаввурга эга бўлишимиз лозим. «Онтология» атамаси юнонча икки сўздан «борлик» ва «таълимот» сўзларидан олинган бўлиб, борлик ҳақидаги таълимот маъносини англатади. Умуман онтология тушунчаси фалсафий атама сифатида XVII асрда Гоклениус ва кейинчалик эса, Х.Вольф томонидан илк бор қўлланилган. Борлик ҳақидаги фалсафий таълимотга қадимги Шарқ, қадимги Юнон фалсафий манбаларида кенг ўрин берилган бўлса-да, алоҳида таълимот, фалсафий йўналиш сифатида юқорида қайд этилган даврга келиб ривожланди. Фалсафада онтология таълимотига катта ҳисса қўшган Марказий Осиё мутафаккирларининг асарлари жаҳон фанига маълум ва машҳур. Ал-Хоразмий, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий ва бошқаларнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий таълимотларида борлик ҳақидаги илмий-фалсафий ғоялар илгари сурилган.

Онтология фалсафа фанининг ажралмас таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Онтологик умумлашмаларда, онтология таълимотининг қўйидаги йўналишларини алоҳида қайд этиш мумкин. *Биринчидан*, абстракт умумийлик асосида борлиқнинг «соф» шакллари ҳақидаги онтологик таълимот; *иккинчидан*, эса, объектив оламни бир бутун моддий асоси ҳақидаги таълимот; *учинчидан*, онтогносеологик таълимот, яъни борлик ва уни билиш жараёнини бир бутун, яхлит ҳодиса деб тушунишдан иборат бўлган йўналишлар¹. Онтология таълимотининг бу йўналишларини таҳлил этиш фалсафа фаннинг асосий вазифаларидандир. Ҳуқуқий онтология фалсафий онтологиянинг таркибий қисмларидан бирини ташкил қилиб, унга асосланса-да, лекин моҳиятига кўра ундан фарқ қилади.

Ҳуқуқий онтология - ҳуқуқ ва унинг қонунчилик амалиёти билан боғлиқлиги ва тафовути ҳақидаги таълимот. Ҳуқуқий онтология ва ижтимоий-тарихий амалиёт тушунчалари бир-бири билан узвий

¹ Қаранг: *Туйчиев Б.Т.* Ҳуқуқ фалсафаси. – Т., 2004. – Б. 81-82.

боғлиқдир. Ҳуқуқий онтологияда ҳуқуқнинг келиб чиқиши ва унинг тарихий ривожланишида инсоннинг табиат билан муносабатлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Ҳуқуқ умуман ижтимоий-тарихий тажриба билан узвий боғлиқ бўлиб, ижтимоий-сиёсий амалиётдан ташқарида мавжуд бўла олмайди. Шунинг учун ҳам, ҳуқуқий борлиқнинг асосини табиий ҳуқуқнинг ижтимоий-тарихий моҳияти ҳамда ақл–заковат билан боғлиқ позитив ҳуқуқ ташкил қилади.

Ҳуқуқ фалсафасига оид адабиётларда ҳуқуқий онтологиянинг 3 та типи алоҳида ажратиб кўрсатилади.¹ Булар легистик онтология, табиий-ҳуқуқий онтология, либертар-юримдик онтология. Буларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

Легистик онтология. Ҳуқуқни тушунишнинг легистик типи учун ҳуқуқни расман ҳокимиятнинг иродасидан мустақил бўлган муайян объектив моҳият сифатида ва қонунни ҳокимиятнинг мажбурий зўрлик билан ўрнатилиши сифатида айнан бир хил деб қараш хосдир.

Легистик онтологияга кўра, ҳуқуқ – давлатнинг мажбурий амалга оширилиши лозим бўлган қоидалар, нормалар ва ҳужжатлар ҳосиласи ва уларнинг қатъий бажарилишидир. Уларнинг талқинича, ҳуқуқнинг борлиғи – эмпирик реал (шу маънода позитив) ҳодисанинг, яъни расман ҳукмрон характердаги муайян феномен (ҳодиса)нинг, қонуннинг мавжудлигини англатади. Мазкур феноменинг реаллиги ва позитивлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва ҳуқуқнинг манбаи сифатида талқин этиладиган тегишли расман ҳужжатларнинг матни сифатида тақдим этилади. Легистларнинг ҳужжат матнининг юридик-догматик таҳлилича, уни легистик лингвистика ва герменевтика (матнларни талқин қилиш назарияси) нуқтаи назаридан талқин қилишга қаттиқ қизиқиши билан изоҳланади. Уларнинг назариясида ҳужжат матнини бу тариқа таҳлил этиш доирасидан ташқарига чиқадиган ҳамма нарса қандайдир метафизик, позитив ва нореал ҳисобланади. Бундай ёндашувларни таҳлилий юриспруденция вакиллари Д. Остин, И. Бентам ривожлантирган. Рус ҳуқуқшуноси В.Д. Катков юриспруденцияни «умумий тилшунослик» ёрдамида ислоҳ қилиб, ҳатто «ҳуқуқ» сўзидан воз кечиш ва унинг ўрнига «қонун» сўзидан фойдаланишни таклиф этган, чунки реал воқеликда «алоҳида ҳуқуқ ҳодисаси йўқ» деб таъкидлайди.

¹ Қаранг: *Нерсеянц В.С.* Ҳуқуқ фалсафаси. – Т.. 2003.– Б. 68-76.

Шундай қилиб, ҳуқуқнинг легистик онтологияси феноменологик характерга эга бўлиб, ҳуқуқ феномен (ҳодиса) сифатида ҳуқуқий моҳиятдан маҳрум этилган. Бунда ҳуқуқ борлиғи бирон-бир объектив асосга боғлиқ эмас, балки умуман тўла равишда ҳокимиятнинг нуфузи, унинг ўз субъектив ихтиёри ва қарори билан белгиланади.

Табиий-ҳуқуқий онтологияга кўра, ҳуқуқ борлиғи икки қарама-қарши шаклда: ҳуқуқнинг ҳақиқий борлиғи шаклида (бу табиий ҳуқуқ борлиғи) ва ҳақиқий бўлмаган борлиқ шаклида (позитив ҳуқуқ борлиғи) ифодаланади.

Бунда табиий ҳуқуқ ва унинг борлигининг ҳақиқийлиги деганда, ҳуқуқнинг мазмунини ифодаловчи муайян моҳият сифатидаги ҳуқуқнинг объектив мавжудлиги (худо, табиат, ақл ва бошқа томонидан берилганлиги) назарда тутилади. Ушбу объектив моҳият ҳуқуқнинг ҳақиқий, чинакам борлиғидир. Объектив моҳиятнинг ҳақиқийлиги бевосита мавжудлик хоссасини ҳам ўз ичига олади.

Табиий ҳуқуқ борлиғи ҳуқуқнинг чинакам борлиғи сифатида ўз-ўзига етарлидир, чунки бундай борлиқ – бу айни вақтда моҳият борлиғи ва мазкур моҳиятнинг ҳодиса сифатида бевосита мавжуд бўлиши ва амал қилишдир. Табиий ҳуқуқий моҳият чинакам борлиқ шаклида ва доирасида мавжуд бўлади ҳамда ўзининг зоҳир бўлиши ва амал қилиши учун ғайриборлиқ (ҳақиқий борлиқдан бўлакча) шаклларида намоён бўлиш, мавжуд бўлиш ва амал қилишга эҳтиёж сезмайди.

Табиий-ҳуқуқий онтологияга кўра, ҳуқуқнинг ғайриборлиғи, яъни ҳуқуқнинг ҳақиқий борлиқдан ташқари, ҳақиқий моҳият билан ўхшаш бўлмаган ташқи ҳодиса шаклида мавжуд бўлиши эса ҳақиқий бўлмаган кишилар томонидан яратилган ҳуқуқнинг ҳақиқий бўлмаган борлиғида – позитив ҳуқуқнинг мавжуд бўлиши ва амал қилишида ўз ифодасини топади.

Ҳуқуқ борлиғи 2 шаклининг ажралишидан келиб чиқувчи табиий ҳуқуқий онтология легистик ёндашувни (ҳуқуқнинг объектив моҳиятини инкор қилиш ва бошқа) тўғри танқид қилиши билан биргаликда иккинчи томонга – ҳуқуқнинг ғайри борлиғи, зарурлигини, яъни ҳуқуқ моҳиятининг давлат томонидан ўрнатилган умум мажбурий ҳуқуқий ҳодиса – ҳуқуқий қонун (ҳуқуқ моҳиятига мувофиқ позитив ҳуқуқ) шаклида ифодаланишини инкор қилишга томон оғиб кетади.

Ҳуқуқнинг ҳақиқийлиги – унинг моҳият сифатидаги ҳақиқийлигига эмас, балки унинг умумий мажбурий ҳуқуқий ҳодиса сифатидаги реаллиги ҳамдир.

Либертар-юридик онтологияга кўра, ҳуқуқнинг мавжудлиги – бу ҳуқуқий қонуннинг, яъни ҳуқуқнинг объектив моҳиятини (расман тенглик принципининг хоссалари ва талабларини) ифодаловчи позитив ҳуқуқий ҳодисанинг реал, нақд борлиғидир.

Ҳуқуқ борлиғи унинг мавжудлиги ва амал қилиши ҳуқуқий моҳият билан ҳуқуқий ҳодиса ўртасидаги зарур алоқани тақозо этади. Уларнинг ўзаро боғлиқ бўлган бирлиги ижтимоий муносабатларнинг алоҳида шакли ва ўзига хос бошқарувчиси сифатидаги ҳуқуқдир.

Либертар-юридик онтология табиий ҳуқуқ тарафдорлари айтганидек, умумий мажбурий ҳодиса сифатида зоҳиран ифодаланмай, ўз-ўзича мавжуд бўлувчи қандайдир идеал моҳият ёки легистлар ҳисоблаганидек, объектив ҳуқуқни моҳиятдан маҳрум бўлган қандайдир умумий мажбурий ҳодисадир, деган бир томонлама тасаввурларга қарши қаратилган.

Либертар-юридик онтологияга кўра ҳуқуқ борлиғи, яъни расман тенглик ҳуқуқий қонунда ўз ифодасини топади. Ҳуқуқий қонунда ҳуқуқий моҳият умумий мажбурий ҳодиса сифатида, яъни қонуннинг моҳияти, позитив ҳуқуқ сифатида ифодаланади, умумий мажбурий ҳодиса (қонун) эса ўзида мазкур ҳуқуқий моҳиятни ифодалаш шаклидан иборат бўлади ва фақат шу сабабдан ҳуқуқий ҳодиса сифатида (ҳуқуқий қонун сифатида) ҳаракат қилади, мавжуд бўлади ва амал қилади.

Ҳуқуқий қонун – бу ҳуқуқ борлигининг лозим бўлган (тўлиқ, тугалланган) шаклидир, чунки моҳият ва ҳодиса фақат ушбу шаклда ўзаро алоқадорликда ва бирликдаги ҳуқуқий моҳият ва ҳуқуқий ҳодисани ифодалайди.

Либертар-юридик онтологияга кўра, расман тенглик (яъни ҳуқуқий моҳият) – бу умуммажбурий позитив ҳуқуқий ҳодиса (қонун)нинг моҳияти, умуммажбурий позитив ҳодиса (қонун) эса – бу ушбу объектив ҳуқуқий моҳият (расман тенглик) намоён бўлиши, ифодаланиши ва аниқлаштирилишининг давлат шаклидир.

Ҳуқуқ борлиғи ҳуқуқий моҳият ва ҳуқуқий ҳодисанинг зарур бирлиги сифатидаги ҳуқуқнинг одамларнинг ижтимоий турмушда тенглик, эркинлик ва адолатнинг умуммажбурий шакли сифатидаги ҳуқуқнинг ботиний ўзаро боғлиқ бир-бирини тақозо этувчи хоссалари ҳамда тавсифлари мажмуини ўз ичига олади.

Ҳуқуқий онтология ўзининг ҳуқуқий қонун борлиғи доирасида бир қатор шакллариغا эгадир. Уларга ҳуқуқий норма, ҳуқуқий

муносабат, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий шартнома, маъмурий қарор, ҳуқуқий тартиботлар ва бошқалар хосдир. Ҳуқуқ мавжуд бўлишининг бу каби барча шакллари бевосита ижтимоий фактлар бўлиб қолмай, балки расман тенглик принципининг мазмуни ва аҳамиятини аниқлаштирилиши давомидаги сифат жиҳатдан тенг расмиятчилигидир.

Ҳуқуқ юқорида қайд этилган ҳуқуқ шаклларининг барчасида мавжуд бўлиб, ҳар бири алоҳида функцияни бажаради ва ҳуқуқ борлиғи умумий мазмунида алоҳида ўрни эгаллайди.

Ҳуқуқнинг либертар-юримдик типи ҳуқуқий нормага (ҳуқуқий қонун нормасига) таяниб ва унинг ноҳуқуқий норма (ноҳуқуқий қонун нормаси) билан легистик алмаштирилишини рад этиб, ҳуқуқнинг нормативлигини юримдик тушунишни инкор этмасдан уни янада ривожлантиради.

Либертар-юримдик онтология нуқтаи назаридан вазифа ҳуқуқни нормативлаштиришдан чиқариш эмас, балки ҳуқуқий ходиса сифатида, ҳуқуқнинг мавжуд бўлиши ва амал қилиши шакли сифатида қонун нормаларини юримдиклаштиришдир.

Ҳуқуқий қонун нормаси расман тенглик ифодаланиши ва амалга оширилишининг шаклларида бири сифатида бошқа зарур ҳуқуқий шакллар билан нисбатан ўзаро алоқада ва муносабатларда бўлиш орқали ҳуқуқ борлигининг умумий маконида ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди.

Давлатимиз тарихи ва ҳозирги куни, унинг мустақилликка эришганлиги, ҳамда мустабидлик, қарамлик, деспотизм ва тоталитаризмдан холос бўлиши тарихий заруриятдир. Халқимизнинг ўз ҳуқуқига эга бўлиши, адолатли демократик-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида бир мунча қийинчиликлар, зиддиятларни бартараф этиш, катта куч ва собитқадамлик билан ўз йўлимиздан бориш, жамиятимиз келажаги порлоқ эканлигини чуқур ҳис этган ҳолда мустақил давлатчилигимизни янада мустаҳкамлаш ҳозирги даврнинг энг муҳим вазифаларидандир. Ҳуқуқнинг борлиғи ва унинг ривожланиши ижтимоий-тарихий жараён сифатида ўзининг объектив қонуниятларига эга. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий онтология таълимотига кўра, уларни табиатдан ташқарида мавжуд бўлган кучлар томонидан ҳуқуқнинг тайёр тамойиллари билан биргаликда ғойибона пайдо бўлиш ғояси ноилмий ғоялар сирасига киради.

Ҳуқуқий онтология ҳуқуқ борлиғи ва ҳуқуқнинг мазмуни, моҳиятини ҳуқуқнинг ўзидан ажратиб ўрганмайди. Аксинча,

ҳуқуқий ҳодиса ва ҳуқуқнинг моҳиятини бир-бири билан боғлиқ ҳолда ўрганади.

Ҳуқуқ фақатгина ижтимоий-сиёсий ҳодиса бўлиб қолмай, балки маданий ҳодиса, маданиятнинг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Ҳуқуқ ва ҳуқуқ борлигининг асосий хусусиятларидан бири, унинг умумбашарий маданиятининг бир қисми эканлигидадир. Ҳуқуқий онтология ва ҳуқуқий маданият тушунчалари мазмунан яқин тушунчалар ҳисобланади. Чунки ҳуқуқ борлигининг асосини ҳуқуқий маданият ташкил этади. Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас, балки қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир. «Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши, - деб таъкидлайди Ислом Каримов, - ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Шу билан бирга ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади»¹

Ҳуқуқий маданият тушунчаси ҳуқуқий онтологиянинг, яъни ҳуқуқ борлигини ифодаловчи тушунчалардан биридир. Мазкур муаммони алоҳида тадқиқ этиб, У. Таджихонов ва А. Саидовлар шундай дейди: «Жамият ҳуқуқий маданиятининг моҳиятини ҳуқуқий кадриятларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш даражаси деб тушуниш уни ҳуқуқий онг ва хулқ-атворининг муайян даражада ривожланиши билан боғлайди. Ҳуқуқий маданиятни ошириш шунчаки қонуний хулқ-атворнигина эмас, балки бу соҳада ижтимоий фаол хулқ-атворни ҳам таъминлашни тақозо этади. Қонунга хилоф хулқ-атворни, қонунга хилоф фаолиятнинг жамият ҳуқуқий маданияти тушунчасига киритиш асоссиздир».²

Ҳуқуқ фалсафасининг асосий принципларидан бири ҳуқуқнинг қонун ва қонун нормалари сифатида муайян сиёсий-ҳуқуқий вазифани бажаришидир. Юқорида қайд этилган ҳуқуқ мавжудлигининг шакллари ҳуқуқий фанлар муаммолари бўлишидан ташқари ижтимоий-сиёсий фанлар, фалсафа фанининг муаммоларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳуқуқ фалсафасининг ҳуқуқ борлиғи таълимотида масалага алоҳида эътибор бериш

¹ Каримов.И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.1998., – Б. 127.

² Таджиханов У, Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т.1. – Т.,1998. – Б.139.

мақсадга мувофиқдир. Умуман ҳуқуқий ҳодисалар, шакллар деганда фақат юқорида қайд этилганлар билан чекланиб қолмаслик керак. Модомики ҳуқуқ борлиғи, унинг моҳияти ҳақида гап кетар экан, унинг объективлигини эътироф этмоқ жоиздир. Ҳуқуқ борлигининг объективлигига зид бўлган ноҳуқуқий қонунлар ҳам жамият тарихий таракқиётида учраб туради, хусусан тоталитар тизим шароитида ноҳуқуқий қонунлар расман жамиятда адолат, тенглик, инсонларни ҳимоялашга қаратилган бўлса-да, ўз моҳият эътибори билан эса ҳукмрон ижтимоий гуруҳлар, сиёсий тизим манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган бўлади. Қадимги Рим ҳуқуқшуноси Павелнинг таъкидлашича «ҳуқуқ қоидадан (гедива) эмас, балки мавжуд ҳуқуқий нормалардан қоидалар шакллантирилмоғи лозим»¹. Қоидалар, урф-одатлар, анъаналар миллий маънавий қадриятларнинг ажралмас бир қисми сифатида позитив ҳуқуқнинг мавжудлик шакли билан боғлиқ бўлади.

Ҳуқуқий онтологиянинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири шундаки, ҳуқуқий нормалар мавжуд давлат томонидан қабул қилинган қонун ва қоидалар асосида шаклланадими, ёки мазкур қонун ва қоидалар ҳуқуқий нормаларни шакллантирадими? - деган масаладир.

Ҳуқуқий легизм таълимотига кўра, мавжуд қонун-қоидалардан ҳуқуқий нормалар юзага келади. Фақатгина ҳокимият томонидан ўрнатилган нормалар (қоидалар, тартиблар) ва қонунлар ҳуқуқни келтириб чиқаради ва унинг борлигини таъминловчи асосий омил ҳисобланади. Ҳуқуқнинг моҳиятини бундай легистикларча тушуниш ҳуқуқни ҳокимият томонидан қабул қилинган нормалар мажмуидан иборат қилиб кўяди. Бошқача айтганда, ҳуқуқий борлиқ бу расман истеъмолда бўлган позитив ҳуқуқ бўлиб, мавжуд қоидалар, талаблар йиғиндисидан иборат. Бундай концепция моҳиятига кўра тавтологик характерга эга бўлиб, легистлар томонидан ҳуқуқ борлигининг нормативлиги деб эътироф этилади. Легистлар нуқтаи назаридан ҳуқуқ – бу ҳуқуқ ва «норматив ҳужжатлар» йиғиндисидан иборатдир. Ҳолбуки, ҳуқуқ ва «норматив ҳужжатлар» айна тушунчалардир. Ҳуқуқни бундай таърифлаш фикримизча, фалсафа ва мантиқ қонунларига зид ҳисобланади ва бундай таърифлашни «инсон – бу одамсимон мавжудотдир» қабилдаги таърифларга ўхшатиш мумкин.

¹ Қаранг: *Пашуканис Е.Б.* Избранные произведения по общей теории права и государства. – М., 1980, – С 78.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқни легистик норматизациялаш ва уни этатизациялаш ҳуқуқнинг объектив моҳиятини инкор этиш туфайли содир бўлади. Қонун, ҳуқуқ нормалари мавжуд позитив ҳуқуқнинг муҳим ҳужжатларидан бири бўлиб, ҳуқуқ борлиғини белгиловчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

Ҳуқуқий нормалар талабига кўра, асосий масала бу – қонун нормаларини денорматизациялаш эмас, балки уларни юридизациялашдир. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ҳуқуқий-демократик давлатдан фуқаролик жамияти сари ривожланаётган даврида, ҳуқуқий нормалар ва қонунларнинг объектив моҳияти ва мазмуни, уларнинг фалсафий борлиғини тушуниш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда қонунчилик асосларининг барқарорлиги принципига қатъий амал қилинмоқда. Қонунчилик фаолиятининг бутун тизими, яъни қонунларни тайёрлашга, ҳамда амалдаги қонунларни ислохотлар йўлидан жўшқин илгарилаб борилаётганлигини ва ўзгариб турган шароити ҳисобга олган ҳолда, такомиллаштиришга қаратилган.

Биринчи саволга хулоса қилиб шуни таъкидлашимиз мумкинки, ҳуқуқий борлиқ онтологиянинг ажралмас таркибий қисмларидан бири бўлиб, ҳуқуқ борлиғи – бу ҳуқуқий моҳият ва ҳуқуқий ҳодиса ўртасидаги зарур алоқани тақозо этиб, уларнинг бирини-иккинчисидан ажралмаган ҳолда мавжуд бўлиши, ҳар қандай қонун ҳуқуқий ҳодиса сифатида ўзининг ҳуқуқий моҳиятига эга бўлган ҳолда мавжуд бўлиши ва амал қилишини эътироф этади.

Юқорида қайд этганимиздек, ҳуқуқий онтология ҳуқуқий гносеология билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини тўлғазади. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий гносеология нима, – деган саволга ойдинлик киритишимиз лозим. Ҳуқуқий гносеология тўғрисида режада белгиланган иккинчи саволга тўхталамиз.

2. Ҳуқуқий гносеология билишнинг ўзига хос шакли сифатида

Ҳуқуқий гносеологиянинг мазмун ва моҳиятини билишдан аввал, гносеологиянинг фалсафий таҳлилини яхши англамоқ зарур. Гносеология юнонча «gnosis» билим, «logos» «таълимот» сўзларидан олинган бўлиб, билиш тўғрисида таълимот маъносини англатади. Гносеология билиш имкониятлари, билимларнинг воқеликка муносабати, билишнинг асослари ва уларнинг қанчалик ишончли ва

ҳақиқий эканлигини ўрганувчи таълимот сифатида фалсафа фанининг таркибий қисмларидан бирини ташкил қилади. Шунингдек, гносеология фалсафа фанининг асосий функцияларидан бири бўлиб ҳам ҳисобланади. Умуман ҳар қандай фан маълум маънода ана шу функцияни бажаришга қаратилган бўлади. Чунки фаннинг муайян предмети, объекти мавжуд экан, демак унинг моҳиятини тўғри тушунтириб бериш, сифат белгиларини, алоқаларини, хоссаларини изоҳлаш, уни билиш шу фаннинг асосий вазифаларидандир.

Ҳуқуқий гносеология фалсафанинг таркибий қисми бўлган гносеологиянинг алоҳида шаклларида бири бўлиб, ҳуқуқни ўзига хос ижтимоий объект сифатида унинг назарий муаммоларини билишдан иборатдир. Ҳуқуқий гносеологиянинг таълимот сифатида асосий вазифаси, ҳуқуқ ва ҳуқуқий ҳодисалар ҳақида ҳаққоний билимга эга бўлиш ҳамда ҳуқуқий жараёнларни билишнинг шарт-шароитларини, манбаларини ўрганишдан иборатдир.

Ҳуқуқ фалсафасида ҳуқуқий гносеология масаласига ҳам, ҳуқуқий онтология сингари 3 хил ёндашув мавжуд.¹ Булар легистик гносеология табиий-ҳуқуқий гносеология, либертар-юримдик гносеология. Бу ёндашувларга алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Легистик гносеология асосида ҳуқуқни фақат расман ҳокимиятнинг буйруғи, бажарилиши шарт бўлган мажбурловчи кўрсатма сифатида эътироф этиш ва билиш принципи ётади. Легистик гносеологияга асосан: 1) расман ҳокимият буйруқларининг бажарилиши шарт бўлган мажбурловчи кўрсатмаларнинг турлари, шакллари, манбаларини аниқлаш, таснифлаш ва тизимга солиш; 2) қонун чиқарувчининг фикрини, нуқтаи назарини, яъни расман ҳужжат матнида ифодаланган ҳокимиятнинг тегишли буйруқларининг норматив-регулятив мазмунини ойдинлаштиришдан иборат деб билади.

Легистик гносеологияга мувофиқ, ҳуқуқ тўғрисидаги ҳақиқат қонун чиқарувчи (давлат)нинг иродаси, нуқтаи назари, фикрини ифодаловчи қонунда берилган.

Легистик гносеология амалдаги ҳуқуқнинг ёки қонуннинг моҳиятини билишга эмас, балки унинг муқобил баён этилишига

¹ Қаранг: *Нерсеянц В.С.* Ҳуқуқ фалсафаси. – Т., 2003. – Б. 82-87.

йўналтитрилганлигидадир. Ҳуқуқни бундай тушунишга мувофиқ ҳуқуқ тўғрисидаги барча билимлар позитив ҳуқуқнинг ўзида расман берилган ва ҳуқуқ тўғрисидаги легистик таълимотнинг асосий муаммоси қонун матнини тўғри аниқлаш ва талқин қилишдан ҳамда қонун чиқарувчининг ушбу матндаги мавжуд расман ҳуқуқий билимларини зарур даражада баён этишдан иборатдир. Бунда ҳуқуқ гносеологияси муаммоси кўп жиҳатдан расман ҳужжат матнини тўғри лингвистик таҳлил этиш масаласига бориб тақалади.

Табиий-ҳуқуқий гносеология ўзида ҳуқуқнинг объектив табиати-ни англашга, унинг ҳақиқатига етишга илк назарий (фалсафий-ҳуқуқий, илмий) уринишни ифодалайди. Билишнинг бу йўли ҳуқуқни назарий тушуниш ва ўрганиш соҳасида фикрлаш билан боғлиқ шарт-шароитлар ҳамда бирламчи билиш схемаси сифатида табиий ва позитив ҳуқуқни фарқлашга олиб келади.

Табиий-ҳуқуқий гносеологияда табиий ҳуқуқни сунъий (позитив) ҳуқуққа қарама-қарши қўйиш принципи ёки ўзгармас табиий ҳуқуқдан ўзгарувчан позитив ҳуқуқнинг фарқи масаласи табиий ҳуқуқ тўғрисидаги барча тасаввурларнинг умумий назарий билиш асоси ҳисобланади. Бу принцип уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш билан бирга «табиийнинг», «сунъийдан» сўзсиз устунлигини эътироф этишни ўз ичига олади.

Табиий ҳуқуқ тарафдорларининг фикрича, табиий ҳуқуқ аввал бошдан тўғри, ҳақиқий ва ахлоқий бир сўз билан айтганда яхшидир, сунъий (позитив) ҳуқуқ эса иккиламчи ёмон, нотўғри, ҳақиқий эмас, табиий ҳуқуққа мос келишлигини агар, мос келмаса сиқиб чиқарилиши ёки тўғирланиши, табиий ҳуқуққа мувофиқлаштирилиши лозимдир.

Табиий-ҳуқуқий гносеологияда табиий ҳуқуқнинг позитив ҳуқуқ билан фарқини уларнинг бир-бирига зидлигини, табиий ҳуқуққа тегишли бўлган тахминларнинг ҳақиқий ва чинлигини асослашга қаратилганлигидир.

Либертар-юримдик гносеология асосида ҳуқуқ ва қонуннинг фарқланиши ҳамда нисбатининг мос келиши ёки келмаслигининг умумий назарияси ётади. Ушбу назария назарий жиҳатдан ривожланган шаклда ҳуқуқни моҳият ва ҳодиса сифатида тушунишнинг барча асосий ҳамда билишнинг аҳамиятли жиҳатларини ифодалайди.

Либертар концепция назарий билиш жиҳатдан муайян ҳуқуқ тушунчаси кўринишида қонун (позитив ҳуқуқ) тўғрисидаги билимлар ва ҳақиқатни назарий англаш ва ифодалашнинг зарур

гносеологик модели сифатида амал қилади. Расмий тенглик унинг моҳияти ва принципи ҳисобланади.

Либертар гносеология марказида ҳуқуқ ва қонун алоқаси, ҳуқуқнинг объектив хоссаларини тушуниш ва талқин этиш муаммолари, ҳуқуқий қонун тушунчаларини ишлаб чиқариш масалалари туради. Шунингдек, қонунни (позитив ҳуқуқни) ҳуқуқий ҳодиса сифатида тушуниш, унинг хоссаларини таҳлил этиш билан биргаликда, унинг (қонуннинг) умумий мажбурийлиги муаммосини тўғри талқин этишни, унинг давлат ҳимояси билан таъминланганлигини, ҳуқуқбузарларга нисбатан мажбурлаш чоралари қўлланилиши мумкинлигини ва бошқаларни ўз ичига олади. Юридик гносеологияга мувофиқ, қонун (позитив ҳуқуқ) санкцияларининг бундай ўзига хослиги қонун чиқарувчининг иродаси билан эмас, балки ҳуқуқнинг объектив табиати билан белгиланади. Бундай санкция фақат ҳуқуқий қонун бўлган тақдирдагина қонуний ва юридик асосланган бўлишни англатади.

Либертар гносеология асосан давлатни расман тенглик принципини ифодаланиши ва амал қилишнинг институциявий ҳукмрон шакли сифатида ҳуқуқий тушунишнинг муҳим йўналиши ва таркибий қисми ҳисобланади.

Ҳуқуқий гносеологиянинг назарий асосини ва унинг асосий ғоясини мавжуд ҳуқуқий нормаларни билиш илмий, фалсафий-ҳуқуқий жиҳатларини назарий асослаш, уларнинг объектив табиатини англашга интилиш ва ҳақиқатга эришиш йўлларини тушунтиришдан иборатдир.

Ҳуқуқий гносеологиянинг асосини ҳуқуқни билиш, ҳуқуқий ҳодиса ва жараёнларни тўғри ҳал қилиш масалалари ташкил қилар экан, бунда яъни ҳуқуқий билиш жараёнида объект ва субъект масалаларини тўғри тушуниб олмоқ зарурдир. Ҳуқуқий билишни унинг объекти ва субъектисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ҳуқуқий билишнинг объектини жамиятдаги бир бутун ҳуқуқий муносабатлар, жараёнлар, ҳодисалар, ундаги қонун ва қонун ости ҳужжатлар, ҳуқуқий акт ва нормалар ҳамда мана шу ҳуқуқий муносабатларга у ёки бу ҳолда таъсир этувчи барча объектив омиллар ташкил қилади.

Ҳуқуқий билишнинг субъектини инсон ташкил қилади, фақат инсонгина ўзининг онги туфайли, ўзидан ташқарида мавжуд бўлган ҳуқуқий ҳодисаларга ўз муносабатини билдиради. Фақат билдирибгина қолмасдан, уни такомиллаштириб ва ривожлантириб боради.

Ҳуқуқий ҳодисаларни билишда субъектнинг роли жуда каттадир. Субъект моддий оламдаги ҳуқуқий ҳодисаларни ўз онгида акс эттирибгина қолмай, объектга фаол таъсир этиб, уни ўзлаштиради, жамият манфаатларига хос равишда мувофиқлаштиради ва такомиллаштириб боради. Бундан ҳуқуқий муносабатлар, қонунлар ва нормалар субъективдир, инсонлар уларни қандай хоҳласалар шундайлигича яратадилар, - десак нотўғридир. Ҳуқуқий қонун ва нормалар объективдир, чунки уларнинг вужудга келиши, яратилиши жамиятнинг объектив қонуниятларидан келиб чиқади. Инсонлар мана шу объектив қонуниятларга мос ҳолда уни такомиллаштириб ва ривожлантириб боради.

Ҳозирги замон гносеология таълимотида билишнинг объекти ва билиш предмети тушунчаларини бир-биридан фарқлаш лозим. Худди шундай ҳуқуқий гносеологияда ҳам билиш объекти ва унинг предметини бир-бирлари билан айнанлаштирмаслик керак. Ҳуқуқий гносеологияда билиш объекти – юқорида қайд этиб ўтганимиздек, жамиятнинг ҳуқуқий тизими таркибига кирувчи, ҳуқуқ билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатлар ва жараёнлар ташкил қилади. Билиш жараёнида ҳуқуқий борлиқнинг бир бўлаги эса, инсон тафаккурининг ақл-заковатининг марказида бўлади. Демак, ана шу бўлак ҳуқуқий билишнинг объекти бўлади. Ҳуқуқий гносеологияда объект бу шунчаки инсон онгида, тафаккурида ўз ифодасини топиш билан чекланадиган ҳодиса эмас, балки мазкур объект, субъект-объект муносабатлари натижаси ўлароқ, билиш субъектининг маълум маънода, мулкига айланади. Ҳуқуқий гносеологиянинг объектини шартли равишда икки турга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Биринчидан, инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд борлиқ, яъни объектив борлиқ. Бу объектив борлиқ субъект онгидан ташқарида бўлиб, унинг борлиғи эса субъект фаолиятига боғлиқ бўлмайди. Иккинчидан эса, субъект онги билан маълум муносабатда бўлган борлиқ бўлиб, бу борлиқ эса объект-субъект муносабатларида намоён бўлади.

Ҳуқуқий билишнинг предметини, инсон тафаккури йўналтирилган бирор- бир ҳуқуқий жараённинг конкрет жихатлари, маълум ҳуқуқий ҳодиса ва жараёнларнинг ички моҳияти ва ривожланиш қонуниятларини очиб бериш ташкил қилади. Бу жараён кўпроқ эмпирик билиш босқичи билан боғлиқ бўлади.

Ҳуқуқий ҳодисаларни билишда билиш субъекти бўлган инсон, уз амалий фаолиятининг натижалари билан кўпроқ тўқнаш келади.

Дейлик, жиноятчининг жиноят содир этиши ҳам жиноятчи субъектининг амалий фаолиятidir. Демак, шахс, яъни жиноятчи билиш субъекти бўлиш билан бир қаторда ҳуқуқий билиш жараёнининг объекти ҳам ҳисобланади.

Ҳуқуқий гносеологияда субъект-объект муносабатлари ва ўзаро таъсири асосида субъектни объектга айланиши ва аксинча, объектни субъектга ўтиши каби диалектик ўзгарувчанлик ҳам содир бўлади. Ана шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳуқуқий жараёнларни билишда объект ва субъект муносабатлари, уларнинг диалектикаси мураккаб ва зиддиятли характерга эга. Ҳуқуқий гносеологияда объект айна пайтда субъект сифатида намоён бўлади. Жамият ходисаларини билишнинг асосида инсон туради. Ҳуқуқий жараёнларни билиш эса инсон борлиғи, ҳаёти, унинг моҳияти, ҳис-туйғулари каби муаммолардан ташқари, ўзининг асосий масаласи сифатида шахс эркинлиги, унинг манфаатлари ва ҳуқуқий, қонунчилик, давлатчилик билан боғлиқ сиёсий-ҳуқуқий жараёнларни ўрганади. Ҳуқуқий билишнинг асосий вазифаларидан бири жамиятда мавжуд қонунчиликка риоя қилиш жараёнларини таҳлил этишдан иборат бўлади.

Ҳуқуқий гносеологияда юқорида қайд этиб ўтилганидек, ҳуқуқий билиш жараёни билиш объекти ва билиш субъектларининг ўзаро муносабатларидан ташкил топади. Бироқ, бундай ўзаро муносабатлар мураккаб ҳуқуқий ходисаларнинг билиш имконини ҳар доим ҳам беравермайди. Шунинг учун ҳам бу икки тизимга кўшимча, учинчи бир тизимни мавжуд бўлиш зарурияти пайдо бўлади. Уни биз қисқача қилиб билиш воситалари деб атаёмиз. Ҳуқуқий билишда, билишнинг воситаларига махсус техникавий воситалар, приборлар, гувоҳлар, сўроқ варақалари ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ҳуқуқий билишда, билиш воситаларидан фойдаланиш билиш жараёнининг самарадорлигини оширади. Билвосита билиш кўп ҳолларда бевосита билишга нисбатан ўзининг бир қатор афзалликларига эгадир. Хусусан, билиш жараёнида техникавий қурилмалардан, шунингдек жабрланувчи, гувоҳлар, ашёвий далиллар, маълумотлардан фойдаланиш, биринчидан, билиш объектини (жиноий иш, жиноятлар содир этилган жой ва х.к.) ҳали билиш субъектига маълум бўлмаган ва «кўз илғамайдиган» томонларини субъект томонидан инъикос этиши имконини беради. Иккинчидан, билиш жараёнини тезкорлик билан амалга оширишни таъминлайди.

Учинчидан, объектни моҳиятини баҳолашда, субъектни нообъектив-лигининг олдини олади, унинг субъективистик ёндашишига йўл қўймайди. Тўртинчидан, билиш субъектини жисмоний ва ақлий имкониятларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш имконини беради.

Бундан ташқари ҳуқуқий ҳодисаларни билиш жараёни ўзида бошқа муҳим категорияни ҳам мужассам этади. Ана шундай категориялардан бири, «информацион тизим» тушунчасидир. Умуман бу тушунча кибернетика, фалсафа, математика ва бошқа аниқ фанларда, шунингдек, ҳуқуқий гносеологияда мазмун ва моҳият жиҳатидан бир хил тушунча сифатида ишлатилса-да, аммо улар ўртасида муайян тафовутни ҳам инкор этмаслик керак. Ижтимоий-сиёсий жараёнларни билишда ва айниқса ҳуқуқий ҳодисаларни таҳлил этишда ҳам «информация» тушунчаси билан бирга «маълумот», «ахборот», «қўлга киритилган натижа» каби тушунчалар кенг қўлланилади. Ҳуқуқий жараёнларни билиш ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларга оид информациясиз амалга ошмайди. Бу ўринда илмий тафаккурнинг роли бекиёс каттадир.

Ҳуқуқий информация деб, бевосита ҳуқуқий ҳодисалар билан боғлиқ бўлган ва уларни моҳиятини билишда муҳим рол ўйнайдиган маълумотларга айтилади.

Ҳуқуқий билишда объект ва субъект муносабатларида аввало ҳиссий билишнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки объект ҳақидаги бирламчи, илк маълумотлар аввало инсон сезгилари, орқали қабул қилинади. Масалан, жиноят содир этилиши ҳақидаги бирламчи маълумотдан бошлаб, токи жиноят бевосита содир этилган жойни бирламчи кўришгача бўлган даврни оладиган бўлсак ёки ашёвий далилларни қиёслаш, ўлчаш, кузатиш, эксперимент қилиш, моделлаштириш ва бошқалар ҳуқуқий билишнинг асосан ҳиссий билиш босқичида амалга оширилади. Бундай билиш жараёнида инсон сезгилари орқали субъект билан объектив реаллик ўртасида бевосита ўзаро диалектик алоқа ўрнатилади.

Ҳуқуқий гносеологияда информацион тизимдан ташқари илмий билишнинг эмпирик ва назарий методлари ҳам кенг қўлланилади. Ҳуқуқий гносеологияда методлар ва методология муаммоларидан ташқари ҳуқуқий билиш назариясининг ривожланиши мантиғи ва унинг уюшганлик характериға қараб қуйидаги иккита муҳим босқичларға ёки даражаларға бўлиб ўрганиш лозим. Биринчидан, ҳуқуқий жараёнларни билишнинг эмпирик босқичи. Бу босқич

Ўрганиладиган объектлар ёки уларнинг хоссалари ҳақидаги информациялар, фактларни тўплаш жараёни ўз ичига олади. Бу босқичда кузатиш, таққослаш, ўлчаш ва экспериментлар кенг қўлланилади. Ҳуқуқий жараёнларнинг билишнинг эмпирик босқичини ўзига хос жиҳати шундаки, айниқса бу ҳолни ички ишлар идоралари ходимлари амалиётида кузатиш мумкин. Яна бу босқичда бирор нарса ва ҳодиса ҳақидаги янги тушунчалар, фаразлар, тусмоллар асосида бирламчи билимлар билимлар муайян тизимга ва тартибга солинади. Бу тизимийлик жадваллар, схемалар, кайднома-рўйхатлар, графиклар шаклида амалга оширилади.

Ҳуқуқий гносеологияда ҳам ҳуқуқий ҳодисаларни билишда ҳиссий тажрибанинг роли мутлақлаштирилади. Табиийки, ҳуқуқий эмпиризм¹ ҳуқуқий билишнинг асоси бўлиши билан бирга, мазкур методни, рационализмга² қарши қўйиш, билиш назариясида бир ёқламаликка олиб келади. Ҳуқуқий билиш эмпирик ва рационал билиш даражаларининг диалектик бирлигига асосланади.

Иккинчидан, сиёсий-ҳуқуқий жараёнларни билишнинг муҳим ва мураккаб босқичларидан бири назарий билиш босқичи ҳисобланади.

Ҳуқуқий гносеологиянинг бу босқичининг ўзига хос хусусияти шундаки, бу босқичда эмпирик билимлар босқичида, ҳиссий сезгилар орқали олинган билимлар, маълумотларнинг мужассамининг олий шакли амалга ошади ва шу асосда янги илмий назария шаклланади.

Ҳуқуқий билишнинг муҳим шарт-шароитларидан бири фактларни аниқлаш бўлиб, унда факт тушунчаси муҳим аҳамият касб этади. Факт атамаси лотинча *factum* – сўздан олинган бўлиб, бўлган воқеа, бор нарса, ҳақиқат деган маънони англатади. Факт – субъект тафаккури доирасидаги унинг билимлар тизимидаги борлиқнинг бир фрагменти, бўлаги бўлиб ҳисобланади. Факт кундалик ҳаётда ҳақиқат, ҳодиса, натижа маъносида қўлланилади. Ҳуқуқий билишда факт деб, ҳаққонийлиги исботланган эмпирик билимга айтилади. Профессорлар А.Саидов ва У.Таджиханов юридик фактларни атрофлича таҳлил этиб, қуйидагича таърифни берадилар: «Юридик

¹ Эмпиризм – юнонча– «эмпирия» - тажриба сўздан олинган бўлиб, аклий билишнинг ролига етарли баҳо бермайдилар ва ҳиссий тажрибагина инсонга дунёнинг чинакам манзарасини яратиш беради деб ҳисоблайдилар.

² Рационализм – билиш жараёнида аклий билишнинг ролини мутлақлаштирилади.

фактлар – ўзига хос ҳаётий ҳодисалар бўлиб, қонун ва ҳуқуқий нормалар уларни юридик оқибатларининг юзага келиши, ўзгариши ёки бекор қилиниши билан боғлайди. Ҳар бир юрист амалий фаолиятининг бош вазифаларидан бири юридик фактларни аниқлаш ва тасдиқлашдир. Бусиз қонунларни тўғри қўллаш, фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, низоларни ҳал этиш, қонунбузарлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш мумкин эмас».¹ Муаллифлар юридик фактни, назаримизда *ҳодисалар* ва *ҳаракатларга* бўлиб, уларни юридик фактларни инсонларнинг хоҳиш-иродасига кўра турлари эканлигини тўғри баҳолайдилар. Инсоннинг хоҳиш ва иродаси асосида вужудга келадиган юридик фактларнинг турлари бўлмиш ҳаракатлар ҳам ўз навбатида ҳуқуқий ва ноҳуқуқий ҳаракатларга, юридик ҳаракатлар ва юридик қилмишларга бўлинади.² Бундан кўриниб турибдики, ҳуқуқий гносеологияда юридик факт тушунчаси асосий категориялардан бири бўлиб, ҳуқуқий билиш жараёнида ўз ўрнига эга.

Агар, факт тушунчасини жиноий жараёнлар фаолияти мисолида кўрадиган бўлсак, факт бу – объектив, терговчи онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган ҳодисалар, ҳаракатлар, ёки ҳаракатсизлик унинг натижалари тушунилади. Факт сифатида маълум вазиятда кишининг жиноят билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракати, таниш – билишлар билан учрашиши, баъзи жойларга бориб туриш ва бошқа шахар ва қишлоққа кетиб қолиши, жиноий иш билан боғлиқ бўлган нарсани сотиб олиш ва ҳоказолар тушунилади. Айниқса жиноий ишларни ўрганиш, уларни олдини олиш ва уларга қарши курашиш фактларга астойдил, жиддий ёндашишни талаб этади.

Фактлар, аввало баъзи бир жиноий ишнинг таркибига, моҳиятига бевосита боғлиқ бўлгандагина мазкур жиноий иш учун аҳамияти бўлади. Бунинг учун эса фактларни танлаш, таснифлаш, умумлаштириш ва тушунтириш керак бўлади. Биз шу ўринда ҳуқуқшунос олимлари А.Саидов ва У.Таджихановларнинг юридик фактларга берган таснифини келтириш ўринли деб ҳисоблаймиз. Мазкур таснифланиш ўзининг учта таркибий қисмига эгадир. Биринчидан, юридик фактларни миқдорий таркибига кўра таснифлаш, иккинчидан, юридик фактларни инсон хоҳиши ва

¹ Саидов А. У. Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. – Т., 1999. – Б.57.

² Каранг: Ўша асар.

истаклари, яъни иродали асосига кўра таснифлаш, учинчидан, фактларни юридик оқибатларига кўра таснифлаш.

Ўз навбатида юридик фактларни миқдорий таркибига кўра оддий ва мураккаб юридик турларга бўлиш мумкин. Миқдорий таркибига кўра, оддий таркибли юридик фактлар: ҳуқуқий нормаларни бажариш ҳаракатлари, ҳуқуқий нормаларни қўллаш ҳаракатлари ва ҳуқуқий нормалардан фойдаланиш ҳаракатларига бўлинади.

Юридик фактларни инсон хоҳиш истагига кўра юқорида қайд этганимиздек воқеа ва ҳаракатларга бўлинади. Ҳаракатлар, муаллифлар таъкидлаганидек, қонуний ва ноқонуний, юридик ва маъмурий, жинойтлар, маъмурий актлар, битимларга бўлинади.

Юридик фактларнинг ҳуқуқ амалиётида қўлланиши натижаларига кўра эса, таъсис этувчи ҳуқуқ ва бурчларни ўзгартирувчи, ҳуқуқ ва бурчларни тўхтатувчи турларига бўлиш мумкин.¹ Мазкур юридик фактларнинг таснифи республикамиз ҳуқуқшунос олимлари томонидан келтирилган энг мукамал ва қомусий таснифлардандир.

Шундай қилиб, ҳуқуқий факт деб, ҳуқуқий жараёнларда мавжуд бўлган ёки бўлиши мумкин бўлган белгилар, ходисалар, нарса ва жараёнлар ҳақидаги фикрга айтилади.

Ҳуқуқ фалсафасида фактнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлади. Биринчидан, билиш субъекти онгига, иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиши, яъни фактнинг моҳиятига кўра объективлиги. Иккинчидан, ҳар қандай фактни билиш мумкинлигини ва билиб бўлмайдиган фактларнинг бўлмаслиги. Учунчидан фактнинг алоҳидалик мақомида бўлиши ва объектив воқеликда мавжуд бошқа фактлар билан боғлиқлиги.

Фактлар ва улар белгиларининг аниқланиши, улардан фойдаланиш усуллари, шакллари турлича бўлади;

а) баённома шаклида; б) овоз ёзиш; в) кино-теле, видеотасвирга олиш; г) суратга олиш; д) кўргазмали – графика усули ва бошқалардан фойдаланиш.

Фактлар объектив воқелик сифатида – жинойий ишни билишда бирламчи ва улар ҳақидаги маълумотлар эса иккиламчи бўлади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейинги даврда қабул қилинган қонунлар фактлар ҳақидаги маълумотларни уларнинг манбаларига қарама-қарши қўймайди.

¹ Каранг: Ўша асар.

Қонун фактлар ҳақидаги маълумотлар билан уларга эга бўлиш манбаларини бир-бирига қарама-қарши қўймайди. Кенг маънода билимлар манбаи, яъни маълумотлар манбаи инсонни ўраб турган объектив воқеликдир. Билиш жараёнида инсон объектив воқеликдаги мавжуд нарса ва ҳодисалар, уларнинг белгилари ҳақидаги маълумотларга эга бўлади.

Фактлар ҳақидаги манбалар ҳуқуқий гносеологиянинг муҳим муаммоларидан бири сифатида бир неча туркумларга бўлинади.

Биринчи туркумга ҳуқуқий ҳодисани билиш жараёнида қонун ва бошқа норматив ҳужжатлар асосида шахсларнинг берган маълумотлари киради. Бу маълумотларни гувоҳлар, жабрланувчилар, айбланувчилар, гумон қилинувчи шахслар беришлари мумкин. Бу маънода терговчи ёхуд тезкор-қидирув ходими учун бирламчи маълумот берадиган шахс маълумотларнинг биринчи манбаларидан ҳисобланади. Терговчи диққат билан, бирламчи маълумотларни таҳлил этиш орқали маълумот берган шахснинг ўзини ҳам яхши ўрганиши керак, чунки олинган маълумотнинг нақадар ҳаққоний ёки ҳаққоний эмаслиги, маълумот берган шахснинг кимлиги, унинг турмуш тарзи ва ҳоказолар билан боғлиқ.

Фактлар ҳақидаги маълумотларнинг *иккинчи* туркумига эксперт ҳайъатининг маълумотлари киради. Эксперт учун эса бирламчи манба бу кишилар, нарсалар, ҳужжатлар, ҳайвонот, излар ва ҳоказолар бўлса, терговчи учун эса, эксперт ҳайъатининг хулосаси бирламчи манба ҳисобланади. Шунингдек, фактлар ҳақидаги маълумотларнинг манбаига у ёки бу ҳуқуқий ҳодисага тегишли ҳужжатларда қайд этилган маълумотлар ҳам киради. Бунга жумладан, тавсиянома, қайднома, баённома қайд этиш варақалари, ҳисоб варақалари, тўлов ҳақидаги варақа ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Фактлар ҳақидаги маълумот манбаларининг юқорида қайд этилган турларининг умумфалсафий жиҳати шундаки, уларнинг барчаси объектив воқеликни инъикос этади ва мазкур воқеликка нисбатан иккиламчи характерга эга бўлади. Ҳуқуқий билишнинг яна бир манбаи, бу ашёвий далиллар сифатида қўлланиладиган моддий объектлардир. Мазкур объектларда предмет ва ҳодисалар ҳақида ахборот мавжуд бўлади.

Иккинчи саволга хулоса қилиб шуни қайд этишимиз мумкинки, ҳуқуқий гносеология жамиятнинг ҳуқуқий тизимида вужудга келадиган барча муаммоларнинг мазмун ва моҳиятини билиш

мумкинлигини эътироф этиб қолмай, уларнинг кейинги ҳолатини олдиндан айтиб бериш хусусиятига ҳам эгадир. Ҳуқуқий гносеология фақат ҳуқуқий онтология билан эмас, балки ҳуқуқий аксиология билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

3. Қадриятлар тизимида ҳуқуқий аксиологиянинг ўрни

Аксиология фалсафий ва ҳуқуқий тушунча сифатида онтология ва гносеология билан боғлиқдир. Аксиология – қадриятларнинг объектив борлиқдаги ўрни, уларнинг тузилиши ва табиати тўғрисидаги фалсафий таълимот. Умуман аксиология атамаси илк бор француз файласуфи П.Лапин томонидан 1902 йили ва немис файласуфи Э.Гартман томонидан 1908 йилларда қўлланилган. Қадриятлар аксиологик таълимотларга кўра аввало ҳуқуқий ва теологик категориялар ҳисобланади. Қадриятларнинг турли хил кўринишлари мавжуд, жумладан ахлоқий, эстетик, диний, ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва бошқалар.

Ҳуқуқий аксиологиянинг предмети – ҳуқуқни қадриятларнинг ўзига хос тури сифатида тушуниш ва уларни талқин қилиш муаммоси бўлиб, мавжуд қонунларнинг ҳуқуқий аҳамияти, яъни қадриятларини ўрганади. Шунингдек, давлатни ҳуқуқий ҳодиса ва ҳуқуқий ташкилот сифатида унинг моҳиятини ўрганади. Ҳуқуқий аксиология ҳуқуқни ва қонун муносабатларини, улар ўртасидаги тафовутни ҳам ўрганувчи таълимотдир.

Ҳуқуқ фалсафасида ҳуқуқий онтология, ҳуқуқий гносеология сингари ҳуқуқий аксиологияда ҳам 3-та ёндашув мавжуд.¹ Булар легистик аксиология, табиий-ҳуқуқий аксиология, либертар-юримдик аксиология. Қуйида уларнинг ёндашувларини қисқача кўриб чиқамиз.

Легистик аксиология. Легизм ҳуқуқнинг қонун чиқарувчи ва қонунга боғлиқ бўлмаган объектив хоссаларини инкор этиши сабабли аксиологик жиҳатдан ҳуқуқий қадриятларини моҳиятдан рад этади ва фақат қонун (позитив қонун)нинг муҳимлигини тан олади. Қонуннинг (позитив ҳуқуқнинг) легистик «муҳимлиги» - бу бирон-бир объектив ҳуқуқий асос бўйича унинг умумий аҳамияти эмас, балки расман умумий мажбуриги ва ҳукмронлигидир. Бунга мисол тариқасида неопозитивист Кельзеннинг ёндашувини

¹ Қаранг: *Нерсеянц В.С.* Ҳуқуқ фалсафаси. – Т., 2003. – Б.76-82.

кўрсатиш мумкин. Унга кўра ҳуқуқ фақат буйруқ, норма сифатида қимматлидир. «Кўпинча бўлганидек, – деб таъкидлайди, Кельзен, -- ҳуқуқ ўзида нормани ёки буйруқни ифодалабгина қолмай, балки шунингдек, қандайдир қадриятни ташкил этади ёки ифодалайди. Чунки ҳуқуқ айнан норма бўлганлиги учун қадриятни ташкил этади». Кельзenga кўра «норма» тенглик нормаси, эркинлик нормаси, адолат нормаси эмас, балки соф муқаррарлик – буйруқдан иборат эканлигини қайд этиш муҳимдир.

Табиий-ҳуқуқий аксиологияга мувофиқ, табиий-ҳуқуқ ўзида «чинакам» ҳуқуқнинг объектив хоссалари ва қадриятларини ифодалайди. Бунда табиий ҳуқуқ табиатан ахлоқий, диний, маънавий ҳодиса сифатида тушунилади ва аввал бошдан тегишли мутлақ қадрият сифатида қаралади. Табиий-ҳуқуқий юснатурализм доктриналарида ва табиий-ҳуқуқ таҳлилида, ҳуқуқий қадриятни ўз табиатига кўра ахлоқий, диний, маданий ҳодиса сифатида тушунилади. Табиий-ҳуқуқий аксиологияда ҳуқуқ, ахлоқ ва диннинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ижтимоий нормаларнинг мажмуидан иборат қандайдир ахлоқий-ҳуқуқий комплексдан иборат қилиб кўяди. Ҳуқуқни ахлоқ ва ижтимоий нормаларнинг бошқа турлари билан айнийлаштириш нотўғри ҳисобланади. Ҳуқуқий аксиологияда ҳуқуқ ва ахлоқни, динни бир-бири билан аралаштириб юбориш маънавийлик ва моддийликни ижтимоий нормалар мазмуни билан боғлиқ бўлган жараёнларни тушунишда баъзи бир кийинчиларга олиб келади.

Либертар-юримдик аксиологияга мувофиқ ҳуқуқ тенглик, эркинлик ва адолат каби асосий инсоний қадриятларни ифодалашнинг ялпи, зарур ва умуммажбурий шакли эканлиги туфайли қимматлидир. Либертар-юримдик аксиологияда ҳуқуқ нуқтаи назаридан мавжуд қонуннинг, давлатнинг, ҳуқуқ субъектлари хулқ-атворининг ҳуқуқий мазмуни ва қимматини баҳолаш, уларнинг ҳуқуқий фазилати, зарур қадрият сифатида ҳуқуқнинг мақсадлари талабларига мос келиши ёки мос келмаслиги тўғрисида сўз боради. Бунда ҳуқуқ қонун, давлат кишиларнинг хатти-ҳаракати учун мақсад сифатида амал қилади. Қонун (позитив ҳуқуқ) давлат, ҳуқуқ субъектларининг хулқ-атвори фақат ҳуқуқий ҳодисалар сифатида қимматлидир .

Ҳуқуқий онтология ва ҳуқуқий гносеология таълимотидаги каби, ҳуқуқий аксиология табиий-ҳуқуқий таълимот ноизчилликларининг олдини олишни, позитивизм ва легизмдан эмас, балки

қонунларнинг ва давлатнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини, ҳуқуқий қадриятга оид назариялар асосида тушунмоқ мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди.

Ҳуқуқий онтология, гносеология ва аксиологиянинг ички, зарурий диалектик бирилиги ҳуқуқий онтологиянинг муҳим тамойилларидан бири, расмона тенглик тамойили билан белгиланади. Ҳуқуқий онтологиянинг вазифаси ҳуқуқ борлиғи, унинг моҳияти нимада деган саволга жавоб беришдан иборат бўлса, ҳуқуқий аксиология эса ҳуқуқий қадрият, ёхуд ҳуқуқ қиймати нимада деган саволга жавоб беради. Кўриниб турибдики, ҳуқуқ ва қонунчилик, тенглик, адолат, эркинлик, ҳуқуқий онтология, гносеология ва аксиологиянинг асосий масалаларидан ҳисобланади.

Ижтимоий борлиқни ҳуқуқий қадриятлар нуктаи назаридан таҳлил этиш уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий адолат, тенглик, эркинлик мажмуасидан иборат эканлиги, ҳуқуқий қадриятга оид мақомини, яъни ҳуқуқий қадрият сифатида имконияти (потенциали) таркиби, таъсир доираси ва ҳоказоларни олишни тақозо этади.

Юридик аксиология (яъни ҳуқуқий аксиология) ўзининг ўзига хослиги, предмети, йўналиши ва вазифаларига эгадир. Уларнинг фалсафий моҳиятини қонун ва давлатнинг реал мавжудлигининг турли хил кўринишлари ва ўлчовлари ташкил этади. Шундай қилиб, ҳуқуқий аксиологияда асосан ҳуқуқий талаблар, қонун-қоидаларга суянган ҳолда, давлат ҳамда ундаги қонунларнинг мазмуни, аҳамияти ва моҳиятига ўзига хос баҳо берилади.

Хусусан бу баҳолаш қонун ва давлат муносабатларининг бир-бирларига мос келиш ёки мос келмаслигини тўғри ифодалашга тааллуқли бўлади. Бу ерда ҳуқуқий қонун ва давлат учун муайян даражада мақсад вазифасини ўтайди, яъни қонун ва давлат, ҳуқуқий қадрият талабаларини ҳаётга жорий этишга қаратилган бўлмоғи керак. Зеро, бу ҳолат ҳуқуқнинг мақсади, мазмуни ва аҳамиятини ташкил этади. Қонун ва давлат тушунчалари ҳуқуқий ҳодисалар сифатидагина муайян мазмун ва қадрият аҳамиятига эга бўлади.

Шундай қилиб, ҳуқуқий аксиология концепциясига кўра қонун ва давлат ижтимоий ҳодисалар ва ижтимоий борлиқ (аксиология) сифатида моҳиятига кўра ҳуқуқий бўлмоғи зарур. Ҳуқуқий қонун ва ҳуқуқий давлат эса мавжуд реал қонун ва давлатнинг ҳуқуқий мақсади ва вазифаси унинг қадрияти асосидир.

VII. ОНГ ВА ҲУҚУҚ. ҲУҚУҚИЙ ОНГ

1. Онг фалсафий-ҳуқуқий таҳлил объекти

Онг – фалсафа фанининг субъектив реалликни ифодаловчи ғоят кенг категорияси бўлиб, одам мияси ва психикасининг ташқи дунёни идеал акс эттиришидир. Онг инсоннинг ички субъектив, маънавий дунёсидир. Инсон ўзининг дунёда борлигини англаб етиши, унинг ташқи дунёга муносабатидир.

Одам фикр юритувчи, онгга эга мавжудот ҳисобланади. Онг ёрдамида ташқи дунёда фаол ҳаракат қилади, уни билишга интилади, у билан субъект-объект муносабатида бўлади. Инсоннинг онгга эгаллиги ҳақида буюк олим Абу Наср Фаробий шундай ёзган: - «Инсон ўзининг алоҳида хусусиятлари билан барча ҳайвонлардан фарқ қилади, чунки унда жон бор, ундан тана аъзолари воситасида таъсир этувчи кучлар пайдо бўлади, бундан ташқари, унда тана аъзоларининг воситасисиз таъсир этувчи куч ҳам бор, бу куч ақлди»¹Фан ва фалсафада онг муаммоси – бу пировардида, психологик, физиологик ва социал ҳолатларнинг ўзаро нисбати, муносабати масаласидир: агар инсон ақли материя эволюциясининг натижаси бўлса, фикр фикрловчи материянинг, инсон бош миясининг, мия катта ярим шарининг олий хоссасидир. Онг феноменини фалсафий таҳлил қилишга материализм, идеализм, дуализм, гилозоизм, пантеизм каби фалсафий оқимларда турлича ёндашувлар мавжуд. Материализм намояндаларининг кўпчилиги онгни инъикоснинг алоҳида шакли деб билади.

Инъикос шакллари эволюцияси ва онг. Онг инъикоснинг олий шаклидир. Хўш, инъикос деганда нима тушунилади. Инъикос муайян таъсир натижасида пайдо бўлади. Бунинг учун эса, ҳеч бўлмаганда, иккита объект ва улар ўртасида ўзаро таъсир бўлиши лозим. Энг умумий маънода, ҳар қандай предметнинг у билан таъсирлашувда бўлган бошқа предметларга таъсирини муайян тарзда акс эттириши билан боғлиқ хоссасига инъикос дейилади. Шу маънода инъикос ҳамма жойда мавжуд. Айни вақтда ҳар бир ҳолатда

¹ *Фараби. Существо вопросов / Антология мировой философии.Т.1.Ч2. – М., 1969. – С. 728.*

у ўзига хос хусусиятга эга. Чунончи, жонли табиатдаги инъикос билан жонли табиатдаги инъикос бир-биридан тубдан фарқ қилади. Жонли табиатда инъикос оддийлиги билан ажралиб турса, жонли табиатда у мураккаб характер касб этади. Шу билан бирга, жонли табиатда инъикос сустлиги, жонли табиатда эса, фаоллиги билан ажралиб туради. Жонли табиатда инъикос ташқи таъсир натижаларидан фаол фойдаланишни келтириб чиқарувчи ахборотли инъикос шаклини олади. Айни пайтда ахборотли инъикоснинг ўзи жонли табиатнинг ҳар бир даражасида янада мураккаблашиб, ўзига хослик касб этади. Мана шундай мураккабланиш жараёни психик инъикоснинг шаклланишига замин яратди. Айнан психик инъикос даражасида воқеликка фаол муносабат ҳам шаклланади, инъикоснинг илгарилаб боришидан эса, ўз навбатида, унинг ўзига хос, юқори шакли бўлган онгнинг пайдо бўлишига имконият яратди.

Онг ва мия. Инсон мияси нозик, мураккаб тузилишга эга бўлган тизимдир. Айнан унинг мураккаблиги онг пайдо бўлиши мумкинлигининг асосий шартидир. Бундай ҳолат ҳам узок давом этган эволюциянинг табиий ҳосиласидир. Аммо юксак даражада ташкил топган миянинг ўзи ҳам ҳали онг пайдо бўлиши учун етарли эмаслигини унутмаслик лозим. Бу мия нормал функционал фаолият кўрсатиши зарур ва ниҳоят, нормал функционал фаолият кўрсатувчи мия соҳиби ижтимоий муносабатларга тортилган бўлиши шарт. Шу ўринда вульгар материалистлар қарашларига яна бир марта муурожаат қилиш лозим. Агар улар ҳақ бўлганида эди, ҳайвонот оламига тушиб қолган инсон болаларида ҳам онг шаклланган бўлиши керак эди. Улар ҳайвонлар орасида бўлганида ҳам жигар сафро ишлаб чиқаравради. Аммо, мия онгни ишлаб чиқармайди.

Бундан онгнинг ижтимоий-руҳий ҳодиса эканлиги ва у фақат жамиятдагина шаклланиши мумкинлиги ҳақидаги хулоса келиб чиқади.

Онг ва руҳият (психика). Онг психик инъикоснинг ўзига хос, юксак шаклидир. Аммо, бу психика ва онг тушунчаларини айнанлаштириш учун асос бўла олмайди. Чунки, психика ҳайвонларга ҳам хосдир. Гап инсон психикаси ҳақида кетганда ҳам, у онг тушунчасига нисбатан кенг қамровлилик касб этишини унутмаслик лозим. З. Фрейд фикрича, психика онгсизлик, онг ости ҳодисаларини ва онгнинг ўзидан иборат уч қатламдан ташкил топган. Инсон ҳаёти ва фаолиятида онг билан бир қаторда онгсизлик ва онг ости ҳодисалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Психологлар фикрича, инсон

фарзандининг камол топа бориши билан бир қаторда кўплаб функциялар онг назорати остидан чиқиб автоматик характер касб этиши билан тавсифланади. Айтайлик, биринчи марта машинага ўтирганимизда, биринчи марта сурат олаётганимизда деярли барча ҳаракатларимиз онгнинг қаттиқ назорати остида бўлади. Вақт ўтиши билан эса кўпгина ҳаракатларни онгсиз тарзда, англамаган ҳолда бажара бошлаймиз. Бундай ҳолат инсон фаолиятининг хилма-хил соҳалари, йўналишларида, уларга онгнинг фаол тарзда аралашини, яъни қайта фаолиятни ўз назоратига олиши мумкинлигини инкор этмайди. Хатти-ҳаракатларнинг онгсизлик соҳасига кўчиши бир томондан онг «юки»нинг енгиллашига хизмат қилса, бошқа томондан, онгнинг асосий кучи, қуввати, «диққати»ни, инсон ҳаёти учун муҳим бўлган ҳаракат, жараёнларга қаратилишига имкон яратади.

Онгсизлик доирасига онг назоратидан ташқарида қолган сезги, тасаввур, инстинкт ва интуиция каби ҳодисалар ҳам киради. Ана шу хусусиятларни инобатга оладиган бўлсак, онгсизлик онг мавжудлиги ва ривожланишининг табиий шарти дейиш мумкин. Онг ости ҳодисалари ҳам психик жараёнларнинг муҳим бўғинидир. З. Фрейд фикрича, улар онгсизлик билан онг ўртасидаги чегаравий соҳадир. «Гап тагида – гап бор, коса тагида – ним коса» нақлида онг остига хос бўлган хусусиятлар ифодаланган, дейиш мумкин. Чунки, ҳар қандай фаолиятимизда айни вақтда биз учун аҳамиятли бўлмаган ҳолатлар бўлади. Аммо, бу улар кузатишдан, назоратдан четда қолади, дегани эмас. Биз учун аҳамиятли характер касб этганда, улар онг остидан онг сферасига кўчиши мумкин. Масалан, бирор жойга бораётганида, асосан, мақсадга томон ҳаракат қилинади, аммо йўлда учраган бошқа нарса ва ҳодисалар ҳам кузатилади, эса қолади. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, онг ости инсон онгли фаолиятининг ўзига хос кузатувчиси, зарур ҳолларда цензори сифатида чиқишдек сифатларга эга, дейиш мумкин.

Онгнинг тузилиши. Онг ўзаро алоқада бўлган турли унсур (элемент)лардан ташкил топган мураккаб маънавий тузилишга эга. Онг инъикоснинг ўзига хос шакли экан, аввало, унда акс эттириладиган объект ҳақидаги муайян билимлар ҳиссий ва рационал шаклда ўз ифодасини топади. Демак, билим онг тузилишининг асосий унсуридир. Шунинг учун ҳам билимларнинг бойиб, чуқурлашиб бориши онг ривожланишини характерлайдиган муҳим белги сифатида юзага чиқади. Онг тузилишининг яна бир унсури

хилма-хил кўринишларда намоён бўладиган кечинмалардир. Уларда инъикос объектига муносабат гавдаланади. Билимларимизнинг чуқурлиги ва кўламлилиги, ҳиссиётларимизнинг намоён бўлиши ёки бўлмаслиги интилишимиз — иродамизга боғлиқ. Ирода кучи оламни англаш жараёнида юзага келадиган ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтишга, кўзланган мақсад йўлида тинмай ҳаракат қилишга йўл очади.

Ирода табиатнинг инъоми эмас экан, уни тарбиялаш, камол топтириш шахс ҳаётида, унинг жамиятдаги ўз ўрнини топишида муҳим аҳамиятга эга. Зеро, иродасизлик энг улуғ ният ва мақсадларни барбод қилибгина қолмай, инсоннинг тўғри йўлдан тойиб кетишига ва турли салбий оқибатларнинг келиб чиқишига олиб келиши ҳам мумкин.

Онг ва тил. Инсон онги тил билан узвий боғлиқдир. Тил фикрнинг моддий кўриниши, шаклидир. Одам фикрнинг мазмунини турли инсоний тизимлар: оғзаки нутқлар ва ёзма матнлар, ҳозирги замон информатикасининг сунъий тиллари ёки турли символлар, кодлар, шифрлар, формулалар ва ҳоказолар орқали билиб олади.

Тил онгнинг инсонгагина хослигини исботловчи омиллардан биридир. Хўш, тил деганда ўзи нима тушунилади? Тил, бу энг аввало, муайян белгилар тизими демакдир. Аммо, тилнинг хусусиятларини шу билангина чеклаш тўғри эмас. Чунки, муайян белгилар тизими ҳайвонларга ҳам хос, улар ёрдамида жонзотлар ўртасида муайян ахборот алмашинуви содир бўлади. Айтайлик, кабутарларнинг «муҳаббат» ракси, жонзотларнинг хавф-хатар пайдо бўлганда турли товуш — белгилар ёрдамида бир-бирини огоҳлантириши, айрим ҳайвонларнинг ўзи яшайдиган ҳудудни турли йўллар билан «чегаралаб» чиқиши ана шундай белгилар тизимининг ўзига хос кўринишларидир. Лекин, жиддий эътибор бериладиган бўлса, бу белги — сигналлар тизими узоқ давом этган эволюция давомида ҳосил қилинган рефлекслар эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Хатти-ҳаракат ёки бошқа белгилар ёрдамида узатилаётган ахборотнинг мазмуни муайян вазиятдаги ҳолат билан белгиланган бўлади. Бундан фарқли ўлароқ инсон нутқи, тили аниқ вазият, макон ва замондан холи бўлиши, унга боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Бошқача айтганда, у ўзида ўтмишни, ҳозирги ҳолатни ва истиқболни ҳам ифодалаши мумкин. Бу инсон тилининг белгилар тизими сифатида ҳайвонот дунёсида амал қиладиган белгилардан туб фарқини кўрсатувчи муҳим хусусиятидир.

Тил қайд этилганидек, белгилар тизимидир. Фан юксак тараққий қилган ҳайвонларда ахборот узатишга хизмат қиладиган мураккаб белгилар тизими мавжуд эканлиги ва у ҳайвонот олами эволюцияси билан бир пайтда такомиллашиб борганлигини исботламоқда. Демак, тил йўқ жойдан, бирданига пайдо бўлиб қолмаган. Онг инъикос шаклларининг узок давом этган эволюциясининг табиий ҳосиласи бўлганидек, у билан узвий боғлиқ бўлган инсон нутқи ҳам ахборот узатишга хизмат қиладиган белгиларнинг мураккаблашиб бориши жараёнининг зарурий натижасидир. Демак, тил белгилар тизими сифатида келиб чиқишидан қатъи назар, фақат инсонгагина хос ва у онг билан узвий боғлиқдир. Чунки, тилда онг гавдаланади. Тил ёрдамидагина онг кишининг ўзи ва бошқалар учун воқеликка айланади. Тилда ифодаланаётган маъно-мазмуннинг англаниши инсоннинг умумий билим даражаси, қизиқиши, қобилияти, муайян шароитдаги кайфияти каби омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Тил фикрлаш қуроли, мулоқот воситаси сифатида доимий такомиллашув жараёнини бошидан кечирмоқда. Айни пайтда инсоният биз кундалик ҳаётда қўллайдиган табиий тил билан бир қаторда мулоқотнинг ранг-баранглигини таъминлайдиган, фикрни ифодалашга хизмат қиладиган ўзига хос имо-ишоралар рақс, мусиқа «тилига» ҳам эга. Шундай бўлса-да, улар сўзга кўчгандагина англашилади, ундаги мазмун тушунарли бўлади. Шу билан бирга миллий тиллар билан бир қаторда илм - фан ютуқларининг тез тарқалишида муҳим рол ўйнайдиган байналмилал тил-фан тили, унинг тушунчалари ва формулалари ҳам борлигини унутмаслик керак. XX асрда қўлланиш доираси тобора кенгайиб бораётган электрон ҳисоблаш машиналарининг «бейсик», «фортран» каби тиллари яратилди. Компьютерларнинг, нанотехнологияларнинг ижтимоий ҳаётдаги роли тез ўсиб бораётган ҳозирги даврда бу «тил»лар ахборотнинг узатилиши ҳамда қабул қилинишида катта аҳамият касб этмоқда ва вақт бу жараёнларнинг янада тезлашаётганлигини кўрсатмоқда Онг ва тил муносабати ҳақида гап кетар экан, тил ўзига хос тарихий хотира ролини ўташини ҳам унутмаслик керак. Бу миллий тиллар мисолида айниқса, яққол кўринади. Зеро, миллат тилида унинг ўзлиги, босиб ўтган тарихий йўли, тафаккур тарзи акс этади, мустаҳкамланади. «Она тили,—деб ёзади Президентимиз, – бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши

муқаррар».¹ Шундай экан, мустақиллик шароитида миллий тилимиз ривожига алоҳида эътибор берилаётганлиги миллий ўзлигимизни англашимизнинг ўтиш жараёнида миллий истиқболимизни белгилашнинг узвий қисми сифатида қаралмоғи лозим.

Ўз-ўзини англаш, унинг шакллари. Инсон объектив воқеликни акс эттириш билан бир қаторда ўзи ҳақида фикр юритиш, руҳида кечаётган жараёнларни таҳлил қилиш, хатти-ҳаракатларини назарий таҳлил қилишдек қобилиятга ҳам эга. Ўзини ўзгалардан ажрата билиш, ўзига муносабат, имкониятларини баҳолаш ўз-ўзини англаш сифатида намоён бўлади. Ўз-ўзини англашда ўзини билиш, баҳолаш ва тартибга солишдек унсурларни ажратиш мумкин. Бу унсурлар ўз-ўзини англашнинг соҳибига — субъектига кўра фарқланувчи муайян шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятга хосдир.

Шахснинг ўз-ўзини англаши ҳақида гап кетар экан, у ўзини алоҳида организм, оила, ижтимоий гуруҳ, миллат, маданиятга мансублигини ва юқоридаги хусусиятларидан қатъи назар алоҳида ва бетакрор «Мен» сифатида англашдек босқичларни босиб ўтишини таъкидлаш зарур. Инсоннинг камол топиш жараёни, ўз-ўзини англашнинг ривожланиши ўзига хос характер касб этади. Масалан, дастлабки даврда болада аввало, бошқалар томонидан берилган тасаввур ва баҳолар устунлик қилади. Боланинг тафаккури ўсиши билан, у оламини мустақил англай бошлайди ва ўз имкониятларини ўзи баҳолашга ўрганиб боради. Айнан мана шу даврда тўғри йўлга қўйилган тарбия муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки, айнан мана шу тарбия таъсирида болада ўз имкониятларини тўғри баҳолаш ҳам ёки унга ортиқча баҳо бериб юбориш ҳолати ҳам шаклланиб қолиши мумкин.

Шахснинг ўз-ўзини англаш жараёнида у мансуб бўлган маданиятнинг ўрни ниҳоятда катта. Зеро, айнан маданият халқ, миллат тўплаган тажриба, билимларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда шахс дунёқараши шаклланишига фаол таъсир ўтказади. Шунинг учун ҳам шахс маданияти, хулқу одоби, онги, ўз-ўзини англашининг даражасини белгиловчи индикатор сифатида намоён бўлади. Шахснинг ўз-ўзини англаш жараёнига турли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий омиллар ҳам кучли таъсир кўрсатади. Ана шундай хилма-хил таъсирлар мавжудлиги шахснинг

¹Каримов И.А. Донишманд халъимизнинг мустақкам иродасига ишонаман. – Фидокор. – 2000. – 8 июн.

ўз-ўзини англаши, баҳолаши ва фаолиятини тартибга солиши, назорат қилишини таъминлайди. Акс ҳолда озгина иқтисодий қийинчилик, кичкинагина ижтимоий муаммо шахс ҳаётини издан чиқариб юбориши, турли хил таъсирлар домига тортиши мумкин. «Мана шундай бир вазиятда одам, – деб ёзади И.А. Каримов, – ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятларга, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкураларнинг босимига, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазйиқларига бардош бериши амри-маҳол»¹. Буни тушуниб олиш бугунги кунда инсон онги ва қалби учун кураш тобора кескинлашиб ва интенсивлашиб бораётган бир шароитда айниқса муҳимдир.

Онг ва ахборот. XX асрнинг охирларида «Информацион портлаш» тушунчаси тез-тез ишлатила бошланди. Компьютерларнинг яратилиши бир томондан инсон онги, тафаккури, куч-қудратининг, иккинчи томондан, ана шу кучга тушадиган юкнинг енгиллашишига хизмат қиладиган воситани яратиш йўлидаги уринишларнинг натижаси бўлди. XX асрнинг ўрталарида пайдо бўлган бу восита шиддатли ривожланиш йўлини босиб ўтди. Дастлаб секундига минглаб операциялар бажара оладиган компьютерлар бўлса, уларнинг бугунги авлоди 10 миллионлаб мураккаб операцияларни қойилмақом қилиб уддалайди. Хўш, буларнинг инсон онги ва тафаккурининг моҳияти билан нима алоқаси бор? Гап шундаки, ЭҲМлар ҳам инсон тафаккурига хос бўлган хусусиятларга эга. Бундай хусусиятларга, унинг тобора кўпроқ эга бўлиб бориши, ЭҲМ фикрлай оладими, агар инсон ўзига хос хусусиятларини уларга тобора кўпроқ кўчириб бораверса, охир оқибатда, бир вақт келиб, у ўзи яратган ана шу қуролнинг қулига айланиб қолмайдими, деган саволларнинг кун тартибига қўйилишига олиб келди. Айтайлик, компьютер албатта олдиндан программалаштирилган операцияларни, миллионлаб марта тез бажариши мумкин. Уларнинг «хотира» қудрати ниҳоятда юксак ва ҳоказо. Аммо булар ЭҲМларнинг фикрлашидан, уларнинг инсон устидан ҳукмронлик қилишидан далолат берадими? Албатта, йўқ. Компьютерлар қанчалик мураккаб операцияларни бажармасин, инсон томонидан программалаштирилган жараёнларнигина амалга оширадилар, ундан ташқарига

¹Каримов И.А Жамиятимиз мафкураси халъни-халъ, миллатни-миллат лйилишга хизмат этсин. – Т., 1998. – Б. 6.

чиқа олмайдилар. Инсоннинг фикрлаш жараёни онгсизлик, онглик, кечинмалар, ижод каби ходисаларни қамраб олади. Компьютер эса бундай хусусиятларга эга эмас. Шундай экан, компьютерлар инсоннинг муайян йўналишлардаги ақлий фаолиятини енгиллаштиришга хизмат қилади ва ўзининг яратувчиси устидан ҳукмрон бўла олмайди. Айрим тадқиқотлар натижаларига кўра, ҳозирги даврда фан соҳасида эришилган натижалар ҳар ўн йилда, информация олиш эса ҳар 3-4 йилда икки баробарга ошмоқда. Ана шундай шароитда инсон онги, унинг хотира қудрати бу ахборотларни ўзлаштира оладими, деган савол кўндаланг бўлмоқда. Янги билимлар, ахборот оқими унчалик кучли бўлмаган яқин ўтмишда тиришқоқ киши инсоният билими эришган асосий натижаларни ўзлаштира олар эди. Бугунги кунда фақат фаннинг турли йўналишлари бўйича йилига бир неча миллион китоб нашр этилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, инсон энг янги адабиётларни ўрганиб боришга ҳаракат қилганда ҳам, унинг ҳар бир ўқиган бетига ўн минг ўқилмаган саҳифа тўғри келар экан. Кишиларнинг пайдо бўлган янги китобларнинг аксариятини жисмонан ўқиб улгурмаганлиги «информацион портлаш» келтириб чиқараётган оқибатларнинг бир кўриниши, холос. Масаланинг яна бир жиҳати борки, бу инсон тўплаган билим, ахборотнинг маънавий эскириши, кераксиз бўлиб қолаётганлигидир. Бундай эскириш суръати тобора тезлашиб бормоқда. Масалан, олий таълим соҳасида бу жараён олти — етти йил, компьютер технологияси соҳасида эса бир йил давомида содир бўлаётганлиги ҳақида фикрлар билдирилмоқда. Бу агар сиз олий ўқув юртини битирганингизга етти йил бўлган бўлса, ўз вақтида олган билимларингизнинг аксарияти бугунги кун талабига жавоб бермаслигини билдиради. Ана шундай шароитда кишиларнинг ўз билимларини юқори даражада ушлаб туришлари улардан доимий диққат-эътиборни, ўз устида ишлашни талаб қилади.

Умумлаштириб айтганимизда, онгнинг моҳиятини, унинг коинот эволюциясининг табиий натижаси эканлигини тушуниш, у билан боғлиқ бўлган жараёнларни илмий талқин этиш олам ва одам бирлигини англаш имконини беради. Айни пайтда, онгнинг моҳиятини англаш инсоннинг ўзлигини, яшашдан мақсади, ҳаётининг маъно-мазмуни каби масалаларни чуқурроқ тушунишга йўл очади. Бу онг ва у билан боғлиқ масалалар амалий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

2. Ҳуқуқнинг моҳияти

Ҳуқуқнинг фалсафий моҳиятини таҳлил этиш, ҳуқуқ фалсафасининг асосий муаммоларидан бири бўлиб, ҳуқуқий ҳодиса ва жараёнларни билишда моҳият ва ҳодиса категорияларининг ҳуқуқ фалсафасидаги аҳамияти билан боғлиқ. Ҳуқуқий ҳодисалар ва уларнинг моҳияти айна бир нарса эмас. Ҳуқуқнинг моҳияти ҳуқуқий воқеликнинг умумий қонуниятларини ифодалайди. Алоҳида олинган ҳуқуқий ҳодисалар ёки уларнинг гуруҳлари эса улар тараққиётининг қонуниятларини ўзига хос намоён бўлишидир. Ҳуқуқнинг моҳиятида ҳуқуқий ҳодисаларнинг барча асосий муҳим белгилари мавжуд бўлса, ҳуқуқий ҳодисаларда қ асосий ва муҳим белгилардан ташқари номуҳим, асосий бўлмаган тасодифий хоссалар ва уларнинг белгилари ҳам ифодаланади.

Ҳуқуқнинг моҳияти, барқарор, «сокин» нисбатан доимийдир. Ҳуқуқий ҳодисалар эса доимо ҳаракатда, ўзгаришда бўлади ва ниҳоят, ҳуқуқнинг моҳиятини яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, у муайян ҳуқуқий ҳодисалар орқалигина намоён бўла олади ва ҳуқуқий ҳодисаларга хос бўлган умумийликни ифодалайди. Ҳуқуқий ҳодисалар эса ҳуқуқий моҳиятдан фарқли ўлароқ, бевосита, тўғридан-тўғри кўзга ташланиши мумкин. Юқорида қайд этилган ҳуқуқий ҳодисалар ва ҳуқуқнинг моҳияти ўртасидаги умумийлик нисбий характерга эга бўлади. Шундай қилиб, ҳуқуқнинг моҳияти деб, биз аввало унинг муайян қонуниятлар асосида ривожланишини тушунмоғимиз керак. Айна вақтда ҳуқуқнинг моҳияти ва унинг ҳуқуқнинг қонуниятлари муаммосини айна бир ҳодисалар деб тушунмаслик керак. Мазкур категорияларни ўхшаш муносиб категориялар деб тушунган ҳолда, ҳуқуқнинг моҳияти бир қатор қонуниятларда намоён бўлишини ҳам эътироф этмоқ жоиз. Тизимлилик, ҳуқуқий нормаларга итоат этиш ва бошқалар, шулар жумласидандир. Ҳуқуқнинг ҳар қандай қонунияти, ҳуқуқнинг моҳиятига томон қилинган ҳаракатнинг ўзига хос шаклидир. Ҳуқуқнинг моҳияти ҳуқуқий ҳодисаларнинг ривожланиш қонуниятларинигина эмас, балки улар ўртасидаги алоқадорликни бошқа ижтимоий ҳодисалар билан боғлиқлигини ҳам ифодалайди. Ҳуқуқ ўзининг фалсафий моҳиятига кўра ҳуқуқ фалсафасида – ҳуқуқий характерга эга бўлган ижтимоий муносибатларнинг муайян тизимидир. Ҳуқуқ фалсафасида ҳуқуқ – бу аввало ижтимоий ҳаёт ва уни қонунларда инъикос этишидир.

Ҳуқуқ фақат ҳуқуқий нормаларгина эмас, балки уларнинг ижтимоий ҳаётда татбиқ этилиши ҳамдир. Ҳуқуқ – мураккаб, кўп қиррали, кенг тушунча бўлиб, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий омилларни ўзида акс эттирувчи ижтимоий ҳодисадир. Ҳуқуқ фалсафасида, ҳуқуқ жамият ҳаётининг турли хил жабҳаларига ҳамда алоҳида олинган шахс, халқ оммаси ва уларнинг онгига бевосита таъсир этади. Ижтимоий муносабатларнинг тартибга солиш жараёнида ҳуқуқ, бозор муносабатлари, тадбиркорлардан бошлаб, космосни ўзлаштиришгача бўлган индивидлар ўртасидаги муносабатлардан бошлаб, халқаро муносабатларгача бўлган сиёсий-ҳуқуқий жараёнларни бошқарувчи кучли воситадир.

Ҳуқуқ фалсафаси нуқтаи назаридан ҳуқуқ бу – ҳуқуқнинг шакли ва мазмуннинг бирлиги.

Ҳуқуқнинг шакли бу – ҳуқуқни амалга ошириш усуллари, воситалари ва механизмлари тафовутлари ортида турган нарсалардир. Ҳуқуқнинг мазмуни бу – ижтимоий амалиёт ва ижтимоий муносабатлар ранг-баранглигида яширинган нарсалардир. Ҳуқуқнинг моҳияти унинг универсаллигида, конкретлигидадир. Ҳуқуқнинг моҳияти бу асл ҳуқуқнинг реал имкониятларини аниқловчи мажмуадир.

Ҳуқуқнинг моҳияти бу алоҳида ифодаларнинг зарурати, қонуниятидир. Ҳуқуқ ўзига хос табиатга эга. Ҳуқуқнинг табиати бу – унинг ички манбаи, уни намоён бўлиш, қайта ишлаб чиқилиши, ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучидир. Ҳуқуқ объектив ва субъектив томонларга эга.

Ҳуқуқнинг объектив томони: ҳуқуқий фаолияти; ҳуқуқий муносабат; талаблар; нормалар; баҳо; қонун.

Ҳуқуқнинг субъектив томони: ҳуқуққа эҳтиёж; ҳуқуқий мавжудот; ўзлигини чеклаш; куч, кучланиш.

Ҳуқуқнинг ўзига хос шакллари ҳам мавжуд, улар қуйидагилар: долзарб ҳуқуқ; конкрет ҳуқуқ; ҳақиқий ҳуқуқ; объектив ҳуқуқ; субъектив ҳуқуқ; росмона ҳуқуқ; мавҳум ҳуқуқ; потенциал ҳуқуқ.

Ҳуқуқ ижтимоий институтдир. Ҳуқуқ ҳаракатнинг меъёри ва тизимидир. Ҳуқуқ зўрликнинг меъёри ва тизимидир. Ҳуқуқ ижтимоий ҳаётни, ўз-ўзини англаган ҳолда бошқариш усули ва механизмидир. Ҳуқуқ жамият сиёсий ташкилотининг элементи ва шаклидир. Ҳуқуқ маънавиятнинг шаклидир. Ҳуқуқ воқеликни билишнинг шаклидир. Ҳуқуқ сиёсий тафаккур шаклидир. Ҳуқуқ ахлоқийлик шаклидир. Ҳуқуқ ҳаётни эстетик ифодалаш шаклидир. Ҳуқуқнинг таркиби: ҳуқуқий амалиёт, ҳуқуқ муносабат, ҳуқуқий онг.

3. Ҳуқуқий онг

Ҳуқуқшунослик фанида ҳозирга келиб ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий тарбия назариясининг илмий асослари яратилди.

Ҳуқуқий онг ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, айна вақтда нисбатан мустақилдир. У ижтимоий турмушда мавжуд бўлган, жамиятимизга хос турли-туман ҳолатлар йиғиндисини ўзида мужассамлаштиради.

Ҳуқуқий онг – ҳуқуқий ҳиссиётлар, туйғулар, ғоялар, қарашлар, баҳолар, йўл-йўриқлар, тасаввурлар ва фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасига муносабатини кўрсатувчи, бу муносабат эса амалдаги ҳуқуққа, ҳуқуқий амалиётга, фуқаролар ҳуқуқлари ва бурчларига нисбатан, шунингдек, бошқа орзу қилинган ҳуқуқларга нисбатан бўлиши лозим ҳолатлар тизимидир.

Ҳуқуқий онг таркибини ўрганишнинг асосий жиҳатлари, ижтимоий онг таркибини ўрганишда бўлганидек, гносеологик ва социологик томонлардир, чунки улар ўзаро фарқланса-да, ҳар ҳолда бир-бирини инкор этмайди, аксинча тўлдиради. Гносеологик ёндашилганда ҳуқуқий онг, инъикос, жамиятни билиш шаклларида бири сифатида, социологик ёндошилганда эса ижтимоий ҳодисалар орасида унинг ўрни ва умуман, ижтимоий тараққиёт нуқтаи назаридан ўрганилади.

Ҳуқуқий онг таркиби. Гносеологик томондан қаралган ҳуқуқий онг таркиби, мавжуд ҳуқуқий ҳолат инъикоснинг икки даражаси – ҳуқуқий мафкура ва ҳуқуқий психологиядан ташкил топади. Ҳуқуқий психология атрофимиздаги мавжуд ҳуқуқий ҳолатнинг бевосита таъсирида шаклланади ва ҳуқуқий онгнинг дастлабки эмпирик босқичи ҳисобланади. Ҳуқуқий онгнинг худди шу босқичдан ҳуқуқий борлиқни идрок этиш билан бирламчи танишиш бошланади.

Ҳуқуқий психологиядан фарқли равишда, ҳуқуқий мафкура, ҳуқуқий онгнинг анча юқори, илмий-назарий концепциялашган ва одамлар томонидан ижтимоий ҳаётнинг ҳуқуқий ҳодисаларини анча чуқур идрок этиш босқичини ташкил қилади.

Ҳуқуқий онгнинг ғоявий ташкилланиш жараёни тўпланган, муайян хис-туйғулар билан йўғрилган материал асосида ғоянинг узил-кесил намоён бўлиши, ҳуқуқий борлиқ ҳақидаги тасаввурнинг сайқалланиш ҳолатлари кечади ва бу одамлар иродасининг шаклланишида катта ўрин тутаяди.

Ҳуқуқий мафкура ва ҳуқуқий психология, ҳуқуқий онгнинг турли элементлари сифатида ўзаро боғлиқ ва бир-биридан келиб чиқувчи ҳодисалардир. Шу билан бирга, улар анча фарқланадилар. Улар орасидаги асосий фарқ ижтимоий борлиқ ва объектив ҳуқуқий муҳитни турли ижтимоий воситалар: биринчиси – ғоялар, назариялар ёрдамида, иккинчиси – руҳий ҳис туйғулар ёрдамида акс эттиради. Мазкур акс этишнинг турлича даражаси ва усули мавжуд. Агар, ижтимоий борлиқнинг ҳуқуқий мафкурада акс этиши илмий-назарий идрок, назарий билимлар ва қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот, қонунийлик ва бошқа ҳуқуқий ҳолатларни баҳолаш даражасида кечса, у ҳолда бундай инъикос ҳуқуқий психологияда, даставвал оддий, кундалик турмуш идроки даражасида кечади. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий онг тузилишидаги бошқарувчи элемент ҳуқуқий ғоялар мажмуаси ҳисобланади.

Биз кўраётган йўналишда, ҳуқуқий мафкура ва ҳуқуқий тизим ривожини тавсифловчи, ички бирликка эга бўлган илмий қарашлар, ғоялар, назария ва таълимотлар сифатида қаралади.

Ҳуқуқий психология эса ҳис, туйғу, кайфият ва бошқа ҳуқуқ психологияси таркибий қисмининг йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Улар ижтимоий ҳаётнинг турли ҳуқуқий жиҳатларини акс эттиради. Ҳуқуқий онгнинг бу икки таркибий қисми ўзаро боғлиқ ва доимо бир-бирини тўлдиради.

Ҳуқуқий онг тузилмасини социологик таҳлил қилиш ундаги уч таркибий қисм – билиш, баҳолаш ва амалий ҳуқуқий онгни ажратиб кўрсатиш имкониятини беради.

Ҳуқуқий онгнинг функциялари. Ҳуқуқшунос олимлар ҳуқуқий онгнинг қуйидаги функцияларини кўрсатадилар:

- гносеологик функция;
- шакллантириш функцияси;
- ҳуқуқий онгнинг ўзини ўзи бошқариш функцияси.

Гносеологик функция объектив борлиқдаги мавжуд ҳуқуқий ҳолатларни билишни тавсиф этади. Бошқарув – ўз феъл-атворини ҳуқуқ талаблари билан қиёслаш воситасида ўз хатти-ҳаракатларини ўзгартиришдир.

Шакллантириш функцияси – ўз хулқини, хатти-ҳаракатларини шакллантиришдан иборат бўлиб, у жуда зарур. Айрим муаллифлар ҳуқуқий ҳаракатлар орасидан ҳуқуқий онгнинг билиш, баҳолаш ва бошқарув функцияларини ажратиб кўрсатадилар.

Ҳуқуқий онгнинг билиш вазифаси кетма-кет пайдо бўлувчи руҳий ҳодисалардан тузилган:

биринчидан, у асосан сезиш, эшитиш ва кўришдан туғилади; иккинчидан, қабул қилиш, хотира, эсда сақлаш, хотирадагиларни қайта тиклаш, таниш жараёнлари воситасида ҳуқуққа оид билимларни тўплайди ва уларни ҳар хил ҳуқуқий тасаввурлар кўринишида ифода этади;

учинчидан, тафаккур, олий даражадаги билиш жараёни ҳисобланиб, ҳуқуқий ғоялар, тушунча ва эътиқодлар шунинг маҳсулидир.

Ҳуқуқий онгнинг ўзини бошқариш функцияси инсон орзумидларини оқилона рўёбга чиқариш ҳуқуқий онгнинг амалий томони ҳисобланиб, у ирода орқали амалга оширилади. У ҳуқуқий билимларни аниқлаш, ички туйғулар билан мавжуд ҳуқуқий эътиқодлар, мавжуд объектив борлиқ, жамиятда амал қилинаётган ҳуқуқий нормаларни мувофиқлаштириш, мақсадни аниқлаш, қарор қабул қилиш ва қарорни ижро этиш кабиларни ўз ичига олади.

Ҳуқуқий онгга тушаётган ҳуқуқий ахборотни «қайта ишлаш» ва ўзлаштиришда инсон феъл-атворини бошқарувчи мураккаб механизмлар муҳим ўрин эгаллайди, у манфаатни, мақсадни аниқлаш, асослар тизими ва хоҳишни намоён этиш каби ҳолатларни ўз ичига олади.

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият. Ҳуқуқий онг – ҳуқуқий маданиятнинг муҳим элементи. Ҳуқуқий онг шахс онгида, жамият ғояларида намоён бўлган ҳуқуқдир. Ҳуқуқий онг ҳуқуқ ва қонунийликка муносабатдаги эътиқодлар, тасаввурлар, баҳолар, ҳис-туйғулар ва маънавиятнинг бошқа таркибий қисмлари тизимидир.

Ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятнинг давлат ва жамиятнинг бошқарув таъсирига энг кам учраган элементи. Тезлик билан янги қонун қабул қилиш, давлат органини тузиш мумкин, аммо инсоннинг ҳуқуқий онгини тезда ўзгартириб бўлмайди. Юксак ҳуқуқий онгни шакллантириш кўп куч ҳамда вақт талаб қилувчи қийин вазифа. Шунинг учун ҳам, «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»да барча ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий онги даражасини кўтаришнинг бош мақсад қилиб белгиланганлиги тасодиф эмас. Ҳуқуқий қадриятларни маънавий ўзлаштириш оддий инсоний маданият ва саводхонликнинг бўлишини тақозо этади. У шахсни умумий тарбиялаш жараёнлари билан узвий боғлиқдир. Ҳуқуқий маданият жамият ва шахснинг ҳуқуқий ҳолати тимсолида қабул қилиниши мумкин бўлган алоҳида ижтимоий ҳодисадир. Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий онгнинг, қонунийликнинг, қонунларни такомиллаштиришнинг ва

ҳуқуқий тажрибанинг муайян даражасини акс эттирадиган ҳамда инсоният ҳуқуқ соҳасида яратган бутун бойликларни қамраб оладиган ижтимоий маданиятнинг бир тури сифатида кўрилади.

Ҳуқуқий маданият инсонсиз ва унинг дунёқарашини белгиловчи фаолиятсиз, бундай фаолият ва тафаккурнинг прогрессив йўналишисиз мавжуд бўла олмайди. Ҳуқуқий онг ва хулқ-атвор ўртасидаги қонун нуқтаи назаридан аҳамиятга молик муносабат анча мураккаб. Шу билан бирга одамлар феъл-атворининг шаклланишида ҳуқуқий нормаларнинг катта аҳамиятини унутмаслик лозим. Ҳуқуқ нормалари жамият ва шахс учун маъқул феъл-атворни белгилайди. Бироқ бир муҳим ҳолатни назарда тутиш лозим: ҳуқуқий онг, ҳуқуқий нормага нисбатан ҳаракатга, феъл-атворга яқиндир.

Ижтимоий ҳаётни демократлаштириш ва ҳуқуқий давлат тузиш ҳуқуқий онгдан инсон феъл-атворини юридик аҳамиятга молик йўналишда бошқаришда фойдаланишни тақозо қилади.

Биринчидан, ҳуқуқий онг фақат фуқаро томонидан юридик аҳамиятга молик феъл-атвор мақсадини англашга кўмаклашмайди. Шу билан бирга, у ҳуқуқий онгнинг асосий манбаи ҳам ҳисобланади. Бошқарув имкониятига кўра, онгнинг бу кўриниши билан фақат онгнинг теран кўриниш шакли – маънавий онгни баравар кўйиш мумкин.

Ҳуқуқий онг инсонга вазиятни ҳар тарафлама мушоҳада қилишга ёрдамлашади. Худди мана шу ерда онгнинг ҳуқуқий ёки ноҳуқуқий бўлакларга ажралишининг кўз илғамайдиган жараёнлари содир бўлади.

Иккинчидан, ҳуқуқий онг инсонга юридик аҳамиятга молик феъл-атворга эришиш воситаларини кўриш ва мана шу фарзани воситалар орасидан муайян керагини танлашга кўмаклашади.

Учинчидан, шахснинг ҳуқуқий онги (маънавий ва сиёсий онги билан биргаликда) унга юридик аҳамиятга молик феъл-атворга эришиш учун танланган йўлнинг ижтимоий таъсирчанлигини ёки аксинча, таъсирчан эмаслигини баҳолашда ёрдамлашади. Фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллиги уларнинг ҳуқуқий масалаларни ечишда, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда, ҳуқуқбузарликка қарши курашда шахсан иштироки ва шу қабилар феъл-атворнинг юридик аҳамиятга молик олий кўриниши ҳисобланади.

Шундай қилиб, ижтимоий-ҳуқуқий фаолликнинг, бир-бири билан боғлиқ икки қисмдан ташкил топганлиги кўринади. Биринчи қисм – фуқароларнинг жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни сақлашга бўлган доимий ички тайёргарлиги; иккинчи қисм – амалий ташаббускорлик фаолияти.

VIII. ТАБИЙ ВА ПОЗИТИВ ҲУҚУҚ

1. Табиий ҳуқуқ тушунчаси

Ҳуқуқ фалсафасининг асосий вазифаларидан бири, бу ҳуқуқнинг моҳияти, мазмуни, унинг ривожланишининг умумий қонунлари ва жамият ҳаётидаги роли, яъни ҳуқуқнинг фалсафий жиҳатларини билишдан иборатдир. Бу вазифани амалга оширишда, табиий ҳуқуқ ва позитив ҳуқуқ муносабатларини, уларнинг ҳуқуқ фалсафаси ривожланишидаги аҳамиятини тўғри тушуниб етмоқ керак. Зеро, табиий ва позитив ҳуқуқларнинг ўзаро муносабати ҳуқуқ фалсафасининг асосий масалаларидан бири ҳисобланади.

Ҳуқуқ ғоясида табиий ва позитив ҳуқуқ ўз ўрнига эга бўлиши лозим.

Табиий ҳуқуқ тушунчаси Қадимги шарқ ва Қадимги юнон фалсафий- ҳуқуқий таълимотида илк бор ўз ифодасини топган. Кейинчалик XVII-XVIII асрларга келиб, табиий ҳуқуқ таълимоти алоҳида ижтимоий мазмун касб этиб, жамиятда салбий ижтимоий ҳодисаларга қарши курашда ғоявий қурол вазифасини ҳам ўтаган.

Табиий ҳуқуқнинг асосий мазмунини ҳуқуқнинг объектив белгиларидан, хоссаларидан ташқари, фуқароларнинг ижтимоий тизимда тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг эрки ва мустақиллиги ва бошқа турли хил ахлоқий, диний, фалсафий ва ҳоказо қарашлар ҳам ташкил этади. Табиий ҳуқуқ таркибида бир қатор ижтимоий онг шакллари-нинг мавжудлиги унинг мазмунини бойитади, улар ўртасида тафовут ҳам мавжуд. Табиий ҳуқуқ аввало, инсон табиатидан келиб чиқувчи қоидалар ва инсоннинг эрки, ҳақ-ҳуқуқи ва қадриятлари мажмуидан иборатдир.

Табиий ҳуқуқ тушунчаси юридик позитивизм тушунчасига ўхшаб, бугунги кунда бироз ноаниқдир.

Табиий ҳуқуққа юридик энциклопедияда шундай таъриф берилади. Табиий ҳуқуқ - давлат ва ҳуқуқ назариясида инсон табиатидан келиб чиқувчи ва шу туфайли муайян давлатнинг қонунлари орқали тан олишига ёки тан олмаслигига боғлиқ бўлмаган принциплар, қоидалар, ҳуқуқ ва қадриятлар мажмуасини билдирувчи тушунча.

Республикамиз аҳолиси ўз саломатлиги ва келажак авлод учун қулай табиий муҳитда яшаш, ўз саломатлигини атроф-муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга. Ана шу мақсадда мамлакатимиз аҳолиси табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат ташкилотларига бирлашиш, атроф муҳитнинг аҳволи ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга доир ахборотларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига эга.

Табиий ҳуқуқ тарафдорларининг фикрича, қоидалар (нормалар) агар адолат талабларига жавоб берса, жамият учун яхшилик, фаровонлик олиб келса - юридик ҳақиқат, воқеликка айланади.

Табиий ҳуқуқ ўзида бўлиши лозим бўлган нарсани акс эттиради. Табиий ҳуқуқ ўзида ҳуқуқ вужудга келишидаги идеаллик ва реалликнинг бир-бирига мувофиқлигини ядросини қамраб олади ва шу билан бирга позитив ҳуқуққа қарши туради.

Табиий ҳуқуқ ўзида яхшилик ва адолатга хос бўлган қадриятларни сингдириб олган.

Табиий ҳуқуқ концепциясининг асосий ғояларидан бири ижтимоий ҳаётда мавжуд шахсларнинг табиий тенглиги ва эркинлиги муаммосидир.

Табиий тенгликни баъзи ҳолларда, инсонни ўраб турган табиий ходисалар ва атроф-муҳит маъносида тушунмаслик керак.

Табиий ҳуқуқ концепциясига кўра, инсон борлиги, унинг руҳий ва маънавий жиҳатларига унинг «туғма, табиий тенглиги ва эркинлигига» эътибор бермоқ лозим бўлади. Табиий ҳуқуқ концепциясининг моҳиятини В.С.Нерсисянц қуйидагича баҳолайди: «Табиий-ҳуқуқий ёндашувнинг жиддий камчилиги ҳуқуқ фалсафасининг асосий муаммосини – ҳуқуқдаги моҳият ва ходисани фарқлаш ва уларнинг нисбатини нотўғри талқин қилишдан иборатдир»¹.

Римлик ҳуқуқшунослар табиий ҳуқуқни амалий жиҳатдан тушунишган, унинг намоён бўлишини никоҳда, бола туғилиши, тарбияда кўришган.

Табиий ҳуқуқ концепциясини XVIII асрда француз маърифатпарварлари - Ж.Ж.Руссо, Ш.Л.Монтескье, Д.Дидро, М.Ф.Вольтер ва бошқалар ривожлантирган. Ушбу концепция инсоннинг табиий ҳолатига, ижтимоий келишувга асосланган ва табиий ҳуқуқнинг ўзгармаслигини тақозо қилади. У идеал ҳуқуқ сифатида намоён бўлади ва инсон табиати билан шартланган. Фалсафий концепциялар

¹ *Нерсисянц В.С.* Ҳуқуқ фалсафаси.—Т., 2003 .— Б.48.

ичида табиий ҳуқуқнинг ҳаракат доираси кенгайиб бормоқда, аммо унинг ядроси масалан, яшаш ҳуқуқи, эркинлик ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи ўзгармай қолмоқда.

Баъзи концепцияларда табиий ҳуқуққа инсоннинг шахсий хавфсизлиги, жодугарларни(злодей) жазолаш ҳуқуқи ҳам киритилади.

Табиий ҳуқуқнинг мазмуни ва таърифи фалсафа ва ҳуқуқ назариясининг илмий қизиқишлари туташадиган соҳадир. Олдин табиий ҳуқуқ, кейин позитив ҳуқуқ вужудга келган. Юнонлар «қонун бўйича» позитив ҳуқуқдан бошқа ҳуқуқлар мажмуасини табиий ҳуқуқ дейишган, яъни позитив ҳуқуққача бўлган ҳуқуқий мажбуриятлар мажмуасини «табиатига кўра адолатли» ҳуқуқ дейишган.

Табиий ҳуқуқнинг латинча ифодаси: «*jus natural*». Табиий ҳуқуқ тарафдорлари юснатуралистлар дейилади. Фалсафада натурфайласуфлар бўлгани каби ҳуқуқ фалсафасида юснатурализм, яъни табиий ҳуқуқ концепцияси мавжуд бўлиб, улар ўртасида ўхшашлик ва фарқлаш белгилари бор. Юснатурализм таълимотида асосий масала бу табиий ҳуқуқ азалдан мавжуд бўлганлиги ва инсонга табиат ёки табиатдан ташқарида мавжуд бўлган бирор-бир илоҳий куч томонидан берилганлиги, табиий берилган ҳуқуқ ва унга амал қилиш ҳуқуқи масаласидир.

Натурфалсафада эса, инсон ёки жамият фалсафаси эмас, балки табиат фалсафаси яъни борлик фалсафаси онтологиядир.

Табиий ҳуқуқ инсонлар хатти-ҳаракатларини тартибга солувчи мезонлар, норматив қадриятларнинг фалсафий-ҳуқуқий асосини ташкил эта олмайди. Бироқ бу табиий ҳуқуқнинг ижтимоий ҳаётда муайян регулятив вазифани бажармайди деган маънони англатмайди. Табиий ҳуқуқ асосан ахлоқий, диний нормаларда, урф-одатларда ва бошқа бир қанча устқурма шаклларида намоён бўлади.

Табиий ҳуқуқий йўналишига Афлотун асос солган. Унинг фикрича, инсонлар қонунларни фақат очишади, уни яратишмайди. Афлотун қонун илоҳий вужудга келган, инсоннинг вазифаси уни очишдир, дейди.

Арасту ҳуқуқни вужудга келишига қараб иккига: табиий ва шартли ҳуқуққа бўлади.

О.Хёффенинг фикрича, «табиий ҳуқуқ» кенг маънода инсон амалий фаолиятидаги мажбуриятлар мажмуасидир. Буни давлат ва ҳуқуқ институтлари маъносида тушуниш лозим.

Шундай қилиб, табиий ҳуқуқнинг нимага мурожаат қилиши - илоҳий, дунёвий тартибгами, инсон моҳиятигами ёки ақлгами - буларни барчаси иккинчи даражалидир. Бундан қатъи назар, Европадаги ҳуқуқий қарашлар табиий ва позитив ҳуқуқларнинг яқинлашуви ва қарама-қаршилигидан озиқланади. Европа маърифат-парварлиги табиий ҳуқуқий дунёқарашни таъсирли сиёсий - фалсафий тизимга айлантирган. Бу эса давлат ҳуқуқий ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган.

Ҳуқуқ мажбурлов характериға эға эканлиги, мажбурлов чегараларини давлат белгилаганлиги, уни амалға оширилишини назорат қилиш давлат томонидан таъминланганлиги учун табиий ҳуқуқ танқид қилинади.

Табиий ҳуқуқ таҳлил қилинганда юқоридаги учта элементнинг йўқлиги сезилади.

Биринчидан, гап ахлоқий талаблар тўғрисида боради.

Иккинчидан, табиий ҳуқуқ ҳуқуқий асосларға суянса-да, бу асослар баъзи шароитлар учун инсон бошқа инсондан нимани талаб қилади ёки у бошқа инсонға нима қилишини акс эттиради.

Учинчидан мажбурлов элементи йўқ бўлсада, табиий ҳуқуқ давлат ёрдамиға муҳтож эмас, чунки табиий «қуролсиз ҳуқуқ» ҳисобланади.

Табиий ҳуқуқ назарияси энг қадимги ҳуқуқ назарияларидан бири ҳисобланади. Табиий ҳуқуқ ўзига хос ҳуқуқнинг идеал кўриниши ҳисобланиб, унинг асосий тушунчаларидан бири адолат ва тенглик ғоясидир.

Табиий ҳуқуқда адолат ва ҳуқуқ бирлиги ифодаланади. Адолат ҳуқуқни, ҳуқуқ адолатни тақозо қилади. Табиий ҳуқуқ назарияларидан адолат ҳақидаги таълимотлар асосий ўрин эгаллайди. Кўпинча бундай таълимотлар глобал кўламға эға, яъни инсонлар муносабатидан ташқари чиқиб, универсал қонунларға ўхшаган бўлади.

Табиий ҳуқуқ «ҳуқуқ учун ҳуқуқдир» ёки «ҳуқуқий тизимларни ўрнатишнинг умумий қоидаларидир» – яъни инсонни нимаға мажбурлаш мумкин, нимаға мажбурлаш мумкин эмас.

Табиий ҳуқуқ ҳар қандай ҳуқуқнинг меъёрий асоси ва баҳолаш мезони. Табиий ҳуқуқнинг бундай аҳамияти уни баъзи талабларға мувофиқ бўлишини тақозо қилмоқда. Хусусан, табиий ҳуқуқ ўзида барча инсонлар қабул қиладиган қадриятларни қамраб олиши зарур. Табиий ҳуқуқ кўрсатмалари объектив ва субъектив ҳуқуққа ҳам тегишли бўлиши зарур.

Фалсафа фани унинг предмети ҳуқуқ фалсафаси бўлгани учун қуйидаги, яъни: «ҳуқуқни ким ўрганади», «ҳуқуқни ким ўргана олмайди», «ҳуқуқнинг чегараси қандай - ҳуқуқ қаердан бошланади ва қаерда тугайди», «табиий ҳуқуқ ҳамиша ахлоққа мувофиқ келади ҳуқуқда ахлоққа зид келадиган ҳеч нима бўлмаслиги зарур», деган саволларга жавоб бериши лозим.

Табиий ҳуқуқ нормаларидан бири субъектив ҳуқуқнинг объектив ҳуқуқдан устуворлигидир, яъни инсон ҳуқуқи ҳокимият ҳуқуқини белгилайди, тескариси эмас. Шу жойда позитив ҳуқуқ табиий ҳуқуққа қарама-қаршидир. Позитив ҳуқуқ механизми қарама-қарши ишлайди, яъни ҳокимият қонун ўрнатиб инсонларнинг субъектив ҳуқуқлари ҳажмини белгилайди.

Табиий ҳуқуқнинг моҳиятини чуқур очиш учун ҳуқуқ ва ахлоқ, ҳуқуқ ва келишув муносабатларини кенгроқ ёритиб бериш лозим.

Ахлоқ ва ҳуқуқ. Ахлоқ ҳуқуқдан олдин вужудга келган. Қадимги Римда ҳар хил динларга эътиқод қилишнинг асослари ҳуқуққа айланган. Ахлоқ инсонлараро муносабатларни бошқара олмай қолганда ҳуқуқ вужудга келган.

Ахлоқ ва ҳуқуқ бир-бирига ўхшайди ва бир-биридан фарқ қилади. Ўхшашлиги шундаки, ахлоқ ҳам, ҳуқуқ ҳам ижтимоий онг шаклларида бири ҳисобланади. Ахлоқни ҳам, ҳуқуқни ҳам предмети инсон. Ахлоқ ҳам, ҳуқуқ ҳам инсонлараро вужудга келадиган муносабатларни бошқаришга қаратилган.

Уларнинг фарқи, таъкидлаганимиздек, олдин ахлоқ, кейин ҳуқуқ вужудга келган. Жамият тараққиётининг маълум бир даврларига бориб давлат йўқ бўлганда, ҳуқуқ ҳам йўқ бўлади. Инсонлараро муносабатларни у даврларда ахлоқ бошқаради.

Ахлоқ ва ҳуқуқни инсонлар олдида қўйиладиган талаблар мажмуаси деб айтса бўлади. Аммо ахлоқ ва ҳуқуқ ўз талабларида ҳам бир-биридан фарқ қилади. Шу жараёнда: «қонунга риоя қилиш ахлоқданми ва ахлоққа бўйсунуш қонунийми», – деган савол пайдо бўлади.

Агар ҳуқуқнинг мазмуни ахлоқий қадриятларга мувофиқ келса, у ҳолда ахлоқ ҳуқуқни ижобий баҳолайди. Лекин баъзи ҳуқуқий нормалар ахлоқий талабларга бефарқ бўлади. Уларнинг мазмунига ахлоқий мезонларни қўллаб бўлмайди. Масалан: шикоят қилишнинг муддати, битимни расмийлаштириш тартиби ва бошқалар.

Баъзи ҳуқуқий нормалар ахлоқий нормаларни мустаҳкамлайди ва юридик санкция билан асослайди. Бу фикр кўпгина жиноят

ҳуқуқи нормаларига тегишлидир ва жамият учун хавфли ҳаракатларни ман қилувчи ҳаракатларга бошқа ҳам тегишлидир.

Баъзи ҳуқуқий ишларни ахлоқий нормаларни ҳисобга олмай ечиб бўлмайди. Масалан, безорилик учун жавобгарликни белгиловчи жинойт ҳуқуқи нормаси.

Баъзан ҳуқуқий ва ахлоқий нормалар ўртасида зиддият ҳам вужудга келади. Баъзан ҳуқуқ бир нарсани талаб қилади, ахлоқ эса бошқа нарсани кўрсатади. Баъзи мамлакатлар, масалан, Россия Федерацияси жинойт процессида айбланувчининг турмуш ўртоғи ёки қариндош-уруғлари гувоҳ сифатида сўроқ қилинади. Улар сўроқни инкор қилса, ёки ёлғон кўрсатув берса, масалан, РФ ЖКнинг 182-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилади. Аммо ахлоқий нуқтаи назардан, тергов ва суд органлари уларни бундай жавобгарликка тортмасликка ҳаракат қилишган. Ҳозир бу зиддият ҳал қилинган.

Ўзбекистон Республикаси жинойт процессида бундай жавобгарлик, яъни айбланувчининг турмуш ўртоғи ва қариндош-уруғларини уларнинг розилиги билан гувоҳ сифатида сўроқ қилиш мумкин. Агар сўроқдан бош тортса, жавобгарликка тортилмайди, бундай чора кўрилмаган.

Кўп ҳолларда, ҳуқуқ ва ахлоқ ўртасидаги зиддиятнинг сабаби сифатида ҳуқуқнинг ижтимоий тараққиётдан орқада қолганлиги дейишади.

Инсон ҳуқуқларига эътибор кучайиб бораётган даврда ахлоқ ва ҳуқуқ муносабатлари катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Ҳуқуқ ва келишув. Келишув судда зўрлик билан баҳсни ҳал қилишда ҳуқуқнинг вужудга келиш ва амалга ошиш шаклларида биридир. Ҳар қандай келишув асосида кучлар тенглиги ётади.

Ҳуқуқ шаклида намоён бўлган ижтимоий розилик ижтимоий келишувдир.

Ижтимоий ахлоқнинг келишув асосида ҳуқуққа айланиши ҳаётда ижтимоий келишув назариясини вужудга келтирган.

Ижтимоий келишув назариясининг асосий вазифаси давлатнинг ҳуқуқий келишув асосида вужудга келишининг механизмини аниқлашдир.

Немис мутафаккири **Христиан Томазий** (1655-1728) фикрича, ижтимоий келишув назарияси нуқтаи назаридан ҳуқуқ ва ахлоқ шундай талқин қилинади: «Бошқалар сенга қандай муносабатда бўлишини хоҳласанг, сен ҳам бошқаларга шундай муносабатда бўл», - деган принцип ҳукмрон бўлганда ахлоқ мавжуд бўлади.

«Сенга бошқалар нима қилишини хоҳламасанг, бошқаларга сен ҳам шу муносабатни қилма», - деган принцип ҳукмронлик қилганда ҳуқуқ мавжуд бўлади. Томазий таъкидлашича, ахлоқ инсоннинг ички дунёсини қамраб олади ва онги билан белгиланади, ҳуқуқий нормалар эса кишилар ўртасидаги ташқи муносабатларни бошқаради ва мажбурлов характериға эға.

2. Позитив ҳуқуқнинг моҳияти

Кўпгина ижтимоий ҳодисалар каби ҳуқуқ ҳам ўзининг икки асосий йўналишиға, асосиға эға. Табиий ва сунъий, яъни инсон томонидан яратилган ҳуқуқий нормалар ана шундай назарий асослар туркумиға киради.

«Позитивизм» атамаси фалсафа ва ҳуқуқ фалсафасида кенг тарқалган тушунчалардан ҳисобланади.

Позитив ҳуқуқ - тарихан инсон табиатиға хос равишда барча халқлар учун бирдек ҳуқуқий ҳолатни ечиб берувчи кундалик ҳуқуқ мактаби асосида шаклланган тушунчадир.

Шунга кўра, маълум бир давлатдаги ва тегишли қонун чиқарувчи шахс ёки орган томонидан чиқарилган қонун ҳаёт тақозоси билан, жамиятдаги ўзгаришлар асосида амалға оширилган ва кундалик ҳуқуққа қарама-қаршилик хусусиятиға эға бўлган ва кундалик ҳуқуқий абадийлик ва ўзгармаслик жиҳатларини рад этувчи концепция шаклида намоён бўлган. Ҳуқуқий фанларда позитив ҳуқуқ амалдаги ҳуқуқ нормаларини таърифлаш билан бирга рад этилган ва ўз кучини йўқотган қонунлар, ҳамда қабул қилинмаган, аммо қабул қилиниши лозим бўлган нормалар тўғрисидаги тасаввурлар, қарашларни ўзида акс эттирувчи тушунча сифатида эътироф этилади.

Позитив ҳуқуқ ҳуқуқшунослик фанларининг барча соҳаларига дахлдор бўлган ва ҳуқуқни муайян макон ва замонда, яъни муайян тарихий шароитдан келиб чиқиб ўрганади.

Шунинг учун ҳам позитив ҳуқуқ – давлат ва қонуннинг моҳиятини ўрганадиган таълимот, норматив ва қадриятлар тизимининг тартибға солувчи, бошқарувчисидир. Ҳуқуқий позитивизм кенг маънода ҳуқуқ фалсафаси демакдир.

Позитив ҳуқуқ – инсон ақл-заковати, унинг тарихий тараққиёти маҳсулидир. Позитив ҳуқуқ концепцияси баъзи бир қарама-қарши хусусиятларни ўзида мужассам этиши мумкин. Масалан: синфий,

гурухий, этник, мулкчиликнинг турли хил кўринишлари билан боғлиқ ва ҳоказо манфаатларни позитив ҳуқуқ ўз мазмунида мужассам этиши мумкин. Позитив ҳуқуқ ижтимоий ҳаётда муҳим рол ўйнайди. Жамият осойишталиги ва барқарорлигини таъминлайди.

Позитив ҳуқуқ – бу кишилар хатти-ҳаракатини тартибга солувчи, уни баҳоловчи меъёрий ҳужжатлар, шунингдек амалдаги қонунлар, расман қабул қилинган юридик нормалар демакдир.

Гомайернинг фикрича, позитив ҳуқуқ - давлатда ҳаракат қиладиган ҳуқуқдир. У ўзининг ўзгарувчанлиги билан тавсифланади. Позитив ҳуқуқнинг ўзгарувчанлиги реал воқелик ўзгарувчанлигидан келиб чиқади. Позитив ҳуқуқ қонуншунослар томонидан яратилади, у яхшилик ва адолатни вужудга келтирувчи инсонлар фаолиятининг маҳсулидир.

Давлат томонидан белгилаб қўйилган ҳуқуқ (қонунлар) позитив ҳуқуқ ҳисобланади. Давлат фуқаронинг, инсоннинг у ёки бу хулқи, ҳаракатининг имкониятини белгилаб берилишидир.

Позитив ҳуқуқ ҳам худди табиий ҳуқуқ сингари олдин уни оллоҳ хоҳишига, илоҳий дунёвий тартибга ҳавола қилинган, кейин инсон моҳиятига, ундан кейин эса ақлга ҳавола қилинган. Аммо буларнинг барчаси иккинчи даражалидир. Европа ҳуқуқий қарашларининг манбаи табиий ва позитив ҳуқуқларнинг яқинлашуви ва қарама-қаршилигидир.

Ҳуқуқда мавжуд бўлган учта элемент: ҳуқуқнинг мажбурлов характери, мажбурлов чегараларини давлат белгилаши, мажбурловни амалга ошишини давлат томонидан таъминланиши табиий ҳуқуққа зид равишда позитив ҳуқуқда мавжуддир.

Позитив ҳуқуқ ҳар қандай ҳуқуқнинг якуний шаклидир, буни объектив реаллик, тажрибада бериляпти дегандек тушуниш лозим. Объектив реаллик тажрибада берилиши учун ҳуқуқ маълум шаклланиш жараёнини босиб ўтиши лозим. Лекин шундай ҳолатлар ҳам бўладики, ҳуқуқда мавжуд бўлган баъзи асослар ҳеч қандай шаклланиш жараёнини босиб ўтмайди, балки бирданига позитив ҳуқуққа айланади.

Албатта, шундай ҳолатлар ҳам бўладики, деганда инсонлар маълум бир турмуш тарзида маъно сезсалар, бундай турмуш тарзини бошқаларга ҳам таклиф қилиши маъносида тушуниш лозим. Бундай ҳолатларда фаолиятнинг диний асослари ҳуқуққа айланади. Бундай ҳодисаларни умумлаштириш кўпгина тадқиқотчиларга биринчидан,

ҳуқуқни позитив ҳуқуқдан бошқа баъзи шакллари инкор қилиш, иккинчидан, ҳуқуқни ҳокимият билан айнанлаштириш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан дин ва ҳуқуқ, ҳуқуқ ва ҳокимият муносабатларини кўриб чиқамиз.

Дин ва ҳуқуқ. Дин моҳиятини тушуниш жуда мураккаб муаммодир. Дин ва ҳуқуқ муносабатига шундай ёндашиш лозимки, бу ёндашув динни тадқиқ қилувчиларга ҳам, ҳуқуқшуносларга ҳам мувофиқ бўлиши зарур.

Диншуносликда бундай ёндашув мавжуд, у «экзистенциал ёндошув» деб аталади. «Экзистенциал ёндошув»га мувофиқ ҳар қандай диннинг ядросини инсон фаоллиги моҳиятидан келиб чиқадиган саволларга жавоб берадиган диний таълимот ташкил қилади. Бундай ёндашув тарафдорлари И.Кант, М.Вебер, А.Тойнби, Э.Фромм ва бошқалар ҳисобланади. В.В.Лазарев таҳрири остида чоп этилган «Давлат ва ҳуқуқнинг умумий назарияси» дарслигида ёзилишича, «диннинг вазифаси инсон ўзи яшаётган дунёни ўзлаштириб олиш ва ўз ўрнини топа оладиган моҳиятни ишлаб чиқишдир»¹ Экзистенциал ёндашувга мувофиқ, ҳар қандай ҳуқуқ инсон фаолияти асосини ташкил қилувчи экзистенциаллик ёки динийликнинг эволюцияси якунидир. Ҳар қандай ҳуқуқнинг манбаи диндадир. Аммо ҳуқуқ талаблар тизими сифатида диндан йироқда ва мустақилдир.

Рухнинг ҳуқуққа табиий ва мантикий йўли: дин - ахлоқ - урф-одатдир.

Баъзан шундай ҳоллар бўладики, диний талаблар бевосита ҳуқуқий талабларга айланади.

Ҳар қандай ҳуқуқ-тартиботнинг асосида дин ётади, деган фикр янги эмас. Бу ҳақда файласуф ва ҳуқуқшунослар олдинлари ҳам гапиришган. Айниқса ҳар қандай ҳуқуқнинг асосини давлат ҳокимиятида деб айтганлар. Масалан: Гегель - «давлат - руҳий ахлоқий ғоя, у инсон иродаси ва эркинлигида намоён бўлади, бунинг натижа-сида тарихий жараён давлат иштирокида амалга ошади», – деган.

Немис тарихчиси Леопольд фон Ранке XIX асрда шунга яқин фикр билдирган. У давлатга қандайдир руҳий субстанция сифатида қараган. Бу руҳий субстанция ўз ғоя ва идеалига кўра яшайди ва ривожланади.

¹ Общая теория права и государства: Учебник / Под ред. В.В.Лазарева.– М., 1996.–С. 113.

Диний нормаларни бевосита ҳуқуққа айланганлигини мусулмон ҳуқуқи – фикҳда кўриш мумкин. Араблар босиб олган жойларда исломни тарқатган, ислом нормалари ҳуқуқ шаклида киритилган. Қуръон ва Сунна мусулмон ҳуқуқининг манбаи сифатида тан олинади. Дастлаб мусулмон ҳуқуқи инсонларнинг диний онгида мавжуд бўлган. Мусулмон ҳуқуқининг баъзи нормалари муқаддас матнларни талқин қилишга ва уни талқин қилаётган уламога боғлиқ бўлган. Шунга ўхшаш муаммоларни ҳал қилишда бир-бирига мос келмайдиган ҳар хил мазҳабларнинг хулосалари қўлланилган.

Бугунги кунда бешта диний-ҳуқуқий йўналиш ислом динида мавжуд. XVI - XVII асрларда мусулмон ҳуқуқи бир бутун тизим сифатида шаклланган. Ҳозирги даврда кўпгина мусулмон давлатларининг конституциялари ўзгармас фикҳ нормаларини қонунчиликнинг манбаи деб тан олади.

Шу билан бирга баъзи давлатларда диндорлар православияни давлат мафқурасига айлантиришни таклиф қиладилар, шу асосда давлат ҳуқуқий тизимини шакллантириш лозим дейдилар. Баъзи мусулмон давлатларида шариатни таъсирини кучайтириб, шу асосда қадимдан келаётган жазоларни (таёқ билан уриш, ўғрининг қўлини чопиш ва бошқ.) киритишни таклиф қиладилар. Лекин дин ва ҳуқуқ муносабатларида XX асрда секуляризация жараёни амалга ошди. Диний ва ҳуқуқий нормаларни ажратишда диний ва ҳуқуқий коллизия вужудга келади. Диндор киши ҳуқуқни ўз диний нормалари нуқтаи назаридан баҳолайди, қонунга мувофиқ иш қиладиган киши у ёки бу дин нормаларини ҳукмрон ҳуқуқ нормалари нуқтаи назаридан баҳолайди. Бундай баҳолар ҳамиша ҳам ижобий бўлавермайди. Дунёвий давлатда дин ва ҳуқуқ ўртасида мураккаб муносабатлар вужудга келади.

Ҳуқуқнинг динга муносабати ўзига хосдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддаси, «Виждон эркинлиги ҳақидаги қонун» фуқароларнинг виждон эркинлигини, конфессияларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлайди. Шу билан бирга, ҳуқуқ виждон эркинлигидан ғараз мақсадларда фойдаланишга бефарқ қарай олмайди. Баъзи диний секталарни инсонни бутунлай ўзининг малайига айлантириб, ундан хоҳлаган йўналишда фойдаланишига (масалан, «Аум сенрикё»да шундай бўлган) йўл бермайди. Ўтган XX асрда диний ҳаракатлар кучайиб кетди, бу ҳаракатлар адолатни ўзларича талқин қилиш имкониятини берди. Бунинг натижасида оккультизм ривожланди. Оккультизм – инсонларда ва космосда

қандайдир бир яширинган сирли кучлар борлигини эътироф этувчи умумий таълимот. Оккультизм назарияларига мувофиқ оламда адолатли савоб принципи ҳукмронлик қилади, бу ҳукмронликни сирли кучлар амалга оширади. Лекин ҳаётда адолат ҳамиша амалга ошавермайди, савобга лойиқ кишилар унга сазовор бўлавермайди. Оккультизмда эътироф этилишича, одамлар қандайдир аҳамиятсиз ва ўзи сезмаган хусусиятлари учун савобга сазовор бўлади. Оккультизм кўпгина давлатларда кенг тарқалган ижтимоий ҳаракатдир. Бу ҳаракатларда давлат тузилиши ҳақидаги қарашлар шаклланган. Инсонга бирон нарсага ишонишни ман қилмаслик лозим, аммо жиноятга олиб келиши мумкин бўлган эътиқод атрофида одамларни йиғишга имкон бермаслик зарур.

Ҳуқуқ ва ҳокимият. Зўрлик ёки ҳокимият динни ҳуқуққа айлантиришнинг универсал шакли ҳисобланади. Ҳуқуқ ундан келиб чиқадиган бўлса, унинг асосий шарти ҳокимият ҳисобланади. Бу факт ҳуқуқ ва ҳокимиятни айнанлаштиришда зарур асос бўлади.

Позитивистик назарияга кўра ҳуқуқ - бу ҳокимиятдир.

Ҳокимият бошқалар хатти-ҳаракатига таъсир қилиш имкониятидир, ҳуқуқ эса бу имкониятни амалга оширишдир, бошқача айтганда ҳуқуқ ҳокимиятни амалга оширишдир. Шу маънода ҳар қандай ҳокимият ҳуқуқий характерга эга, ҳуқуқсиз ҳокимият йўқ деб, деб айтилади. Бу фикр XIX асрда яшаган инглиз ҳуқуқшуноси Дж. Остин назарияси билан боғлиқ. Бундай фикр ҳар хил вариацияда Цицерон, Гоббс, Бентам, Йеринг, Кельзенда ҳам учрайди.

Дж. Остин фикрича, қонунлар иккига бўлинади: ҳақиқий ва ҳақиқий бўлмаган қонунлар.

Ҳақиқий бўлмаган қонунлар – сиёсий ҳокимият томонидан ўрнатилмаган қонунлар, яъни умумий фикрларга кўра ўрнатилган қоидалар. Масалан, шаън(ғурур) қонуни, модалар қонуни ва бошқалар.

Давлатларнинг мавжудлиги ҳақидаги дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳуқуқда ҳукмронларнинг иродаси ифодаланади. Шу билан бирга ижтимоий портлашлар бўлмаслиги учун ҳукмрон бўлмаган шахсларнинг иродаси билан ҳам ҳисоблашилади.

Г.Ф.Шершеневичнинг фикрича, «Агар давлат ҳокимияти ҳукмронлар иродасига асосланган бўлса, улар илгари сураётган ҳуқуқ нормалари ҳукмронлар манфаатини акс эттириши зарур. Кимнинг қўлида ҳокимият бўлса, бўйсунувчилар хатти-ҳаракатларини ҳукмронлар манфаатига тўғри келадиган нормаларга олиб борадилар.

Ҳокимият ҳуқуқнинг зарур шартидир, ҳокимиятсиз ҳуқуқ бўлмайди.

Ҳуқуқ ҳокимиятсиз бўлиши мумкин эмас, ҳокимият эса ҳуқуқсиз бўлиши мумкин, яъни бундай ҳолда ҳокимият ўзбошимчаликда намоён бўлади.

Ҳуқуқ ва ҳокимиятни аралаштириб юбормаслик лозим. Ҳокимият ўзини кўрсатма, буйруқларда намоён қилади. Аммо кўрсатма, буйруқлар ҳар хил, ноизчил, тизимсиз бўлиши мумкин. Ҳокимиятнинг кўрсатма, буйруқлари баъзан бир-бирига зид бўлиши мумкин. Агар ҳокимият буйруқлари барқарор, изчил, тизимли бўлса ҳуқуқ турига айланиши мумкин.

Ҳокимият – оқилона, табиий, легитим, қонуний, ахлоқий ва бошқача бўлиши мумкин, лекин у ақлга мувофиқ келмайдиган, нотабиий, легитим эмас, қонунга зид, ҳуқуққа тескари, ахлоқсиз ҳам бўлиши мумкин.

Ҳокимиятни амалга ошириш жараёни бу бошқа бир одамларнинг хатти-ҳаракатларига таъсир қилишдир. Агар бу таъсир ақлга мувофиқ бўлса, уни бошқариш дейиш мумкин. Шундай қилиб, ҳар қандай ҳокимият бошқариш бўлавермайди, ҳар қандай ҳокимият ҳам ҳуқуқий бўлавермайди.

Ҳокимиятни ҳуқуқий баҳолаш муаммоси легитимлик муаммоси ҳисобланади. Бошқа томондан легитимлик муаммоси мажбурлаш ҳуқуқи муаммосидир. Легитимлик деганда, одатда учта хусусият тушунилади:

- 1) янги ҳуқуқий нормаларни ўрнатилишида эски ҳуқуқий нормаларни ўрнатилишни ҳисобга олган ворисийлик;
- 2) легитимликнинг умуман қонунчилик маъносида тушунилиши;
- 3) легитимликнинг умумий фикрларнинг тан олиниши, урф-одатлар ва ҳукмрон ижтимоий манфаатларга мувофиқлик сифатида тушунилиши.

Шу нуқтаи назардан легитим ҳокимият деганда:

– биринчидан, олдинги ҳокимият томонидан ўрнатилган ҳуқуққа мувофиқ шаклланган ҳокимият;

– иккинчидан, табиий ёки позитив ҳуқуққа мувофиқ фаолият қиладиган ҳокимият;

– учинчидан, ижтимоий, умумий фикрлар томонидан тан олинган ҳокимият тушунилади.

Юқоридаги фикрларни легитим ҳуқуққа нисбатан қўллаш мумкин.

Легитим ҳуқуқ бу:

1) олдинги ҳуқуқий нормаларда кўрсатилган талабларга мувофиқ қабул қилинган ҳуқуқ;

2) зиддиятсиз ва муқаррар тизим сифатидаги ҳуқуқ;

3) умумий фикрлар билан тан олинган ҳуқуқдир.

Умуман легитимликнинг таърифи икки нарсага бориб тақалмоқда:

– биринчидан, ҳокимият ва ҳуқуқнинг ворисийлиги;

– иккинчидан, ҳокимият ва ҳуқуқнинг ҳокимият учун фойдалилигига.

Позитив ҳуқуқнинг бирламчи асосини табиий ҳуқуқ ташкил этади ва унинг фалсафий асоси ҳисобланади.

Табиий ва позитив ҳуқуқни қиёслайдиган бўлсак, улар кўп жиҳатлари билан ўзаро фарқ қилади. Табиий ҳуқуқ ва унинг элементлари инсон онгли мавжудот сифатида шакллана бошлаган даврлардан бошлаб мавжуд бўлган. Позитив ҳуқуқ табиий ҳуқуқдан фарқли равишда ижтимоий тараққиётнинг нисбатан юқори босқичида, инсоннинг эрки, ҳақ-ҳуқуқини тўла англаб етиши, ўзлигини англаши, хусусий мулкчилик турли шакллариининг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан боғлиқ тарихий шароитда шаклланди ва ривожланди.

Позитив ҳуқуқ куйидаги хусусиятларига эга:

- биринчидан, позитив ҳуқуқ ҳуқуқий нормаларнинг катъий ҳуқуқий ҳужжатларда ёзма равишда қайд этилишидир. Демак айтиш мумкинки, позитив ҳуқуқ тил ва тафаккур ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлган ҳуқуқ фалсафасининг асосий концепциясидир.

- иккинчидан, позитив ҳуқуқ ҳокимият билан боғлиқ бўлади ва унинг бу хусусияти, позитив ҳуқуқни амалдаги меъёрий, қадрият регуляторига айлантиради.

- учинчидан, позитив ҳуқуқни диалектиканинг асосий категорияларидан бири бўлган умумийлик категорияси билан боғлиқ дейиш мумкин. Позитив ҳуқуқ ҳуқуқий умумийлик бўлиб, у барча фуқароларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солади, уларни қонун йўли билан ҳимоялайди.

- тўртинчидан, позитив ҳуқуқ давлат томонидан ҳимояланади ва қонунларни ижтимоий ҳаётга жорий этилишини таъминлайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, биз табиий ва позитив ҳуқуқни, табиий ҳуқуқ тушунчаси ва позитив ҳуқуқнинг моҳиятини қисқача бўлса ҳам очиб беришга ҳаракат қилдик. Табиий ҳуқуқ ҳақида гапирганда - ахлоқ ва ҳуқуқ, ҳуқуқ ва келишув (договор) тўғрисида, позитив ҳуқуқ ҳақида гапирганда эса дин ва ҳуқуқ, ҳуқуқ ва ҳокимият тўғрисида қисман тўхталиб ўтдик.

IX. ҲУҚУҚ ВА ДАВЛАТ МУНОСАБАТИНИНГ ФАЛСАФИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ

1. Ҳуқуқ ва давлат муносабатлари ҳақида фалсафий-ҳуқуқий таълимотлар

Ҳуқуқ ва давлат муносабатларининг фалсафий-ҳуқуқий муаммолари кўп қиррали ва мураккаб масалалардан биридир.

Шунинг учун ҳам бу масалани бирор-бир хусусий фан, ҳатто ҳуқуқшуносликнинг энг умумий соҳаси – давлат ва ҳуқуқ назарияси фани ҳам ҳар томонлама таҳлил эта олмайди. Бу ҳол ҳуқуқшуносликнинг бўш томони ёки ноиложлиги эмас, балки унинг ўзига хос, аниқ, профессионал тадқиқот майдонига, тадқиқот предметиға эга эканлиги ва юқоридаги мавзунинг бу майдонга (ҳуқуқшунослик тадқиқот майдонига) кирмаслигидир.

Бу муаммоға ёндашиш ва муайян тушунчалар, тахминлар, хулосаларға келишнинг калити эса фалсафада, аниқроғи ҳуқуқ фалсафаси фанидадир.

Бунинг сабаби шундаки, ҳуқуқ фалсафаси давлат ва ҳуқуқнинг, улар ўртасидаги муносабатларнинг моҳиятини фақат ҳуқуқий ҳодисалар сифатида эмас, балки сиёсат, ахлоқ, маданият, маънавият, тарих, дин, маърифат, мантиқ ва умуман, инсоният ҳаёти нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда таҳлил этади. Бошқача айтганда, ҳуқуқ ва давлат тушунчаларига (ҳодисаларига) фақат ҳуқуқий ҳодисалар эмас, кенг, ижтимоий тузилмалар, уларнинг жамиятдаги ўрни, инсон ва инсоният тақдиридаги аҳамияти нуқтаи назаридан ёндашилади.

Айни вақтда, давлат нима, ҳуқуқ нима, уларнинг табиати, ўзига хослиги, бошқа соҳалардан фарқли хусусиятлари нимадан иборат, ҳуқуқнинг устуворлиги учун қандай омиллар ва шарт-шароитлар бўлиши лозим, дешан саволларға жавоб изланади.

Буларнинг барчаси ҳуқуқ ва давлат, улар ўртасидаги мураккаб муносабатларнинг моҳиятини имкон қадар теранроқ ва ҳар томонлама англаб олишда муҳим аҳамиятға эга.

Давлат нима, давлат қандай ҳуқуқни ихтиро этади, ҳуқуқ ва давлат муносабатларини аниқроқ тасаввур этиш учун уларнинг келиб чиқиш ва тараққиёт илдизларини билишимиз зарур. Зеро, ижтимоийликка оид ҳар қандай масалани унинг тарихий илдиз-

ларисиз билиш мумкин бўлмаганидек, давлат ва ҳуқуқ моҳиятини ҳам уларнинг тарихий пайдо бўлиш илдиэларидан излаш лозим.

Давлат. Давлатнинг келиб чиқиш илдиэлари ҳақида айниқса кўп, хилма-хил назариялар мавжуд. Булар орасида марксизм-ленинизм назарияси ўтган XX аср интеллектуал салоҳиятининг каттагина қисми орасида кенг тарқатилди.

Бу назарияга асосан давлатнинг келиб чиқиши синфий хусусиятга эга бўлиб, ижтимоий тенгсизликнинг, синфларнинг вужудга келиши ва ижтимоий меҳнат тақсимотининг секин-аста қарор топиши билан боғлиқдир. Яъни, давлат хусусий мулкнинг юзага келиши, ишлаб чиқариш воситаларининг бир қисми мулкдорлар кўлида тўпланиши натижасида юзага келган. Шу билан бирга марксизм-ленинизм зўрликни давлатнинг асосий белгиси деб ҳисоблайди. Аёнки, жаҳон ҳамжамияти ва давлатчилиги тўплаган ғоятда улкан ижтимоий-сиёсий тажрибалар асосида бугунги кунда юқоридаги назария билан келишиб бўлмайди.

Давлатнинг пайдо бўлиши том маънода фуқароларнинг маънавий-маданий бирлигини, ҳудудий бир бутунликни таъминлаш билан боғлиқ бўлиб, жамиятнинг маданият, ижтимоий-сиёсий шароитлари тақозо этувчи тарихий заруратидир. Зўрлик масаласида эса, зўрлик ишлатиш давлатнинг асоси эмас, балки ёрдамчи, зарур пайтларда ишлатиш мумкин бўлган хусусиятларидан биридир (солиқларни тўламаслик, даромадларини бекитиш, жинойтчиликка қарши кураш ва ҳоказо ҳолларда). Бунда ҳам зўрлик ишлатиш халқ манфаати, тартиб ўрнатиш мақсадида амалга оширилади.

Шу маънода давлатни ҳозирги замон тушунчаси нуқтаи назаридан қуйидагича таърифлаш мумкин:

Давлат (зўрлик, зўравонлик машинаси эмас, балки) фуқаро ҳақ-ҳуқуқларини, эркинликларини ҳимоя қилувчи, халқ турмуш фаровонлиги, мамлакат ички ва ташқи хавфсизлигини таъминловчи сиёсий бошқарув аппаратидир. Яъни, халқ давлат учун эмас, давлат халқ учун хизмат қилиши зарур. Бу ҳолда Президент Ислом Каримов ўзининг кўп нутқлари ва асарларида бир неча бор таъкидлаб ўтади ҳамда давлат бошқарувида ана шу сиёсатни олиб бормоқда.

Тўғри, давлатнинг бу сифатига унинг бошқарув шакллари ҳам у ёки бу даражада таъсир этиши мумкин. Масалан, давлат бошқарувининг монархия, тоталитар, парламентар, республика, федератив, конфедератив каби шакллари амалиётида шундай ҳолатларни кузатиш мумкин. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам ҳозирги замон

давлатчилиги (бошқарув шакли қандай бўлишдан қатъи назар) давлат функциясининг юқорида қайд этилган сифатларидан кескин равишда четга чиқиб кетмайди. Жаҳон ҳамжамияти тўплаган кадриятлар бунга йўл қўймайди.

Бундай давлатлар типи, кўриниши, элементлари халқимиз давлатчилиги тарихидан маълум. Улар:

энг қадимги қабилалар бошқаруви. Қабила бошлиғи ўрнатган тартиби-қоидалар, ватанпарварлик ва ҳоказо. («Тўмарис» ҳақидаги дoston);

Аҳмонийлар давлати. Кушон давлати.

Амир Темур асос солган давлат салтанати («Темур тузуклари»да айтилади: салтанатнинг у бошидан бу бошигача бир болакай барқашда олтин олиб ўтса, бир донаси ҳам камаймайди (таланмайди); ана шундай осойишта давлат барпо этилди). Албатта, давлатнинг инсон ҳақ-ҳуқуқларини, эркинликларини ҳимоя қилувчи, халқ турмуш фаровонлигини, ҳаёт хавфсизлигини таъминловчи сиёсий аппарат бўлиши, давлат қурилиши ва бошқарувининг энг мақбул, энг идеал шаклидир. Лекин бунга эришиш учун фақат ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий омилларни эмас, маънавий омилларни ҳам юксак даражада ривожлантириш зарур. Яъни, маданият, ахлоқ, ҳуқуқ маданияти, сиёсий онг юқори бўлиши, тўхтовсиз ривожланиб бориши лозим. Бу назария бугун пайдо бўлган эмас, у Шарқ фалсафасида ҳам (Фаробий, Беруний, Ибн Рушд), Ғарб фалсафасида ҳам (Н.Макиавелли, Ш.Монтескье, Гегель) қайд этилди.

Шунинг учун ҳам ХХI асрга келиб давлатчилик тараққиётида муштараклик йўқлиги ҳолатларининг сабабларини (жаҳон давлатчилигида давлат бошқарувининг турличалиги омилларидан ташқари (бошқарув шакллари давлатчилик тараққиётига турлича, ё ижобий, ёки салбий таъсир этиши мумкин) кўпроқ иқтисодий ва сиёсий манбалардан эмас, балки маънавият ва ҳуқуқнинг қай аҳволда эканлигидан излаш керак.

Бинобарин, давлатчилик тараққиёти паст-баландлигининг асосий сабабларидан бири маданият, ахлоқ, ҳуқуқ тараққиётининг паст-баландлигидадир. Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистонда қурилаётган демократик жамият ва ҳуқуқий давлат маданият, ахлоқ, ҳуқуқ, ҳуқуқий онг устуворлиги ва тарихий маънавий кадриятларимизга таянади, деб такрор-такрор уқтиришлари бежиз эмас.

Давлат ва ҳуқуқ ўртасидаги муносабатларнинг аксарияти кўпчиликни ҳам айнан ана шу соҳалар, уларнинг фаол ёки суғлиги доирасида содир бўлади (АҚШ давлати).

Ҳуқуқ. Марксизим-ленинизм асосчилари ҳуқуқнинг пайдо бўлишини давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлайдилар. Уларнинг фикрича, ҳуқуқ давлат томонидан юзага келтирилади, у давлатга хизмат қилади ва давлат ўз функциясини тугатиш, яъни коммунизм жамияти қурилиши билан ҳуқуқ ўз фаолиятини тўхтади. Бу назариянинг асосизлиги эндиликда борчага аён. Аслида эса, ҳуқуқнинг пайдо бўлиши, унинг дастлабки тарихи устида баҳс кетганда ижтимоий ҳуқуқ эмас, табиий ҳуқуқ назарда тутилиши лозим. Табиий ҳуқуқ инсоннинг табиий эҳтиёжларини қондирувчи азалий ҳуқуқдир. Унинг пайдо бўлиши ҳеч қандай сиёсий тизим ёки давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ эмас.

Давлатнинг пайдо бўлиши, ҳатто давлат элементлари шакллана бошлаши билан эса (қабила бошқаруви) ижтимоий, ёки позитив ҳуқуқ юзага кела бошлайди. Позитив ҳуқуқ табиий ҳуқуқ асосида ва давлат томонидан юзага келтирилади. Демак, давлат умуман ҳуқуқнинг ихтирочиси эмас, балки ижтимоий ҳуқуқнинг, яъни давлат ва фуқаро манфаатларига ишловчи ҳамда давлат тарафидан ҳимояланувчи амалдаги ҳуқуқнинг – позитив ҳуқуқнинг яратувчиси.

2. Ҳуқуқ ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг муштараклиги ҳамда ўзига хос хусусиятлари

Ҳуқуқ инсон ва унинг фаолиятидан ташқарида содир бўла олмайди. Инсоннинг жамики фаолияти (ҳам табиий, ижтимоий) ҳуқуқ элементларидан холи эмас. Лекин, шунга асосланиб инсоннинг ҳар қандай ҳолат ва эҳтиёжига ҳуқуқий мақом берилиши тўғри эмас (Америкалик аёл унга бир йўловчи «ёмон кўз» билан қарагани учун каттагина жарима ундириб олган). Шу маънода ҳуқуқ ижтимоий салоҳиятига эга бўлиб, ижтимоий нуқтаи-назардан маъқулланган бўлиши лозим.

Ҳуқуқнинг инсон ва унинг фаолияти доирасида намоён бўлиши уни давлат, сиёсат, жамият билан боғлайди. Яъни, ҳуқуқнинг инсонийлик хусусияти унинг мувозанатда бўлишини тақозо этади.

Аммо бундай мувозанат ҳамма вақт ҳам бир зайлда бўлмаслиги ва бундай ҳолларда ҳуқуқ ва давлат ўртасида зиддиятлар юзага

келиши мумкин. Бундай зиддиятлар тоталитар ва монархистик бошқарув асосига қурилган давлатларда айниқса яққолроқ кўзга ташланади.

Давлат ижтимоий тараққиёт ва сиёсат ўртасидаги зарурий мувозанатга оз бўлса-да, эътиборсиз бўлса, фақат мавжуд қонунларга таяниб қолса, уларни такомиллаштиришга, ҳаёт эҳтиёжлари, халқ манфаати билан мос келтиришга уринмаса, бундай зиддиятлар чуқурлашаверади.

Давлат ва ҳуқуқ фаолиятидаги юқоридаги хусусиятлар, ўз навбатида, давлат ва ҳуқуқ ўртасида бир-бири билан боғлиқ қўйидаги умумий муносабатларни юзага келтиради:

1. Давлат, ҳуқуқ, қонун ўртасидаги муносабатлар бир-бири билан узвий боғлиқ, бири иккинчисини тақозо этадиган ижтимоий-сиёсий ҳодисалардир. Бу эса давлат ва ҳуқуқ ўртасидаги мақсад муштараклигини ифодалайди. Шу маънода давлат ҳуқуқсиз, ҳуқуқ давлатсиз бўлмайди. Бундай диалектик айният ҳам давлат тараққиётига, ҳам ҳуқуқ ривожига хизмат қилади.

2. Давлат ва ҳуқуқнинг амалий фаолиятида улар учун белгиланган функцияларнинг (вазифаларнинг) бир хил, баробар масъулият билан бажарилиши ҳодисаси уларнинг бир-бири устидан ҳукмронлик қилишига йўл қўймайди. Шунинг учун ҳам давлат ҳуқуқни кашф этади, унинг ҳаётийлигини ҳимоялайди, унинг фаолияти учун шарт – шароитлар яратади, лекин унинг устидан ҳукмронлик қила олмайди. Чунки, ҳуқуқ расмий ҳолатга кириши билан мустақил ижтимоий ҳодисага айланади; давлат ҳам унинг субъекти бўлиб қолади.

3. Лекин бундан қатъи назар, давлат ҳуқуқни янгилаб, такомиллаштириб, сиёсий ижтимоий, иқтисодий талаб ҳамда заруриятларга мослаб бориши шарт. Аммо, узлуксиз ўзгартиришлар беқарорликка олиб келиши мумкин. Давлат, албатта, бунга йўл қўймайди. Бундай вазиятга тушиб қолмаслик учун қонун ташаббускорлари ва ижодкорлари юксак талабчанлик билан ишлаши, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар имкон қадар узоқроқ истиқболни назарда тутмоғи лозим.

4. Давлат ва ҳуқуқ муносабатлари доирасида ҳуқуқнинг нисбатан консерватив хусусияти (масалан, сиёсатга, ўзгаришларга нисбатан) алоҳида аҳамиятга эга. Гап шундаки, ҳуқуқ ўз моҳиятига кўра тез ўзгарувчан ҳодиса эмас. Унинг ўзгаришига давлат аралашмагунча, у бир зайлда қолаверади. Лекин, давлатнинг

аралашуви тезда бўладиган ҳодиса эмас; бунинг учун ижтимоий, иқтисодий, сиёсий вазият чуқур ўрганилиши, истиқболга синчковлик билан ёндашиш талаб этилади. Шунинг учун ҳам ҳуқуқнинг сиёсий ёки бошқа жабҳаларда ўзгаришлар содир бўлганидан кейин ҳам муайян муддат консерватив ҳолатда бўлиши сиёсий сакрашларга, турли пала-партишликка йўл бермайди. Бунинг салбийдан кўра ижобий томони кўпроқ.

5. Ҳуқуқнинг бир маромда узлуксиз тараққий этиши ва давлат билан ўзаро муносабатларнинг такомиллашиб бориши сиёсат ва иқтисодиётдан ташқари, маънавий ҳаёт: маданият, жумладан ҳуқуқ маданиятини, маориф ва ахлоқнинг тинимсиз равишда ривожланиб боришини тақозо этади. Натижада, ҳуқуқнинг хоҳиш-истагидан қатъи назар, мантиқан ҳуқуқ томонидан давлат ва жамият олдига маънавиятни ривожлантиришдек ўта муҳим ва оғир ижтимоий вазифа қўйилади. Яъни, бу ўринда, таъбир жоиз бўлса, ушбу вазифанинг буюртмачиси ҳуқуқ ҳисобланади. Бу ҳуқуқнинг «инжиқ»лиги ёки, шунчаки талабчанлиги эмас, кўпроқ унинг ижтимоий функцияси хусусиятидан ҳамда ижтимоий тараққиёт қонуниятларидан келиб чиқадиган ҳодисадир.

3. Ҳокимият тақсимооти – ҳуқуқ ва давлат муносабатларининг фаол омили сифатида

Давлатчилик тажрибасида ҳокимият тақсимланиши тартибининг пайдо бўлиши муайян давлатда демократик принципларининг пайдо бўлиши, маънавият ва ахлоқнинг ўсиши билан боғлиқдир (акс ҳолда, агар ҳокимият тақсимланмаса, у яқка шахс қўлида мужассамланса, у ҳолда суиистеъмолчилик, ўзбошимчалик каби хатти-ҳаракатларга йўл очилади). Яна муҳим томони – ҳокимият тақсимланиши натижасида ҳуқуқ ва давлат ўртасидаги муносабатлар жиддий равишда фаоллашади; ҳуқуқ ва давлат ўзларининг профессионал вазифалари, ваколатларини ёрқин тасаввур этадилар ва уларни аниқ амалга ошириш учун масъулият кучаяди.

Ҳокимиятнинг тақсимланиши ғояси ва амалиёти узоқ тарихий ўтмишга бориб тақалади. Бу ғоя қадимги юнон мутафаккирлари асарларида баён этилган; юнон шаҳар-давлатлари (полислари) бошқарув тизимларида у ёки бу даражада амалда қўлланилган.

Ҳокимият тақсимланиши амалиётининг айрим элементлари Амир Темур салтанати бошқарувида ҳам қўлланилган (ката-кичик

кенгашлар, вазирлар учун аниқ соҳаларнинг ажратилиши ва ўз соҳасининг билимдонлиги ҳамда масъуллигининг талаб қилиниши ва хоказо). Бу ҳол Бобур, Шайбонийхон ҳокимиятлари тажрибаларида ҳам кўзга ташланади. Бироқ бу ғоялар ва уларнинг амалиёти на қадимги дунёда ва на ўрта асрларда бир бутун, яхлит сиёсий-ҳуқуқий таълимот, шунингдек мукаммал амалиёт даражасига кўтарила олмаган.

Фақат XVII асрнинг охири XVIII асрнинг бошларида бу ғоя илмий асосланди. Бу ғояни илмий таҳлил этган мутафаккирлар инглиз файласуфи Жон Локк ҳамда француз файласуфи ва тарихчиси Шарль Монтескьедир. Ўшандан бери бу ғоя сиёсий-ҳуқуқий мақомга эга бўлиб, Европанинг кўпчилик мамлакатларида, кейинчалик айрим Осиё мамлакатларида амалиётда қўлланилди.

Жаҳон давлатчилиқ тажрибасида давлат бошқаруви ҳокимиятнинг уч асосий тармоғи – қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятлари воситасида амалга оширилади. Ҳокимият тақсимотининг бундай шакли давлат бошқарувида ваколатларнинг тақсимланиши тартибига ўхшаб кетади. Лекин улар айнан бир хил ҳодиса эмас. Ваколатларнинг тақсимланишида муайян ҳокимият тармоғининг профессионал вазифаларини амалга ошириш назарда тутилади. Бундан ташқари, ваколатларнинг тақсимланишида фақат уч тармоқ эмас, балки сиёсий ва ҳуқуқий бошқарувчи – давлат раҳбарига ҳам юқори ваколатлар берилади (айниқса президентлик бошқарув шаклидаги мамлакатларда). Демак, ваколатлар тақсимотида уч эмас, камида тўрт субъект иштирок этади. Бундан ортиқ ҳам бўлиши мумкин (масалан Эрон тажрибаси).

Ҳокимият тақсимотига кўра, учала тармоқнинг ҳар бири ўз профессионал вазифаларини тўла бажариши билан бирга унинг чекига тушган барча масъул вазифаларнинг сиёсий ва ҳуқуқий устуворлигини таъминлаши зарур. Бундан ташқари, ҳокимият тақсимотининг ҳар бир субъекти мустақил ваколатларига эга бўлсада, ўз ҳуқуқий воситалари ёрдамида бир-бирининг фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириши, уйғунлаштириши шарт.

Шундан маълум бўладики, ҳокимият тақсимланиши тартибининг амалиётдадир аҳволи ҳуқуқ ва давлат ўртасидаги қизғин муносабатларнинг майдонига айланади. Ҳуқуқ бу майдонда ҳокимият тармоқларининг қудратли таянчи, сиёсатини амалга оширишнинг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилади.

Ҳокимиятнинг тақсимланиши куйидаги идеал ҳолатларда айниқса тўла қарор топади:

- қонун чиқарувчи ҳокимият ҳеч маҳал ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ваколатларини ўзлаштирмаслиги керак;

- ижроия ҳокимият, ўз навбатида, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятлари ваколатларини ўз зиммасига олмаслиги керак;

- суд ҳокимияти эса, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятларнинг ҳуқуқларидан фойдаланмаслиги керак.

Бундай тартибнинг ўрнатилиши учлик орасидаги муносабатларнинг энг идеал шаклидир. Бироқ бундай тартибни ҳамма вақт ва ҳамма давлатлардан ҳам ўрнатиш қийин чунки, бу муносабатларни юзага келтирувчилар биринчидан, қандайдир роботлар ёки муайян бир йўналиш бўйича программалаштирилган жонзотлар эмас, балки жонли, фикрли одамлар; иккинчидан, ҳамма давлатларда ҳам маънавият, маданият, ахлоқ, ҳуқуқ, ҳуқуқий онг ва маданият бир зайлда тараққий топмаган.

Лекин, юқоридагидек идеал муносабатлар ўрнатилган давлатлар ҳам кам эмас. (Европанинг ривожланган давлатлари, айрим Осиё давлатлари-Япония, Покистон, Ҳиндистон ва бошқалар).

Хўш, ҳокимият тақсимотида иштирок этадиган барча субъектлар фаолиятини фақат назарий эмас, амалда ҳам идеал даражагача кўтариш мумкинми? Албатта, мумкин. Лекин бу ишни тезкорлик усулида ҳал этилиши мушкул. Бунинг учун аввало зарурий ҳуқуқий вазият, энг мақбул давлат бошқарув усулининг йўлга қўйилиши, ва ниҳоят, етарли тажрибага эга бўлиши зарур. Бугун ҳокимият тақсимоти нисбатан етарли даражада фаолият кўрсатаётган Европанинг ривожланган давлатлари узоқ муддат давомида юқоридаги жараёнларни бошдан кечирдилар. Ҳокимият тақсимоти назарияси ва амалиётида бу мамлакатлар тўплаган тажриба, албатта, мустақилликка эришган ёш суверен давлатлар фаолиятида бу жараённинг имкон қадар тезроқ ўтишига ёрдам беради.

Бунга Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ва истиқболда назарда тутилган тадбирлар яққол мисол бўла олади. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиши билан Президент Ислам Каримов бошчилигида мамлакатда демократик жамият ва ҳуқуқий давлат барпо этиш бўйича назарий асосланган стратегик дастур доирасида ҳокимият тақсимоти тартиботига ўтиш соҳасида улкан ислохотлар ўтказилди. Чунончи, жаҳон парламентализмининг илғор андозалари асосида икки палатали амалий ишчан парламент юзага

келтирилди; суд тизими бўйича қонун, фармон ва қарорлар қабул қилиниб, ҳақиқий суд ҳокимияти шакллантирилди; прокуратура тизими умумий қораловчи ташкилотидан фуқароларнинг ҳуқуқини ҳимоя этувчи органга айлантирилди. Президентимиз ташаббуси билан сиёсий партияларнинг жамиятда обрў-эътиборини оширишга, улар фаолиятининг кескин фаоллашуви ва шу асосда яқин келажакда парламентар ҳокимият тартибига ўтишга қаратилган қонунлар ва бошқа сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ана шу ва бошқа кўпдан-кўп кундалиқ тадбирлар натижасида Ўзбекистонда шаклланган ҳокимият тақсимоли ҳозир самарали фаолият олиб бормоқда.

Маълумки, ҳокимият тақсимоли, барча ижтимоий – сиёсий тузилмалар каби, муайян бир даражада туриб қолмайди, у доимий равишда ривожланади, янги – янги тажрибалар тўплаб мукамаллашиб боради. Бунинг учун жамиятда ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданият ҳамда онгнинг ўсиб бориши муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳокимият тақсимоли тизими фаолиятини муттасил ошириш учун энг аввал учликнинг ҳар бир субъекти ўз ички фаолиятида юксак маданият, ахлоқ, ҳуқуқ асосида иш юритишни йўлга қўйиши зарур. Шу билан бирга ҳар бир субъект тақсимоли тарафидан қўйиладиган барча талаб ва шартларни фақат марказий аппаратда эмас, балки вертикал равишда энг пастки бўлинмага қандай бажарилаётганлигини жиддий ҳамда доимий равишда назорат қилиб бормоғи лозим. Акс ҳолда, муайян бирон-бир муаммо субъект марказий ёки вилоят аппарати доирасида вақтида бартараф этилиб, тегишли йўлга қўйилса-ю, туман ёки бошқарма даражасида бу масалага «хўжақўрсин» қабилида ёндашилса, масала ярим йўлда қолиб кетади.

Ҳокимият тақсимоли субъектларининг мўътадил иш юритишларида сиёсий партиялар, бошқа жамоат ва нодавлат ташкилотларининг танқидий – кузатувчилик фаолияти катта аҳамиятга эга. Бу ўринда айрим мамлакатларда расмий равишда расмий тузилган жамоат ташкилотларининг назорат-кузатув фаолиятлари айниқса самаралидир. Ҳозир бундай ташкилот Россия Федерациясида «Жамоатчилик палатаси» номи билан фаолият кўрсатмоқда. Бундай жамоатчилик ташкилотлари, уларнинг турли-туман маслаҳат ва ғоялари, шубҳасиз, тақсимот субъектлари фаолиятини яхшилашга ҳисса бўлиб қўшилади. Лекин, пировард-натижада ҳокимият тақсимолининг ҳаётбахш омили ва манбаи ҳуқуқ ва давлат муносабатларининг соғломлиги, уларнинг диалектик бирлиги ҳамда узлуксиз равишда илгарилаб боришидадир.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2011.

Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т., 1996. – 364 б.

Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т., 1996. – 380 б.

Каримов И. А. Ватан саждагоҳ қаби муқаддасдир. Т.3. – Т., 1996. – 366 б.

Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т., 1996. – 349 б.

Каримов И. А. Янгича ишлаш ва фикрлаш – давр талаби. Т.5. – Т., 1997. – 384 б.

Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т., 1998. – 429 б.

Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т., 1999. – 410 б.

Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т., 2000. – 528 б.

Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т., 2001. – 432 б.

Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун қурашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002. – 432 б.

Каримов И. А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т., 2003. – 320 б.

Каримов И. А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. Т.12. – Т., 2004. – 398 б.

Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т., 2005. – 448 б.

Каримов И. А. Инсон. – унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. – Т., 2006. – 280 б.

Каримов И. А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Т., 2007. – 320 б.

Каримов И. А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий-тимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Т., 2008. – 368 б.

Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008. – 176 б.

Каримов И. А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Т., 2009. – 280 б.

Каримов И. А. Жаҳон инкирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т.18. – Т., 2010.– 280 б.

Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – 56 б.

Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Т., 2011. – 360 б.

Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т., 2011. – 440 б.

Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир // Халқ сўзи. – 2011. – 8 дек.

Фалсафадан ваъз матнлари / Масъул муҳаррир И. Каримов. — Т., 1995. 50- 92, 109, 93-107.

Керимов Д.А. Основы философии и права. – М., 1995.

Поздняков Э.А. Философия государства и права. - М., 1995.

Нерсесянц В.С. Гегелевская философия права: история и современность. М. 1996.

Тихонравов Ю.В. Основы философии права. – М., 1997.

Туленов Ж., Гофуров З. Фалсафа. — Т., 1997. – Б. 197-228.

Рамазанов И. Ҳуқуқни фалсафий жиҳатдан асослаш // Давлат ва ҳуқуқ.– 1998.– №3.

Фалсафа / Академик Э. Юсупов таҳрири остида. — Т., 1999. – Б.101-123, 125-127.

Таджиханов У., Саидов А. Давлат ва ҳуқуқ асослари.– Т.,1999.

Саидов А.Х. Сравнительное правоведение. – Т., 1999.

Хан С.М. О предмете социологии права // Ҳуқуқ-Право-Law. – 1999. – №2.

Абдухаликов С. Ҳуқуқ фалсафаси ва юридик социология. // Ҳаёт ва қонун.– 1999. – №5.

Таджиханов У. Ҳуқуқий ислохотлар: муаммолар ва истикболлар // Ҳуқуқ-право-Law.– 2000. – №1.

Мусаев Ф. Ҳуқуқ фалсафаси нима? // Тафаккур, 2003.– 8-сон.

Нерсесянц В.С. Ҳуқуқ фалсафаси. Т., 2003.

Тўйчиев Б.Т. Ҳуқуқ фалсафаси. Т., 2004.

Қодиров Анвар. Сиёсат фалсафаси.– Т., 2005. – Б.34-44.

Жўраев Қодиржон. Қонунчилик ва ижроия ҳокимиятлари ўртасидаги ўзаро муносабат //Ҳуқуқ-Право-Law.– 2004.– № 4.– Б.59-60.

Фалсафа: Қомусий луғат /Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. - Т., 2004. – Б. 51-53, 140-141.

Фалсафа қисқача изоҳли луғат /М.Н.Абдуллаева ва бошқалар. – Т., 2004. – Б. 61,74, 81-101.

Рўзметов Хайрулла. Необходимы условия для реализации принципа разделения властей // *Хуқуқ-Право-Law.* – 2005. – №1. – Б.9–11.

Фалсафа асослари / Масъул муҳаррир К.Назаров. – Т., 2005. – Б. 145-202.

Falsafa: Oliy o'quy yurtlari uchun qo'llanma /E.Y.Yusupov va boshq. 2-nashri. – Т., 2005. – Б. 118-1147.

Тўлаганов А. Амир Темур ва темурийлар салтанатида давлат бошқаруви ҳамда дипломатик муносабатларнинг ривожланиши: Ўқув қўлланма. – Т., 2006. – Б. 73-121.

Мусаев Ф.А. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. – Т., 2007.

MUNDARIJA

КИРИШ	3
--------------------	---

I. ҲУҚУҚ ФАЛСАФАСИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДИ

1. Ҳуқуқ фалсафасининг предмети.....	6
2. Ҳуқуқ фалсафасининг методлари.....	15

II. ҲУҚУҚ ФАЛСАФАСИ ТАРИХИ

1. Қадимги Шарқ ва Антик даврда ҳуқуқ фалсафасига оид қарашларнинг шаклланиши ва ривожланиши.....	21
2. Ўрта аср ва ундан кейинги даврларда фалсафий-ҳуқуқий концепцияларининг тараққиёти.....	31
3. XX аср ҳуқуқ фалсафаси ва унинг асосий йўналишлари.....	40

III. ҲУҚУҚНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАВСИФИ

1. Ҳуқуқ тушунчаси ва унинг моҳияти.....	46
2. Ижтимоий нормалар тизимида ҳуқуқ.....	51
3. Ҳуқуқ ривожланишининг асосий манбалари.....	56

IV . ФАЛСАФИЙ ЮРИДИК ҚОНУНЛАР МУНОСАБАТИ

1. Қонун тушунчаси, унинг моҳияти ва фалсафий талқини.....	60
2. Фалсафий қонунларнинг ҳуқуқшунослик фани ва амалиёти учун методологик аҳамияти.....	64

V. ФАЛСАФА КАТЕГОРИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАТЕГОРИЯЛАР БИЛАН ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ

1. Категория тушунчаси. фалсафа категориялари ва уларнинг билишдаги роли.....	72
2. Воқеликнинг тузилиши ва умумий алоқадорлигини акс эттирувчи категориялар.....	74
3. Детерминизмнинг умумий алоқадорликларини ифodalровчи категориялар.....	78

VI. ҲУҚУҚИЙ ОНТОЛОГИЯ, ГНОСЕОЛОГИЯ ВА АКСИОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ

1. Ҳуқуқий онтология тушунчаси ва унинг моҳияти.....81
2. Ҳуқуқий гносеология билишнинг ўзига хос шакли сифатида.....91
3. Қадриятлар тизимида ҳуқуқий аксиологиянинг ўрни.....102

VII. ОНГ ВА ҲУҚУҚ. ҲУҚУҚИЙ ОНГ

1. Онг фалсафий-ҳуқуқий таҳлил объекти.....105
2. Ҳуқуқнинг моҳияти.....113
3. Ҳуқуқий онг.....115

VIII. ТАБИИЙ ВА ПОЗИТИВ ҲУҚУҚ

1. Табиий ҳуқуқ тушунчаси.....119
2. Позитив ҳуқуқнинг моҳияти.....125

IX. ҲУҚУҚ ВА ДАВЛАТ МУНОСАБАТИНИНГ ФАЛСАФИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ

1. Ҳуқуқ ва давлат муносабатлари ҳақида фалсафий-ҳуқуқий таълимотлар.....132
2. Ҳуқуқ ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг.....135
3. Ҳокимият тақсимоти – ҳуқуқ ва давлат муносабатларининг фаол омили сифатида.....137

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР.....141

Найим Ёвқочевич ҒОЙИБОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор;

Давлет Абдушарипович ЮСУБОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент;

Абдурахим Абдувоҳитович МАВЛЯНОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент;

Хусан Бекчанович САИТХОДЖАЕВ,
фалсафа фанлари номзоди

ҲУҚУҚ ФАЛСАФАСИ

Маърузалар курси

Муҳаррир И.И. Хувайтов
Техник муҳаррир Д.Х. Ҳамидуллаев

Босишга рухсат этилди 04.06.2012. Нашриёт ҳисоб табағи 8.5. б.т.
Адади 25 нусха. Буюртма № .

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 100197,
Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.